ISSN 0134—2207

R 496

ГУЛИСТОН

5
1989



Дикторлар: Раъно ЖЎРАЕВА, Фарҳод БОБОЖОНОВ.



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

ГБ УзССР

№ 5 (471) Май 1989

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитетининг нашриёти

Бош муҳаррир:

МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:

**С. АЗИМОВ,
Б. АМИНОВ,
Н. ИБРОҲИМОВ,
Э. МУҲАММАД
(масъул котиб),
М. МЎИДИНОВ,
С. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
А. ҚАЮМОВ,
О. ҲУСАНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
К. ЯШИН**

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Андижон вилоятидаги Бўз ўқитувчилик билим юртининг учинчи курс толибаси М. Мадаминова тажриба машғулоти ўтказаяпти.
Т. Степанова фотоси

Рассом Т. Саъдулла
Тех. ред. М. Абдуллаев
Корректор М. Набиева

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари 33-35-90; масъул котиб — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-77.

Босмахонага туширилди 17.03.89 й. Босишга рухсат этилди 30.04.89 й. Р—01197. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 143809. Буюртма № 392. А-125. Баҳоси — 35 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ва «Вокруг света» журналидан фойдаланилди.

Адресимиз: 700000, Тошкент-II, Ленин кўчаси, 41.



Кўклам табассуми.
Н. Шарипов фотоэтюди



БУ СОНДА:

Муҳаммадшариф СЎФИЗОДА:

*Омон бўлсин қизил байроқ байналминал шўро,
Матонатли муборак маслаки марғуб дилоро,
Муқаддас мақсади оина хумоюн, машраби зебо,
Яшатди ишчи-деҳқон оммасини, яшнади дунё.*

(4—5-бетлар)



Тоир КАРИМОВ,
фалсафа фанлари номзоди

В. И. Ленин ҳам ўзининг дастлабки қатор асарларидаёқ, (масалан, «Россия социал-демократик ишчи партиясининг программа лойиҳаси», 1902 йил) миллий масаланинг қўйилиши ва унинг ечилиши учун миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини асос қилиб олиш кераклигини олдинга сурган эди. Миллий масаланинг ленинча назариясидаги асосий қоидалар кейинчалик Коммунистик интернационал ва коммунистик партияларнинг программалари, ҳужжатлари ҳамда амалий фаолиятларига асос қилиб олинган эди.

(2-3-бетлар)

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
публицист

Қайта қуриш шабодаси эсаётир. Ахир сўзга имон қўнмоқда, ишон, имон қўнмоқда!..

(24-25-бетлар)

© «Гулистон», № 5, 1989.

ДОҲИЙ САБОҒИ

В. И. ЛЕНИННИНГ «МИЛЛАТЛАРНИНГ ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАШ ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДА» МАҚОЛАСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Пролетариат доҳийлари К. Маркс ва Ф. Энгельс ўзларининг қатор асарларида миллий масаланинг илмий назариясини ҳамда асосий йўналишларини ишлаб чиққан эдилар. Улар миллий муносабатлар ҳар бир даврда аниқ — тарихий характерга эга бўлишини, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, синфий кучларнинг мамлакат ичидаги ва халқаро миқёсдаги ўзаро муносабатларини белгилаб беришини, шунингдек, миллат ва элатларнинг ўзаро муносабати муқаррар тарзда ижтимоий муносабатларга ва синфий курашга жуда катта таъсир этажагини қайд қилиб ўтган эдилар. Шу билан бирга тарихий тараққиётнинг турли босқичларида миллий масаланинг сиёсий ёки иқтисодий мустақиллиги, тил ва маданият билан боғлиқ соҳалари энг долзарб масала сифатида кўтарилишини алоҳида таъкидлашган. Миллий озодлик ҳаракатининг ижтимоий моҳиятини ойдинлаштириб, К. Маркс билан Ф. Энгельс йўқсулларнинг синфий манфаатини кўзлаб: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шиори остида байналминал қарашларни илгари сурган эдилар. Ана шу қарашдан келиб чиқиб Ф. Энгельс: «Бошқа халқларни асоратда тутиб турган халқнинг ўзи ҳеч қачон озод бўлолмайди» (К. Маркс и Ф. Энгельс, Произведение, т. 18. стр. 509), деб ёзган эди. Шунингдек, улар мустамлака халқлар пролетариатининг инқилобий курашда табиий иттифоқдоши эканлигини таъкидлаб, уларга миллий мустақиллик бериш тарафдорлари бўлиб майдонга чиқдилар.

В. И. Ленин ҳам ўзининг дастлабки қатор асарларидаёқ (масалан, «Россия социал-демократик ишчи партиясининг программа лойиҳаси», 1902 йил) миллий масаланинг қўйилиши ва унинг ечилиши учун миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини асос қилиб олиш кераклигини олдинга сурган эди. Миллий масаланинг ленинча назариясидаги асосий қоидалар кейинчалик Коммунистик интернационал ва коммунистик партияларнинг программалари, ҳужжатлари ҳамда амалий фаолиятларига асос қилиб олинган эди.

Миллий масала, айниқса, биринчи жаҳон уруши арафасида жуда кенг мунозараларга сабаб бўлди. Бу масала Австро-Венгрия, Россия каби кўп миллатли мамлакатларнинг тараққийпарвар партиялари, илғор зиёлилари томонидан кун тартибига қайта қўйилиб, турли нуқтаи назарлардан туриб муҳокама қилинди. В. И. Ленин шу йилларда «Миллий масала бўйича танқидий мулоҳазалар», «Великорусларнинг миллий ифтихори», «Миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги» сингари бир қанча мақолаю нутқларида ғоят мураккаб бу масалани марксистик диалектика нуқтаи назаридан келиб чиқиб атрофлича ёритган эди. Уша даврда ёзилган «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида» деб номланган мақоласи ҳам (Мақола 1914 йил февраль-май ойларида ёзилиб, ўша йилнинг апрель-июнь ойларида «Просвещение» журналида чоп этилган) мазкур масаланинг моҳиятини тўғри тушунишда алоҳида мазмун касб этади. Унда миллий масалага оид муаммолар... «... Россияда энди чиққан эмас ва ёлғиз Россияга хос ҳам эмас» (В. И. Ленин, ТАТ, 25-том, 296-бет) эканлиги таъкидланиб, аслида миллий масаланинг муаммолиги мавжуд капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топиши ва мустамлакачилик сиёсати билан чамбарчас боғлиқ эканлиги тўғрисидаги марксистик қарашга батафсил тўхталиб ўтилади. Мақоланинг «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши нима?» деган биринчи бобида В. И. Ленин бу хусусдаги турли қарашларга тўхталиб, айниқса, Роза Люксембургнинг 1908—1909 йилларда поляк тилида чоп этилган: «Миллий масала ва автономия», деган мақоласида келтирилган қарашларни таҳлил қилиб, муаллифнинг масалага ёндашуви бир томонламалигини, диалектикани тушунмаганлигини тўғри кўрсатиб ўтади.

Доҳий миллат ва элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи деганда, ҳар бир миллат ва халқ бир давлат атрофида бошқа миллат ва халқларнинг ихтиёрий бирлашиши, автономия, федерация ва ўз ички муаммоларини мустақил ўзи ҳал қилиш ҳуқуқларини ва шунингдек «... уларнинг ўзга миллат коллективларидан давлат бўлиб ажралиб чиқишларини, мустақил давлат тузишларини тушунамиз», деб ёзган эди. В. И. Ленин бу мақоласида турли мамлакатлардаги ва турли тарихий даврлардаги миллий масаланинг, жумладан, миллий мустақиллик масаласи ва унинг ечими турли шаклларда намоён бўлишини, ижтимоий муносабатлар тобора мураккаблашиб бориши ва мос тарзда миллий мустақиллик масаласини ҳал қилиш ҳам такомиллашган шаклда вужудга келишини ёзган эди. Лекин шу билан бирга В. И. Ленин миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласини пролетариат синфий кураши манфаатларидан ажратган ҳолда тушунмаслик кераклигини, миллий мустақиллик учун бўлган ҳаракатни пролетариатнинг инқилобий кураши манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориш зарурлигига алоҳида эътибор берган эди. Россиядаги эзилган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласи муайян даражада йўқсулларнинг сиёсий ҳокимият учун кураши билан муштараклиги, ўз навбатида бу муаммо пролетариатнинг ҳокимиятни қўлга киритиши билангина ҳал қилиниши мумкинлиги, бу иккала ҳаракатни бир мақсадга йўналтириш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Пролетариат синфий курашининг қай даражада муваффақиятли бўлиши, бевосита шу мамлакатлардаги «...турли миллатларнинг тенглигини ҳимоя» қилиш билан боғлиқдир, деб уқтирилади мақолада. Бу тенгликни ҳимоя қилиш учун «Биз великорус пролетарлари имтиёзнинг ҳеч бирини ёқламаймиз, бас, бу имтиёзни ҳам ёқламаймиз» қабилида бўлиши кераклигига эътиборни қаратган эди (Ўша жой, 317-бет).

В. И. Ленин томонидан миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши Россия пролетариатининг революцион курашига бошқа миллат вакилларининг қўшилиши ва астойдил революцион фаолият кўрсатишига катта ёрдам берди. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи В. И. Ленинниинг кейинги қатор асарларида ҳам ҳимоя қилиниб, бу принцип ўз навбатида Улуғ Октябрь революциясидан сўнг миллий республикаларнинг ташкил этилиши ва уларнинг ихтиёрийлик ҳамда тенглик принципига асосланган давлат федерациясининг тузилишида бош мезон сифатида қабул қилинган эди. У ҳеч бир нарса пролетарча синфий бирдамликнинг ривожланишига ва мустаҳкамлигига миллий адолатсизлик каби тўсқинлик қилмайди» (В. И. Ленин. ТАТ, 45-том, 403-бет) деб қайта-қайта таъкидлар эди.

Миллий республикаларнинг барпо этилиши ва уларнинг бир федерацияга бирлашиши миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг амалда рўёбга чиқишига жуда катта имконият очиб берган эди. Дастлабки даврларда чор Россиясининг қолоқ ўлкаларида ташкил топган миллий суверен ва автоном республикаларда жуда катта сиёсий аҳамиятга эга тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, саводсизликка қарши кураш бу ўлкаларда олий ўқув юртлари, фанлар академияларининг ташкил топиши, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ўсиши ва ҳоказо каби тадбирларнинг амалга оширилиши Осиё ва Африка мамлакатларининг мутлақ кўпчилиги мустамлака асоратида сақланиб турган бир пайтда рўй берган эди. В. И. Ленин вужудга келаётган федерациянинг пойдевори федерацияга аъзо бўлувчи ҳар миллат ва халқларнинг ўзаро тенг ҳуқуқли шартлар ва ишонч асосига ўтилсагина мустаҳкам бўлишини башорат қилиб: «Украин миллати қайси мамлакатда кўпроқ эркин бўлса, шу мамлакат билан бу миллатнинг алоқаси мустаҳкамроқ бўлиши аниқ эмасми?» деб ёзган эди (В. И. Ленин ТАТ, 25-том, 328-бет).

Афсуски, сталинизм ва турғунлик даврларида миллий муносабатларга қаратилган сиёсатда В. И. Ленин йўл-йўриқлари муайян даражада бузилиб, миллатлар ўртасидаги ўзаро ишончга маълум даражада путур етказилди. Жумладан, Ўрта Осиё республикалари социалистик меҳнат тақсимоти, пахта мустақиллиги учун кураш байроғи остида ўлканинг бир томонлама ривожланишигагина эътибор кучайтирилиб, оқибатда ижтимоий муносабатлар ва табиий мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Шахсга сиғиниш ва турғунлик даврининг асоратлари маънавий ҳаётимизда, айниқса, чуқур из қолдирди.

1985 йил Апрель пленуми ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари асосида мамлакатимизда бутун ижтимоий муносабатларни тубдан қайта қуриш сиёсати бошлаб юборилди. Бундай инқилобий ўзгаришлар муқаррар суратда миллий муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқишни ҳам қамраб олади. Шубҳасиз, бу жараён миллатлар ва миллий муносабатлар, жумладан миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига оид В. И. Ленининг буюк меросини яна бир бор чуқур ўрганишга бўлган эътиборни муқаррар тарзда кучайтиради.

Қайта қуришнинг туб моҳияти, ижтимоий ҳаётни ленинчасига қайта қуришни, Ленин ғояларини амалга оширишни тақозо қилади. Республикамиз ҳаётида ҳам Сталин ва турғунлик даври асоратларини бартараф қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилаяпти. Маълумки, барча иттифоқдош республикалардаги каби Ўзбекистонда ҳам сохта интернационализм байроғи остида туб аҳоли манфаатларига зид келувчи қатор тадбирлар амалга оширилган эди. Интернационализмнинг диа-

лектик моҳиятини англаб етмаган раҳбарлар томонидан олиб борилган миллий анъаналар ва миллий тил сиёсати марксча-ленинча дунёқарашдан чекиниш бўлиб, ўз навбатида республика жамоатчилигида норозилик кайфиятларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Улар Ф. Энгельснинг ҳар бир киши «интернационал бўлиши учун авваломбор миллий бўлмоғи керак... у қачонки миллий бўлгандагина интернационал бўлиши мумкин» (К. Маркс, Ф. Энгельс. Произведение. т. 35, стр. 222.) деган фикрларини эътиборга олмаган ҳолда, ўз худбин мақсадлари йўлида миллий манфаатларга зид сиёсатларини давом эттиришга интилдилар.

Кейинги пайтларда кенг жамоатчиликни ҳаяжонга солаётган масала, республика номи билан аталадиган миллат тилига давлат тили статусини бериш ёки бермаслик масаласидир. Авваломбор шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон республикаси Революцион комитетининг 1924 йил 31 декабрда қабул қилинган махсус № 48 қарорида «...барча давлат, жамоат, кооператив, хўжалик ва бошқа муассаса ва ташкилотларнинг идоравий ишларни, ўлка ва уезд территорияларида ҳамма иш юритиш ҳужжатлари сўзсиз, фақат ўзбек тилида олиб борилсин»[1] деб қайд этилган эди. Бу фармон ҳозиргача ўз кучини йўқотган эмас, уни маън этувчи буйруқ ҳам чиққан эмас. Фақат ўша машъум йилларда СССР Конституцияси омма муҳокамасига ҳавола этилмай таҳрир қилиниш жараёнида шу муҳим ҳақиқатдан кўз юмиб ўтилган эди холос. Шундай экан, ҳозирги пайтда республика давлат тили қайси тил бўлиши кераклиги тўғрисидаги мунозараларнинг ўзи ортиқча. Яна шуни қайд қилиш керакки, ҳар бир миллат, ана шу миллат номи билан аталувчи республика территорияси доирасида, мазкур миллатга мансуб урф-одатлар, аҳлоқ нормалари, маданияти ва тили муайян имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этиш, айни пайтда республиканинг суверенлигини таъминловчи асосий шартлардан бири эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Улуғ рус тилининг республикамиздаги мавқеи ҳеч кимнинг ҳимоясига асло муҳтож эмас. Рус тили умумфедерация тили сифатида ана шу федерацияга кирувчи Ўзбекистон ССР территориясида ҳам ўзбек тили билан тенг мавқега эга бўлиб қолаверади. Агар биз ўзбек ва рус тилларига Ўзбекистон ССР давлат тили статусини берадиган бўлсак, у вақтда ҳозиргача ҳукм суриб келинган адолатсизликнинг сақланиб қолишига йўл очиб берган бўламиз-ку, ахир! У вақтда рус ва бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини ўрганиш эҳтиёжи йўқолиб, республиканинг туб аҳолиси эса, ўз она тилларидан ташқари рус тилини ўрганишга мажбур қилинади. Ижтимоий адолат нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, икки тиллилик фақат ерли халққагина тегишли бўлиб, рус тилида гаплашувчи аҳоли эса истасалар ўзбек тилини ўрганишлари мумкин, истамасалар йўқ. Бу ўз навбатида ўзбек тилининг ривожланиши учун, зиёлиларнинг ўз она тилида тафаккур қилиши учун ҳаётий зарур бўлган ўзбек тили муҳитининг йўқолишига, ўзбек тили ўз ватанида тўлақонли қонуний ижтимоий функциясини бажаришига қодир бўлмайди.

Агар республикада истиқомат қилувчи барча миллат вакиллари томонидан рус тилини миллатлараро тил сифатида, умумфедерация тили сифатида ўрганиш қай даражада ҳаётий эҳтиёж бўлса, Ўзбекистонда яшовчи аҳолининг 11—12 фоизини ташкил этувчи рус тилида гаплашувчи (руслар, украинлар, яҳудийлар, корейслар, татарларнинг бир қисми, 0,5 фоиз ўзбеклар ва ҳ.к) аҳоли учун ҳам ўзбек тилини ўрганиш шу даражада ҳаётий эҳтиёжга айланади. Бу эса, ҳақиқий икки тиллилик сиёсатини амалга ошириш деган гап. Ана шундагина республикамизда тил соҳасида ҳақиқий ижтимоий адолат, тилдагина эмас, амалда тантана қилган бўлур эди.

Мамлакатимизда кейинги 25—30 йил мобайнида ўтказиб келинган тил сиёсати асосан, миллий муносабатлар ва миллий тилларга бўлган сталинча ғайри-илмий фикр тўхтамига асосланган эди. Бу фикр тўхтамига биноан миллатлар ва миллий тиллар (рус тилидан бошқаси) коммунизм босқичида барҳам топиши керак эди. Н. С. Хрушчев, қисқа муддат ичида «коммунизм қуриш» программасини эълон қилгани ҳамманинг ёдида. Гарчи у Сталин шахсига сиғинишни жасорат билан рад қилган бўлса-да, сталинизм асоратларидан тўла қутула олмаган эди. У: «Қанчалик биз зудлик билан рус тилида гаплашишга ўтсак, шунчалик тез коммунизм қурамиз» («Правда», 6 март 1989 йил), дея чаласаводларча айтган гаплари тагида жуда катта стратегик мақсад ётганлигини илғаб олиш қийин эмас.

Социализмни ана шундай ғайри илмийликдан, бир томонламаликдан, догматизм ва волюнтаризмдан сақлаб қолиш учун «ленинча ёндашиш ва амалий қўлланиш методологияси» (В. Медведев. К познанию социализма. «Коммунист» № 17, 1988 й. 9-бет)нинг илмий қиммати ниҳоятда каттадир.

Партиямизнинг кейинги йиллардаги сталинизм ва турғунлик йилларида йўлга қўйилган камчиликларни бартараф этиш, Совет халқларининг ўзаро ишончга асосланган мустаҳкам бирлигини таъминлаш йўлида олиб бораётган фаолиятида В. И. Ленининг «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» асарининг аҳамияти янада буюкроқдир.

Тоир КАРИМОВ,
фалсафа фанлари кандидати,
Тошкент халқ хўжалиги институти доценти


[1] Қаранг. Собрание узаконений и распоряжений рабочего и дехканского правительства Узбекской Советской Социалистической республики. 8 января 1925 г. Т., Из-во НКЮ Уз, стр. 59.

Комсомолобод районидаги «XX партсъезд» номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Фотима Исроилова 50 йил бригадага етакчилик қилган онаси Қундузхон Уринбоева билан.

Р. АШУРОВ фотоси (ЎзТАГ)



СЎФИЗОДА ҲАЖВИЯЛАРИ



20-йилларда чиққан газеталарни варақласангиз, «Сўфи», «Шариф», «Ваҳший», «Сўфизода» каби тахаллусларга кўзингиз тушади. Бу — Муҳаммадшариф Сўфизоданинг адабий тахаллуслари эди. Сўфизоданинг поэтик мероси ҳажман қанча эканлигини ҳозиргача ҳеч ким аниқ билмайди. У тўлалигича тўплам ҳолида босилган эмас. Албатта, бунинг турли сабаблари бор.

Тўғри, 30-йилларда ўзбек ёзувчилари ташаббуси билан Сўфизода асарлари тўпламини тузишга уринишлар бўлган. Бироқ, тўраларча қарашлар натижасида бу иш ниҳоясига етказилмаган. Фақат шоирнинг ҳаёти ва ижодига доир Миён Бузрук Солиҳовнинг ўттиз бетлик рисоласи босиб чиқарилган холос. Тадқиқот сўнггида Сўфизоданинг олтитагина шеъри эълон қилинган. Ўттиз беш йилдан кейин эса адабиётшунос Тўлқин Расулов томонидан тайёрланган «Сўфизода тароналари» номли тўпламда шоирнинг 23 та шеъри эълон қилинади. Шеърларнинг кўпи ҳажвиялардан иборат.

Миён Бузрук Сўфизода ҳақидаги тадқиқотини 1934 йилда ёзган. У пайтда шоир ҳали ҳаёт бўлиб, 65 ёшда эди. Сўфизода инқилобдан аввал Арабистон ва Туркияга бориб, у ерда жадидларнинг таъсирида туркча шеърлар ҳам ёзган. Миён Бузрук ўз ишида шоирнинг жадидчиликка алоқасини белгилаб берувчи шеърлари йўқолиб кетганлигини, уни шоирнинг ўзидан ҳам тополмаганлигини имо-ишора билан айтади. У фақат Сўфизоданинг 1909—10 йилларда ёзган иккита туркча ҳажвий шеърини келтиради. Эҳтимол, жадидлик руҳида ёзилган шеърлар шоирнинг шахсий архивида сақланган бўлса ҳам, 30-йиллардаги пантуркизм, панисломизмга қарши Иттифоқ миқёсидаги зуғумлар Сўфизодани ҳам сергак торттириб, асарларини яширишга ёки бутунлай йўқотиб юборишга олиб келган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда, шоир инқилобгача жадидлик таъсирида анча-мунча туркча оҳангларда ҳажвий асарлар яратган. Шоир 1908 йилдаёқ, хотинқизларни паранжидан озод қилиш, уларнинг саводини чиқариш тўғрисида қайғуриб, мавжуд умумий муҳитни аёлларнинг ўз тилидан танқид қилади:

Қаерда қизлар учун мактаб этдингиз таъсис?
Қаердадир у китобларки, сиз ўқиб ёзалам?!
Нечовмиз, бизи, мани эмасми тахсила?
Бас узра бўлса паранжи табиий биз қачалам.

Сўфизода — аёлларнинг аянчли қисматига чуқур разм солган ҳажвчилардан. У инқилобдан аввал ёзган «Ўқинг, оналар» ҳажвиясида ҳам аёллар тақдирига кўз қирраси билан қараган мансабдорларга киноя-кесатиқ қилади:

Расми равиш шул эса нисвоният,
Кулса керак олами имломият.
Қайда шариат? Қани ҳаққоният?
Қилди сизи жоҳила, нафсоният.
Кумри билан булбулу бедоналар
Яхши ўқир, сиз ҳам ўқинг, оналар.

Бой дадангиз озгина пул берсалар,
Дафтар олиб сиз анга, ё бир қалам.
Бўлмасангиз фозила ойим, ажам!
Қайда бўлур уйларимиз мустаҳкам.
Кумри билан булбулу бедоналар
Яхши ўқир, сиз ҳам ўқинг, оналар.

Бундай таъналар мамлакатнинг мансабдор ҳомийларинигина чўчитиб қўймай, ҳатто илмсиз авомни ҳам Сўфизодага қарши оёқлантирди. У худди шу руҳдаги шеърлари туфайли турмушидан эрта айрилди. Чор тарафдан қилинган маломатлар Сўфизодани Тус қишлоғида яшашига ортиқ имкон бермади. Шул алфозда у 1915 йилда Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқади. Маънавий таҳдидлар шоирнинг қаддини буколмайди, аксинча, уни курашга отлантиради. Сўфизоданинг халқчил, инқилобчи шоир бўлиб етишувида юқоридаги омиллар сабабчи бўлган, дейиш мумкин:

Қувди мени жоҳиллар ўшандоқ ватанимдан,
Лекин қува олмас суханимни даҳанимдан.

Сўфизода чет элдан қайтиб келгач, 1920 йилда Тус қишлоғида «фирқа ташкилотчиси» бўлиб ячейка тузади. Мафкура жиҳатидан анча пишиқ бўлган шоирнинг қарашларига, табиийки, баъзи таши ялтироқ, ичи қалтироқ раҳбарларнинг нуқтаи назарлари мос келмас эди. Шу боисдан ёвуз кучлар Сўфизодани қаттиқ танқид қилиб, ишдан четлатадилар. Аслида унинг «фирқа раҳбарлиги»дан сурилиши ҳукумат идораларига суқилиб кириб олган ёт унсурларнинг зиёнкор муддаоларидан келиб чиққан натижа эди. Чунки, у бир ҳажвиясида катта ваколатли вазифада турган шахсларга тўғридан-тўғри заҳарли тиғ урган эди:

Аҳли давлат синфидан бир даста виждони
касал,
Йиғлади, ёлварди «йўқсилман» деди, олди амал,
Отга минди супрани қўлтиғлади, бўлди дағал,
Наъра тортиб «ота гўри»дан ўқиб байту ғазал,
Мен агар ёлғон десам инсоф кўзи бирлан қаранг,
Йилга етмай сувчи мешкидек чунон бўлди
таранг.

Сўфизода сиёсий раҳбарликдан четлашгач, қаламини ўткирлаштириб, «Фарғона» газетаси саҳифаларини безаб туради. Жумладан, «Фарғона» газетаси 1925 йил 13 август сонида «Хушчақчақ қаламлар» рубрикаси остида Сўфизода ҳажвияларидан намуналар беради. Унда қуйидагича сўзбоши ҳам келтирилади: «Кулдиргувчи хушчақчақ шоирларимизнинг энг ўткири бўлган Сўфизода газетамизга кулгили шеърлар ёзиб туришга ваъда берди. Биз ҳам ўқитгувчиларимизни энг ўткир ва равон кулгили шеърлар билан хурсанд қилар эканмиз, деб ҳозирдан суюнмоқдамиз». Сўфизода бундай ҳажвиялари билан батрак ва деҳқонлар тушунчасига бир таржимон бўлади. У инқилоб шарофати билан озод бўлган ишчи-деҳқонларни табриклаб, сармоядорлар турмушининг бундан кейинги забунлигига пичинг қилади:

Ажаб бўлди адабсиз муттаҳамлар сизга шул
ҳам кам,
Бутун дунёда батрак синфи ўшал шевадан
хуррам.
Ошарсиз эмдидан сўнг тушда сабзи, кечқурун
шалғам,
Ичарсиз балки ховар шомидан сув ўрнига
шабнам.
Қутурган бўри бойлар, тулки эшонлар,
қалайсизлар,
Жаҳон чодир хаёли руҳи шайтонлар,
қалайсизлар.

Сўфизода ҳажвияларидаги танқидий пафос жадидларнинг шу соҳадаги қарашлари билан айнан эмас. У ўз ҳажвиялари билан жадидлардан анча илгарилаб кетганлигини исботлайди. Гап шундаки, жадидларнинг кўпчилиги инқилобий тараққиётга зимдан панд бериш йўлига ўтган эди. Сўфизода янги совет тузумини, унинг миллий сиёсатини тўғри англаган шоир сифатида майдонга чиқди. У инқилоб ишларида раҳбар бўлиб олиб, ботинан душманларга ён босиб, зоҳиран эса советлар манфаатига ишлаётгандай кўринган миллатчи жадидларни масхаралайди:

Сода деҳқонларга аввалдан бўлиб келдинг
сўгал,
Ишчилар кўксини яро айладинг мисли йўтал.
Майда косибларнинг иқболи ипин қилдинг
чигал,
Сен-ча, бойларнинг қўлида тутқин ўлсин
камбағал.
Лекин ўз олдингга келди, ўз ёмон истакларинг,
Кетмагинг бўлди яқин чунким қозилмиш
мақбаринг.

Сўфизода — шоирнинг адабий тахаллуси, унинг асли исми-шарифи Муҳаммадшариф Эгамберди ўғлидир. У 1869 йилнинг 29 январида Андижон музофотига қарашли Чустда ҳунарманд оиласида дунёга келади. 1893-95 йиллар давомида Қўқонда яшайди. Бу ерда у Ваҳший тахаллуси билан йўқсулларни эзиб келаётган қабиҳ гуруҳларни аёвсиз фош этувчи ҳажвиялар ҳамда ғазаллар битади. Бой-феодаллар ғазабига дуч келган шоир Қўқондан ҳайдалади. Шундан сўнг унинг таъқиб остидаги жаҳонгашталиги бошланади.

Икки йил Чустда, бир оз муддат Тифлис, Бокуда яшайди. Арабистоннинг бир қанча шаҳарларида, Ҳиндистону Туркияда кезиб, Истамбул университетида бир оз ўқиб, яна Туркистонга қайтиб келади. 1910-13 йилларда Қўнғиротда ўқитувчилик қилади. 1913 йил туғилган шаҳри Чустга бориб янги усул мактаби очади. Бироқ дин пешволари мактабни ёпиб қўядилар. Шоир ҳам қўл қовуштириб қараб турмайди, аламини шеърларига тўкади ва дин ҳомийларини ҳажв тиғи остига олади.

Бу ихтилофдан кейин Сўфизоданинг чет эл бўйлаб иккинчи сафари бошланади. У 1915 йилда Ҳиндистонда, сўнгроқ Афғонистонда ҳаёт кечиради. 1918 йили у Афғонистонда янги усул мактабини очишга рухсат олади ҳамда Маориф нозири ўринбосари вазифасида ишлайди. Кейинчалик Афғонистоннинг Туркистонга келадиган консуллигига таржимон қилиб тайинланади. СССРга келгач, шу ерда қолади. 1920 йил Чустда «Қўшчи» союзини ташкил этади. Дастлабки ширкатларни тузишда, қишлоқларни коллективлаштиришда фаол қатнашади.

Сўфизода биринчилардан бўлиб Ўзбекистон ССР халқ шоири (1926 йил) унвонига сазовор бўлса-да, 1937 йилги оммавий қирғиндан омон қололмади.

Сўфизода ижоди бой меросга эга. Журналхонлар эътиборига ҳавола этилаётган мазкур мақолада шоирнинг ҳажвиёти борасида айрим мулоҳазалар билдирилади.

Торт оёғингни муфаттин инқилобий саҳнадан!
Ер шари бирликда бўлсин барча халққа бир ватан!
Мода маслак хез бўлиб миллатчилик этмакчисан!
Элни кўп оғуладинг диний хурофотинг билан!
Ҳеч тузалмайдир сенинг қалби хиёнат парваринг!
Бўлғонинг шулдир Чўқоев бўлса топган раҳбаринг!

Сўфизоданинг бундай ҳажвиялари унинг совет позициясида мустаҳкам турганлигидан далолат беради. Унинг халқчил ҳаракатлари пировардида шоирни «халқ шоири» деган юксак унвонни олишга сазовор этди.

Миён Бузрукнинг ёзишича, Сўфизода ҳажвияларининг бот-бот чиқиб туриши халқ оммасини газета ва журнал ўқишга тарғиб этган. «Фарғона» газетасининг ўша йилларгаги сонлари талош бўлиб турган. Агар шоир арузни тарк этиб, «бармоқ»қа кўчганда, яна ҳам замона руҳини бадиий акс эттирадиган асарлар яратарди. Чунки, арузнинг қатъийлашган талаблари шоирнинг «замона зайли»ни кўнгилдагидек қилиб айтишга қисман бўлса-да, монелик қилган.

Сўфизода арузнинг «мухаммас», «мусаддас», «мусамман» ва «таржебанд» каби шаклларида ижод қилган. Арузнинг шу шаклларида етказиб ёзиш учун қофия илмига қатъий риоя қилиш зарур бўлган. Масалан, бирор «мусаддас» яратиш учун олтиликнинг охиридаги барча сўзлар «лой-тузоқ», «чўлоқ», «таёқ», «йироқ», «шафоқ», «носқовоқ» қабилида қофиядош бўлиши керак. Сўнгра, ҳар бир қаторнинг сўнгги икки сўзлари ҳам «йўлим тузоқ», «бўлдим чўлоқ», «қўлтиқ таёқ», «бўлдинг йироқ», «бир носқовоқ» каби ўзаро қофиядошлик билан давом этиши зарур. Қисқаси, ғазал ўн беш бўлимдан иборат бўлса, шоир шу бўлимлар бўйича ўттиздан ортиқ бир оҳангдаги қофияни топишга мажбур. Ана шу талаблар ҳар қандай шоирни маълум маънода чегаралайди. Қофия излаш касали хоҳласа-хоҳламаса араб-форс сўзларига мурожаат қилишни тақозо этади.

Миён Бузрук эълон қилган шеърлар ҳам, Тўлқин Расулов томонидан топилган кейинги 17 та асар ҳам шоирнинг инқилобдан кейинги ёзган ижодий маҳсулидир. Бу шеърларнинг аксарияти ҳажвиялардан ташкил топган бўлиб, асосан инқилобни куйлаб, социалистик тузумни ҳимоя қилишга йўналтирилган. Аммо Сўфизоданинг янги ҳукуматни маъқуллаб 1918 йилда ёзган шеърлари билан умрининг охирларида —1933 йилларда ёзган «Октябрь таронаси», «Байрам нашидаси», «Ўзбекистон Шўро адабиёти» шеърларини чоғиштирсак, ғоя ва маҳоратнинг ўсуви жиҳатидан деярли фарқ кўринмайди. Бу солиштиришлар Сўфизоданинг ижодий ўсиш жараёнини белгилашда жуда муҳим. Бунинг сабабларини ўрганиш бугунги илмий жамоатчиликнинг зиммасига тушади.

Сўфизода ижодида ғайритабиийлиги, сохталиги билан ўқувчида шубҳа уйғотадиган шеърлар деярли йўқ. Бунинг боиси аксарият ҳажвияларида Сўфизода ўзи яхши билган салбий ҳолатлар масхара қилинади. Бу шоирнинг муҳим эстетик принципларидан биридир. Сўфизоданинг инқилоб бузғунчиларига қарши ёзилган ҳажвиялари синчиклаб ўрганилса, унда ниҳоятда ичдан қайғуриш, ҳақ йўлида табиий равишда куйиниш пафоси кучли эканлиги сезилади. В. И. Ленин вафотидан кейин катта қайғу билан ёзилган мисраларга эътибор берайлик:

Во дариғо кутмаган бир кунда, яъни бемаҳал,
Ишчилар устозига нотантилик қилди ажал,
Ҳайрати ҳикматга шомил риндига айлаб амал,
Чиқмади ул из чизиб кетган чизиқдан камбағал,
Балки йўқсил оммаси ондин топиб файзи назар,
Бирлашиб дунёда, роҳат кун кўриб эркин яшар.

...Шунга ҳайронман ва лекин тескари товлаб юзин,
Баъзи ўртоқлар бу кун юмди ҳақиқатдан кўзин,
Обрўйини тўкиб, кулки қилиб қўйди ўзин,
Парда бирла ёшириш мумкинмидур тонгнинг юзин,
Калта ўйлаган киши албатта туз йўлдан озар,
Кўпчилик бирлан курашган, чалқаси бирлан тушар.

Сўфизода ҳажвиясида дин қоидаларини суиистеъмол қилиб, эгрини тўғри ҳисоблаб, ҳамиша мансабдорларга қайишадиган бурди йўқ қозикалонлар, фирибгар эшонлар, мунофиқ домлалар танқидига доир шеърлар ҳам учрайди. У илк шеърларида «фақир молини чайнарга тишлари ўткир бўлган» доғули руҳонийларни танитиш, ўз ҳаромхўрликларини турли найранглар билан ниқобловчи тилёғлама домлаларни, фикри-зикри кишиларнинг чўнтагида бўлган, уларнинг моли ва ўғил-қизларига кўз олайтирган эшонларнинг шармандасини чиқариш билан чекланган бўлса, Совет ҳокимияти йилларида инқилобий тузумни мустаҳкамлашга тўсқинлик қилиб келган дин ҳомийларининг расвосини чиқаради:

Сўфиман деб кийдингиз малла чапон, дастор ила,
Хонавайрон қилдингиз деҳқонни бу бадкор ила,
Ишчи-деҳқон етди Шўро даврига минг зор ила,
Сизга қисқа умр ҳам рамақда жонлар алвидо.

Сўфизода кўп сонли персонажлар диалоги асосида тузилган ҳажвиялари («Беш ёрлар тилидан», «Қалайсизлар», «Чуст боёнларининг бир гапхонада бир-бирларига мақтанишлари»)да талай ҳажвий образлар яратди.

«Қалайсизлар» ҳажвиясида эшон, бой, қози, элликбоши каби образларга халқ образи қарши қўйилади. Бунда Ўзбекистонда 20-йиллар ўртасидаги синфий кураш акс этган. Асар образларида бир-бирига қарамақарши икки социал кучнинг характерли хусусияти ғоят индивидуаллашган тил воситалари орқали очилади. Масалан, эзувчиларнинг тилида ерларининг тортиб олинганлигини пеш қилиб, деҳқонга таъна тошлари отишга интилиш очиқ сезилса, меҳнаткаш табақаларнинг жавобида душманларга нисбатан ғазаб, ғалабага бўлган ишонч, ўзаро биродарлик оҳанглари ёрқин акс этади. Бу диалогда салбий персонажларнинг ижобий образлар хатти-ҳаракати, ҳужумкорлиги натижасида енгилишлари характерлидир. Асар меҳнаткашларнинг қуйидаги шодиёна сўзлари билан тугайди:

Омон бўлсин қизил байроқ байналминал шўро,
Матонатли муборак маслаки марғуб дилоро,
Муқаддас мақсади оина ҳумоюн, машраби зебо,
Яшатди ишчи-деҳқон оммасини, яшнади дунё.

Сўфизоданинг «Қалайсизлар» сарлавҳали ҳажвий асарида диалоглар орқали инқилоб томонидан мажақланган синф вакиллари билан мамлакатни идора қилишда қатнашаётган ишчи-деҳқон ўртасидаги тўқнашувлар акс этган. Хуллас, Сўфизода ҳажвияларида майин табассумдан аччиқ истеҳзогача, юмшоқ ҳазилдан узиб оладиган киноягача, енгил жилмайишдан ғазабли қаҳқаҳагача ҳаммаси мавжуд. Сўфизода ўз ҳажвиялари тиғини социалистик жамият тараққиётига тўсиқ бўлган зараркунанда кучлар ва иллатларга қарши қаратиб, ҳаётбахш образлар яратди.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати

ГУМБАЗ ХАЗИНАБОНИ

Маъдан излаб юрган геологлар чанқаб қолишди. Идишдаги сув илиб қолган эди. Сўнгги тарвуз ҳам сўйилди. Орадан ойлар ўтди. Кейинги йилнинг куз пайтида яна мана шу йўлдан юришга тўғри келди. Буни қарангки, геологлар қияликнинг қоқ белида тарвуз палагига дуч келишди. Улар аввалига ҳайратланишди. Палакда катта-кичик тўртта тарвуз бор эди. Улар ўтган йилги чанқоқ босди тарвузни эсладилар. Демак, палак ўшанда ерга тушган тарвуз уруғидан униб чиққан. Дарҳол тарвузлардан бириси узилиб пичоқ тортилди. Тарвуз тирсиллаб ёрилиб кетди. Тупроққа суви оқди. Еб кўришди.

— Асал-а? Асалнинг ўзгинаси.

Ширин тарвузнинг овозаси бошлиқнинг қулоғига бориб етди.

— Ер билан тиллашадиган деҳқон топиш керак, — деди бошлиқ.

Кон қидирув группаси ишчиси Баҳодир Худойбердиев отасига бу ҳақда гапириб қолди.

— Ўйлаб кўриш керак экан, — деди Худойберди ота хотиржам.

Бу орада ўзи Гумбаз участкасига чиқиб тушди. У ернинг шароитини, яна бир бор кўздан кечирди. Иқлими салқин, тўқ сарғиш тупроғи гил аралаш, намликни ушлайди, хулоса қилди Худойберди Назаров.

Кеч кузда ер экишга тайёрланди. Кўклам пайти уруғ қадалди. Уша йили мўл ҳосил қилди. Маъдан изловчиларнинг егани тарвуз бўлди.

...Гумбаз тарвузига талаб оша борди. Буни Назаров ҳам ҳар қадамда ҳис этарди.

...Улуғ Ватан урушининг иккинчи йили эди. Худойберди Назаров кўнгиллилар қатори фронтга йўл олди. Белоруссия ўрмонларида жангу жадал борарди.

— Олға, фақат олға! — командир солдатларни ер бағирлаб илгарилашга ундарди.

Оддий солдат Назаров қўлида автомат. Қалин бутазорни айланиб ўтди. Душман ўқ отиш нуқтасидан селдай ўт ёғиларди. Белига қистирилган иккита гранатани олиб, бирини ўт очиш нуқтасига зарб билан ирғитди. Кучли портлашдан сўнг пулемёт овози тинди. Худойберди иккинчи гранатани ҳам улоқтирмоқчи бўлди. Лекин қўли ихтиёрига бўйсунмади. У яраланган эди. Довюрак жангчи госпиталда даволангач, 1944 йилда она қишлоғига қайтди. Шундан бери у она-юртнинг гуллаб-яшнаши учун курашиб келмоқда.

— Гумбаз ерларини ўзлаштиришни, бу ердаги хазинадан фойдаланишни орзу қилиб келардим, — дейди отахон. — Ниҳоят, орзуим рўёбга чиққанлигидан фахрланаман. Райондан вакиллар келиб:

— Худойберди ота, Гумбазни экинзорга айлантирсакми? — деб қолишди. Кўнглим ёришиб кетди.

Худойберди Назаров тенг-тўшларини тўплаб, уларнинг қалбига қўл солди, ўзи ўрнак бўлиб бу ишга бел боғлади. Қишлоқ отахонлари бу ишга қатъий киришдилар. Эгат бошида уч қария — Худойберди Назаров, Худойназар Холиқов, Аҳмад Муқимов узоқ режа олишди. Уша йили йигирма гектар ерга тарвуз экилиб, кузда юз тонна ҳосил кўтарилди.

— Янаги йили, — деди Назаров, — экинзорларни кенгайтирамиз. Ахир, тўқчиликка нима етсин.

— Худди шундай қиламиз. Куч бор, ер бор,— маъқуллади Худойназар Холиқов.

Қариялар ҳимматли бўлишади. Бора-бора сафлари кенгайиб ўн кишига етди. Бригадирликка Худойберди отани сайлашди.

Аввалги йиллар даромади ҳақида гапирмай қўяқолайлик. Биргина ўтган йили бригада аъзолари бир юзу беш минг сўмлик маҳсулот етказиб бердилар. Хўш, бу нималардан иборат бўлди? 68,6 минг сўмга тарвуз, 30,7 минг сўмлик беда уруғи, пичандан 15,7 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Бундан ташқари, ўн беш гектар ерга узум экилди. Унинг миқдорини эллик гектарга етказиш мўлжалланган. Уч гектар ерга тут ва терак ўтқазилди. Бригада ишни пудрат асосида ташкил қилган. Шу йилнинг кўкламида ўн гектар тутзор ва мевазор бригадага қўшиб берилди. Тоғлар этагидаги булоқлар атрофига назорат кучайтирилди. Хушвақт Юсупов, Санақул Мавлоновлар тутчилик билан шуғулланишмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ипакчилик илмий-текшириш институти олимлари мингбош ўсимлиги дасталаниб ўрамига кирган ипак қуртига босилганида, унинг ҳосилдорлиги беш килограммга кўпайишини аниқлашган.

Шунинг учун Х. Назаров Гумбазда икки гектар ерга мингбош экиб, икки юз қути пилла қурти уруғининг ҳосилдорлигини оширишни мўлжаллаган. Булоқ бўйларига тут кўчатлари ўтқазилди.

— Неча минг туп? — сўради партком секретари.

— Ўн мингта! — деди Худойберди Назаров.

Булоқдан эллик метр пастда челчаларга кўзимиз тушди. Суғориб қўйилганди.

— Тажриба ўтказмоқчимиз, — деди Назаров.

Секретарь: «Тушунмадим», дегандек бригадирга қаради.

— Ҳайратланаяпсизми?

— Йўқ, нега? Нима эҳмоқчи бўлаётганингизни англамадим.

— Буям бир гап-да...

Назаров наъматак экиш учун ер тайёрлаганлигини айтди.

— Бу ўсимлик СССР «Қизил китоб»ига киритилган. У ўн хил касалликка даво бўларкан. Витамин «С» олинади. Булоқ бўйларида илдиз олдирилиб, сўнгра ерга экилади, — деди.

— Яхши ташаббус, — мамнун қиёфада маъқуллади партком секретари.

— ...Гумбазга қарашли икки минг беш юз гектар ернинг беш юз гектарига экин экишни мақсад қилиб қўйдик, — дейди бригадир. — Фойдаланиладиган серунум ерлар симтўсиқлари билан ўраб олинди. Бу ўн икки километрни ташкил этади. Келгусида ўн минг туп бодом, бир неча минг туп манзарали кўчат экишни кўзлаганмиз.

Суҳбатга кекса чорвадор, Ленин ордени соҳиби Ҳикмат Холиқов аралашди:

— Бу жойларда қўй боққанимда, ранг-баранг гиёҳларга дуч келганман. Вақтида шудгорланса, сеялкадан ўтказилса, кетмон қўлдан қўйилмаса, саховатга дуч келасиз, — деди.

— Ҳикматнинг гапи ҳақ. Тўрт йил бўлди, бригадамизга аъзо. Беш гектар ерга узум кўчати ўтқазди. Ҳозир ҳосилга кирган, — дея унинг гапини маъқуллади. — Машҳур Учқора узуми. Ҳар донаси асал-а, асал.

Пайкал. Тупроқ йўл бўйлаб бораяпмиз. Сойнинг тошидай қора ва ола тарвузлар сочилиб ётгандай. Ўрта бўй, ҳаракатлари чаққон аёл чайладан чиқиб қолди.

— Ҳикмат Холиқовнинг хотини, — деди бригадир.

— Кўчиб келганми?

— Ҳа.

— Ҳикматбой узумзорга қарайди.

— Норҳол опа-чи?

— У уч гектар ерда тарвуз ўстирди. Ўтган йили уч юз ўрнига тўрт юз етмиш центнер ҳосил йиғди.

— Қойил-э! Бу йилги меҳнати ҳам чакки эмасдир.

Худойберди Назаров Гумбаз тупроғини қадамлаб юрибди. Экин экиладиган ерлар тўрт юз гектарга етди. Бедазор атрофига келдик.

— Лалми бедазорни икки юз гектарга етказмоқчимиз, — дейди Назаров қўли билан дўнгликни кўрсатар экан. — Ҳар гектаридан ўттиз центнердан пичан олсак, бу миқдор йилига олти юз тоннани ташкил этади. Ёмонмас-а?!

— Яқин икки-уч йил оралиғида токзорларимизни ҳам эллик гектарга кенгайтирмоқчимиз. Лалми токзорнинг ҳар гектаридан йигирма центнердан ҳосил олинса, бу йилига йигирма беш тонна майиз бўлади-я. Шунинг ўзидан хўжалик қирқ минг сўмдан зиёд фойда олади. Беш йиллик охирида давлатга икки юз минг сўм атрофида маҳсулот етиштириб берамиз.

Бу маррага етиш учун нималар керак? Бу хусусда бригадир ўз режаларини ҳикоя қилди.

— Кўп жойларда етиштирилган тарвузни олиб бўлмаяпти. Йўл очиш, токни кўмиш ва очиш учун техника лозим. Икки юз гектар бедазордаги ҳосилни ўриб олиш учун тўртта ўрғич, иккита тўдалагич, иккита трактор керак.

Гумбаздан ҳосил олиш учун ер йилда тўрт марта ҳайдалиб, тўрт марта мола босилаяпти. Отахонларнинг ҳамма ишни қўл билан бажаришга кучи етмайди. Тарвузни, узумни машиналарга ортишда қийинчиликлар мавжуд. Бу ҳақда совхоз маъмурияти ўйлаб кўриши лозим.

...Нурота районидаги «Ғозғон» совхози ишчиси, коммунист Худойберди Назаров етмиш беш баҳорни қаршилаган бўлса-да, эзгулик йўлида фидойилик кўрсатиб келмоқда. У бошлиқ отахонлар ҳар йили минг тонналаб шириншакар тарвуз ва бир неча юз тонналаб чорва озуқаси тайёрлаб, эл-юрт олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Рўзибой Ҳамроев, Муҳаммад Бўронов, Ислом Ҳамдамов, Мусулмон Ҳамидов сингари хазинабонлар кексалик гашти ва фароғатини тупроққа уруғ қадаб, тонна-тонна ҳосил олиб халқимиз дастурхонига тортиқ этишда, деб билмоқдалар. Отахонларнинг ҳар бири бир дунё. Худойберди Назаров эса улар орасида яловбардордир.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ

Нурота

МУҲИМ НУҚТА

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» ТОШКЕНТДАН ЎТГАН



Ўрта Осиёдан ўтган «Буюк ипак йўли» (эрамизгача бир мингинчи — эрамизнинг мингинчи йиллари)

Маълумки, Тошкент Шарқдаги қадимий шаҳарлардан бўлиб, ўзига хос тарихга эга. Ўрта Осиё халқлари тақдири билан узвий боғлиқ «Буюк ипак йўли»нинг бу ердан ўтиши шаҳар маданиятининг ривожланишига катта туртки бўлди.

ЮНЕСКО қарорига биноан ҳозирги кунда «Буюк ипак йўли»ни ўрганиш халқаро миқёсда тутган иқтисодий аҳамиятини тадқиқ этишга киришилди. Бу масала, айниқса СССР, ХХР ва чет эл олимларининг диққат-эътиборини жалб этмоқда. Дарҳақиқат, мазкур йўл ўрта асрлардаёқ инсоният тараққиётини ҳаракатга келтирувчи восита сифатида хизмат қилди. «Буюк ипак йўли»нинг бир ирмоғи Қашқардан Ўшга, сўнг Тошкентга келган. (Харита иловасида нуқталар билан белгиланган. «Қадим ва Ўрта асрларда Шарқий Туркистон» М. «Наука» нашриёти, 1988 й, 154-бет).

Тошкент Шарқу Ғарб мамлакатлари ўртасидаги моддий, маънавий, маданий алоқаларнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди. Пойтахтимиз жуғрофий ва савдо-сотиқ соҳасидаги мавқеи азалдан хорижий ҳукмдорларни қизиқтириб келган. Бинобарин, ўша кезларда Тошкент қўлдан-қўлга тезтез ўтиб турган.

XVIII асрга келиб шаҳарнинг аҳволи бир мунча барқарорлашиб, бу ерда ички ва ташқи савдо равнақ топиб, ҳунармандчилик йўлга туша бошлаган. XVIII асрнинг охири XIX аср бошида Тошкентда Осиёнинг бошқа шаҳарларидаги сингари феодал муносабатлар ҳукмрон бўлиб, аҳолининг аксарият қисми ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва деҳқончилик билан шуғулланган. Ҳунармандлар асосан маҳалла-маҳалла бўлиб ихтисослашган.

Масалан, пичоқчилик, дегрезлик, мисгарлик сингари маҳалла номлари шу зайлда вужудга келган. Охангузар, Парчабоф ва Жангоҳ маҳаллаларининг аҳолиси савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Қорасарой аҳолиси асосан деҳқончилик билан кун кечирган.

Шайхонтоҳур даҳасида мисгарлар, эгарчилар, тикувчилар, жувозкашлар; Себзор даҳасида бўёқчилар, тикувчилар, этикдўзлар; Бешёғоч атрофларида эса ғишт қуювчилар яшаганлар. Шаҳар аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, полизчилик, ғаллакорлик билан шуғулланган.

XVIII асрдан бошлаб Тошкентнинг ташқи савдодаги мавқеи орта бошлади. Хусусан Шарқий Туркистон билан олиб борилган савдо алоқалари диққатга сазовордир. Бунинг асосий сабаби, аввало Тошкентнинг қулай савдо йўли устида жойлашганлиги, жуғрофий ўрни, бу ердан қадимдан «Буюк ипак йўли»нинг ўтишини тақозо қилар, чунки мамлакатлару шаҳарлар ўртасида бўладиган савдо айнан шу ерда шакллана бошлаган эди. Шарқий Туркистонда Тошкент молларига, Россиядан келадиган рус читига ва бошқа молларга, Россия ва Ўрта Осиё шаҳарларида эса, Хитой ипагига, чойига, ёмбиси (кумуш, тилла қуйма)га, қашқар гиламига, шолчасига қизиқиш катта эди. Бу ҳақда «Туркистон мажмуаси»да[1] бундай дейилган: «Бухоро ва... бошқа шаҳарлардан ташқари Тошкент Шарққа қулай йўл очди. Қашқар, Ёркент, Хўтан у билан савдо олиб боради. Ёркент ва Хўтанда пахта кўплаб ишлатилади ва кўплаб ипак ҳам олинади». Бухоролик ва тошкентлик савдогарларнинг савдо карвонлари борган жойлар ҳақида қуйидаги маълумотлар мавжуд: «Бухороликлар ва тошкентликлар Сибирь билан карвон савдосини Ямишев ва Семипалатинск қўрғони орқали олиб бориб, Қан-қирчай орқали ўтиб, Жунғориягача борганлар, Ёркент, Қашқарга ўз моллари билан баъзи рус савдогарлари ҳам борганлар».

Тошкентлик ва бухоролик савдогарлар Чуғучоқ, Ғулжа ва Оқсувга бориб, у ердан Семипалатинскка Хитой молларидан олиб келганлар. Тошкентда бир неча карвонсаройлар бўлиб, унда турли мамлакатлардан келган савдогарлар яшаганлар. Масалан: Саид Ғози Нурмуҳаммад Қушбеги, Бегларбеги каби карвонсаройлар бўлиб, уларга Шарқий Туркистондан келган савдогарлар ҳам жойлашганлар.

Рус сайёҳларининг маълумотларига кўра, тошкентлик савдогарлар рус ва Шарқий Туркистон савдосида воситачи бўлиб, ўз молларини бир қаторда рус чити, темири, мўйна, чўян, бўёқ, гугурт, елим, мева, тамаки ва бошқа молларини Шарқий Туркистон бозорида савдо-сотиқ қилишган.


Муборак ЮНУСХЎЖАЕВА,
тарих фанлар кандидати

[1] Туркестанский сборник, т. 5 стр. 249.



— Оналаримизга минг раҳмат! Ширин овқат осонликча бўлмас экан...

Н. Шарипов фотоэтюди



Бойниёз ҚАЙПНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ЭКАНСАН

Бу дунёга келиб, юрсанг ер босиб,
Халққа хизмат қилсанг бағрингни очиб,
Бахтинг қуёш каби турса нур сочиб,
Тонгларга сокинлик тилар экансан.

Гўдак туғилганда завққа завқ қўшар,
Эр йигит халқим деб от суриб жўшар.
Еш ўтар, куч қайтиб, ақл тўлишар,
Вақти етиб барин билар экансан.

Қотиб яшамоқ йўқ доим бир ёшда,
Билакда куч бўлса, эс бўлса бошда,
Қўлингга ҳунар ол, гулласин тош-да,
Эзгу ишлар қилмоқ бўлар экансан.

Мардлик камарини боғлагин белга,
Давр юкин орқала, наф келсин элга,
Киндик қонинг томган жонажон ерга
Бор кучингни сирқиб берар экансан.

Биров кўп яшайди, биров оз яшар,
Элим, юртим деган қадди ғоз яшар,
Гул ҳусни баҳорга, ёзга ярашар,
Гўзаллигин куйлаб юрар экансан.

Пўлат бўлсанг — тоблан ўтга, ёлқинга,
Йигит бўлсанг — тўш ур сувга, чақинга,
Эр бўлиб фойдангни теккиз халқингга,
Шунда эл меҳрига қонар экансан.

Ешликдаги ҳуснинг — яшнаган майса,
Ойлар, йиллар ўтса — ёшинг улғайса,
Сочингга оқ қўниб, қаддинг энкайса,
Йигитлик даврингни истар экансан.

Сафар қилиб, кўрсанг кўп юртни кезиб,
Йўлларда дуч келсанг озиб ва тўзиб,
Халққа наф келтирмас номардлан безиб,
Мардларга мартаба тилар экансан.

Уйқусиз тунларда хаёлга толиб,
Ўтган-кетганларни ёдингга олиб,
Қарасанг — қаторинг сийрак, бўш қолиб,
Жўра, йўлдошларинг излар экансан.

Ҳақиқат яловин қўлдан туширмай,
Кўнглингда не борин элдан яширмай,
Гапирганда гап маънисин қочирмай,
Ҳар сўзингни ўйлаб сўзлар экансан.

Аслан бўлсанг тўғри, ҳалол-ҳақ одам,
Бағринг омон бўлар виждон ўқидан.
Нафсинг судраб чиқсанг, буюк чўққидан
Пастласанг, инсофга келар экансан.

Сўзим шул — дўст тутма мижғов, эзмани,
Кўзимнинг кўргани, кўнглим сезгани:
Қадрин билиб, сийлай олсанг ўзгани,
Ўзингни шарафга буркар экансан.

ҚУВВАТ ОЛДИМ ХАЛҚИМДАН

Гул-чечаклар барқ уради баҳор-ёз,
Ҳаёт бўлар мазмун ила сарфароз,
Босиб ўтган йўлларимга қизиқсанг,
Кел, эй ўғлон, сўзлаб берай мен оз-моз.

Тинглаб ўтир, гап олдини ўрама,
Вақт ўтади, ёш бўлмайсан мудом-а,
«Кўп яшабсан, қани, шу ёшга чиқиб,
Қай амалга эришдинг?» — деб сўрама.

Қараб туриб менинг юзим, кўзимга,
Оз тош қўйма уқувимга, кучимга,
Енгил юкни ўзгаларга қолдириб,
Оғирини ортганман мен ўзимга.

Кун билан туташдир тонгим ва туним,
Баҳордай яшнади бу умр гулим,
Туғилдим — кўп одам қувонди, кулди,
Дастлаб бу дунёга мен келган куним.

Тўғри юрдим, чуғул[1] сўзга кўнмадим,
Ҳақни севдим, ноҳақликни севмадим,
Кун кечирдим халқим билан тенг қатор,
Юртдан ўзиб, кўз қиздириб келмадим.

Камсуқум, таъмасиз, сипо кишиман,
Узоқман баднафсу манман кишидан,
Юксак лавозимлар ёнидан эмас,
Изла мени оддий халқнинг ичидан.

Оёғим бор — юрдим, кўзим бор — кўрдим,
Эсим бор — эслилар ёнига келдим,
Тоза виждоним бор, куч-ғайратим бор,
Қўлим бор — меҳнатим мевасин тердим.

Ялқовга сўз айтиб жўшиб-тошмадим,
Номардга сўз айтиб маъқуллашмадим,
Заҳмат завқин эмдим онам сутидай,
Меҳнатсиз ўлжага яқинлашмадим.

Текин овқат теккизмадим тишимга,
Манглай тердан тож ясадим бошимга,
Ҳалол топганимга қилдим қаноат,
Кўнглим рағбат берди шундоқ ишимга.

Умид кутдим фақат феълу ақлимдан,
Не дуч келса — кўрдим толе-бахтимдан.
Бор сирим шу: чиққан бўлсам самога,
Қувват олдим она юртим, халқимдан!

Гул-чечаклар барқ уради баҳор ёз,
Мазмун билан умрим бўлди сарфароз,
Босиб ўтган йўлларимдан сўзладим,
Кел, эй ўғлон, эшитиб ол, дилга ёз!..



МАНГУ ЕШ БЎЛИБ

Камол топиб, яйраб, жўшиб, кўрк ёйиб,
Қирчиллаган ёшлик йиллар ўтса ҳам,
Сочимга оқ қўниб, қаддим энкайиб,
Қартайиб, билакдан кучим кетса ҳам, —

Сўзимдан дур, кўзимдан нур унади,
Онамдай ардоқлаб севсам элимни.
Белимга туганмас қувват келади,
Қадам-қадам боссам туққан еримни.

Тупроқ товонимга юмшоқ босилар,
Юрган сайин ҳурмат қилгим келади.
Шу ишқ танда куч-қувватим оширар,
То ўлгунча хизмат қилгим келади.

Одатга айланиб кетибди дилда,
Иш бошлагим келар доим бош бўлиб.
Шул сабаб, суюкли бу она элда
Яшагим келади мангу ёш бўлиб!



ГУЛ

Кўзим тушса боғ гулига,
Асир бўлар назарим.
Гул ҳам билар, ўз кўркига
Шайдо бўлиб кезарим.

Гўзалликка ташна жоним
Гул-ғунчани хуш кўрар.
Яшнаган гул ҳусни доим,
Юрагимга жўш берар.

Кўз кўрди: қўл етмас бўлиб
Талай гуллар очилди.
Едда қолди кетмас бўлиб,
Кўзга ўтдай босилди.

Тонглар сулув, шуъла-нурни
Қизил гулга кўп берди.
Барқ очилган битта гулни
Бир шоирга кўп кўрди.

Ибо билан яшнаб-ўсди,
Кўз-кўз қилиб ўзини.
Офтоб нури тинмай ўпди,
Шамол ўпди юзини.

Ўпди баҳор тонги қучиб,
Гул нозланиб турарди.
Мен куйласам ёниб-жўшиб,
Гул жилвакор куларди.

Гулга қўшиқ битди бу деб,
Танқидчилар ҳайқирар.
Ундан сайин юрагимда
Севги гули барқ урар.

Қорақалпоқчадан **Музаффар АҲМЕДОВ**
таржималари

[1] Чуғул — туҳмат, ғийбат, бировни бировга ёмонлаш.

Гулрухсор САФИЕВА

РУБОИЙЛАР

* * *

Мастона куларсан, худди нотаниш,
Уйингдан умидим қайтар серташвиш.
Муздек боқишингни эсласам агар,
Қалбим баҳорида пайдо бўлар қиш.

* * *

Янги ой нур олар нурли юзингдан,
Қалбим ўртанмоқда ўтли кўзингдан.
Кўзинг юзта қалбни сайд этар, аммо
Енимдан кетсанг ҳам, кетма ўзингдан.



* * *

Мен замин ҳолига йиғлагум, ё раб,
У дунё онаси, борлиққа сабаб.
Нону туз етказар тинмай бир умр,
Фарзандлар ваҳмидан ҳар лаҳза титраб.

* * *

Битта том остида юзта бегона,
Бир девор, битта иш, биттадир хона.
Бир манзил, бир маҳфил, бир эшик, аммо
Узга ғам чекаркан дил ёна-ёна.

* * *

Юртин куйламаган созни синдиринг,
Юрт ғамин чекмаган қалбни тиндиринг.
Кўр қилинг юртим деб порламаса кўз,
Юрт учун ёнмаган шамни сўндиринг.

* * *

Ҳар нарса ўрнида бўлмоғи даркор,
Ҳасратли шодликдан қалбимда озор.
Кеча тош йиғлардим ёлғизлигимдан,
Кечикиб не келдинг, бугун ёрим бор.

* * *

Мен-ташна, сув оқар, сеҳрлаб мени,
Ҳаммада кўза бор, менда сингани.
Умримнинг ярмиси ўтганди сенсиз,
Эй вой, ғаминг билан ўтар қолгани.

* * *

Гулдан гулга қўниб бол терган маҳал,
Менга асалари сўзлайди масал.
Болдек турмушимни заҳарли кўриб,
Гўё асалари тутқазар асал.

* * *

Эй дил, эй дил, менга берақол жавоб,
Бутун шабистоним не учун хароб?
Гар дўст бўлмасак ҳам, ёв ҳам эмасдик,
Бу тун ўртамизда бу не инқилоб?

Тожикчадан
Жонибек ҚУВНОҚ таржимаси



НАВРЎЗ ГАШТИ

Редакция почтасидан

Пахтакорнинг умри далада ўтади. У жазирама ёзда ҳам, изғирин қишда ҳам ҳосил тақдирини ўйлайди. У ўзидан кўра пахтани ўйлайди. Сирасини айтганда, ўзи ҳақида ўйлашга, саломатлиги ҳақида қайғуришга унинг вақти йўқ. Демак, деҳқоннинг ҳаловати ҳақида хўжалик раҳбарлари қайғуриши керак. Йил бўйи далада меҳнат қиладиган деҳқон учун дала шийпонида ҳордиқ чиқариш, яхши дам олиб, ўз кучини қайта тиклай оладиган шароит яратилган бўлиши лозим. Косон районидаги 52-қўриқ совхознинг Собир Абдиев бошчилик қилаётган бўлим шийпони ана шундай шароитга эга.

Одамлар бу жойни мамнуният билан Холматнинг боғи дейишади. Холмат ака эса асли қувалик. У техникага меҳр қўйиб механизаторлик касбини нисбатан эрта эгаллади. Холмат кўп йиллар тракторчилик қилди, ер ҳайдаб чигит экди, дарахт экиб боғ қилди. Ўша кезларда унда Қарши чўлига бориб, уни ўзлаштиришдек умумхалқ ҳаракатида қатнашиш истаги туғилди.

Инсон табиат кўркига кўрк қўшиши, фақат пахта эмас, балки янги ерларда дарахт экиб боғ ҳам қилиши керак. Мана шуларни ўйлар экан, у 70-йилларда Полвонтош адирида эккан бир туп тол эсига келди. Орадан қанча йиллар ўтибдики, ўтган йўловчилар ҳамон ўша жойни «Холматнинг толзори» деб аташади.

Хуллас, Қарши чўли Холматни тобора ўзига тортабошлади. Холмат ўз режаларини турмуш ўртоғига айтганида, у аввалига иккиланди. Қандай бўларкин, нотаниш жой бўлса, қийналиб қолмасмиканмиз... Лекин Холмат ўз қарорини ўзгартирмади. Чўлга бўлган иштиёқ уни Косон районидаги 52-қўриқ совхозга бошлади. Ўшанда 1986 йилнинг кеч кузи эди. Келгуси йил ҳосили учун қизғин тайёргарлик борарди. Бу ишда Холмат ҳам четда қолмади. Бошқа чўлқуварлар билан ёнмаён туриб қизғин меҳнат қилди. Трактор рулига ўтириб ер ҳайдади. Лекин Холматнинг ўз режаси бор эди. Совхоз атрофини кўкаламзорлаштириш, дала шийпонларида сўлим боғлар яратиш унинг орзуси эди.

Лекин олов пуркаб жизғанак бўлиб ётган чўлда боғ яратиш, ниҳол экиб, уни кўкартириш мушкул иш эди. Июль, август ойларидаги қаттиқ гармсел, 40 кунлаб давом этадиган чанг-тўзонлар шароитида бу иш яна ҳам қийин эди. Лекин қанчалик қийин бўлмасин, барибир ниятини амалга оширишга интилади Холмат. Ахир, жазирамада далада тер тўкаётганлар учун тангадек соя ҳали топилмас эди-да. У ўз мақсадини совхоз директори Эргаш Бегимқуловга айтганида, хўжалик раҳбари унга ёрдам беришга тайёр эканини айтди.

Орадан уч йил вақт ўтди. Холматнинг ҳаракати билан Еви чўлида биринчи боғ барпо қилинди. Мана шу боғ ёнида ўша бўлимнинг шийпони ҳам қурилди. Қўли гул инсон Холмат Ҳайитовнинг бетиним меҳнати самараси ўлароқ бўлимда сўлим боғли шинам шийпон ташкил этилди. Меҳнатчиларнинг ишдан чарчаган вақтларида дам олишлари учун яхши шароит яратилган. Турли мевали дарахтлар айни ёзда тўлиқ мева беради. Толтеракларнинг сўлимлигини айтмайсиз. Бўлим аъзолари ўша боғ қўйнида халқ байрами Наврўзини хурсандчилик билан нишонладилар. Дош қозонларда Наврўз неъмати — сумалаклар пиширилиб, дастурхонларга тортилди, ҳаваскор санъаткорлар куй-қўшиқлар ижро этдилар. Ҳа, деҳқон учун бу йилги Наврўзнинг гашти ўзгача бўлди.

Бекмурод СИДДИҚОВ

ЗАРАФШОНМИ, ЗОРАФШОНМИ?

Зарафшон! Баъзан ярим кечалари уйқум қочиб, унинг ҳақида ўйлаб кетаман. Унинг зорланиш аралаш овози шамол билан бирга деразамдан оқиб кириб, ёстиғимга сингийди: уйимнинг зангори деворларида жонланиб, сўрайди: Мен волидаи муҳтарамангнинг соғлиги каби кундан-кунга орқага кетиб, йўқ бўлиб бораётирман, сен эса пойтахтда яшаб туриб, жимсан, фарёд кўтармайсан. Ахир эртага сасиган ариқ ҳолига тушиб қоладиган бўлсам, сувимдан баҳраманд бўлиб келган аҳолининг, жониворлар, табиат дунёсининг ҳоли нима кечади?

«Агар у тугайдиган бўлса...» — Кўҳна миноралари, Лабиҳовуз бўйидаги минг йиллик кўҳна чинорлар тилга кириб, кўз олдимда пайдо бўлади сирли Бухоро.

«Агар у тугайдиган бўлса...» — эшикни оҳиста очиб кириб келади кўз ёшлари осмондаги юлдузлардай йилтираб, ҳайрату нафосат юрти — Самарқанд.

«Агар у тугайдиган бўлса...» — саҳифаларининг қадимийлиги билан ажралиб турувчи Кармана, жозибадор меъморчилиги билан кўпчиликни мафтун этган Навоий шаҳри, Зарафшон соҳиллари бўйлаб тор йўлакда қад кўтарган, қумлик орасида Бухоро билан Карманани ҳалқа бўлиб туташтириб турувчи Ҳазора қишлоғи бор бўй-басти билан кириб келади, бошидан ўтган кечмиш ҳақида ҳикоя бошлайди. Бу ҳикояларга қараганда, эрамиздан неча асрлар аввал Зарафшон ва Олой тоғ тизмалари бириккан жойда табиат осмондай чексиз ва баланд музликни кашф қилиб улгурмаган даврларда Моваройнаҳр деб аталмиш замин мажнунлар адашган чўлу биёбон бўлган. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Алпомиш, Гўрўғли ҳақидаги ўнлаб халқ афсоналари худди мана шу ерларда яратилган. Агар Зарафшон Зарафшонлигини йўқотадиган бўлса, ана шу гуллаб-яшнаб турган воҳалар яна ўша асл ҳолига қайтиши, саҳрога айланиши табиий бир ҳол. Негаки, бу воҳалардаги мўъжизаларнинг ҳаммаси она дарёнинг саховати туфайли бунёд бўлган. Харитага назар ташла — бу воҳаларнинг тўрт томондан қум саҳролари билан ўраб олинганини кўрасан.

Китоб жавонимдан бу дарё ҳақида тўхтаб ўтилган адабиётларни яна қайта кўздан кечираман.

«Ҳозирда Бухоро ўрнашган бу мавзе, — деб ёзади IX асрда яшаб ижод этган бухоролик тарихчи олим Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» деб номланган китобида, — илгари ботқоқлик бўлиб, унинг баъзи ерлари тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзорларни ташкил этган жойлари шундай бўлганки, бирон, ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган. Бунинг сабаби шуки, Самарқанд томондаги вилоятларда, тоғларда қор эриб, суви оқиб келиб, ўша жойга йиғилиб қолган».

Абу-л Ҳасан Абдураҳмон Нишопурий «Ҳазоин ул-умум» китобида: «Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни «Руди Мосаф» — Мосаф дарёси — (Зарафшон) деб атайлар. У бир талай ерларни ювиб, ўпириб, кўп лойқаларни суриб келган ва, натижада, бу ботқоқликлар тўлиб қолган. Сув оқиб кела берди. Лойқаларни то Битик (Чоржў рўпарасида, Амударё бўйида жойлашган қишлоқ) ва Форобгача суриб кела берди. Сўнг сув тошиб келиши тўхтади. Бухоро ўрнашган жой аста-секин тўлиб, текис ерга айланди ва шундай қилиб, у катта Суғд ва бу лойқалар билан тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди, ҳар томондан одамлар йиғилиб, обод бўлди.

Одамлар Туркистон томондан келар эдилар. Сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўп бўлганидан, кишиларга бу вилоят хуш келиб, шу ерда жойлашдилар. Аввал улар чодир ва ўтовларда турар эдилар, сўнг вақт ўтиши билан одамлар йиғилиб, иморатлар қурдилар».

Улуғ бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари эса ўзларининг «Садди Искандарий» достонларида бу дарё ҳақида қуйидагиларни ёзадилар: «Дунё шоҳи Искандар саъй-ҳаракат қилиб, Хуросон ўлкасида шу шаҳар (Ҳирот)ни бино айлагач, яна манзил-баманзил юриб, Амударёдан ҳам ўтди ва у ерда ҳам Фирдавс монанд кишварни кўрдики, бу ернинг суви ҳам, ҳавоси ҳам худди жаннатдагидек ёқимли эди. Латофат ва гўзалликда жаннатдан қолишмайдиган бу жойнинг исми Моваройнаҳр дейилади. Шу ораликдаги масофа эса, юз оғочни ташкил қилар эди. Моваройнаҳр деб аталган ернинг шарқий чегарасидан Сирдарё, ғарбий чегарасидан Амударё оқиб ўтар эди. Бу ораликда фақат шу икки дарёгина эмас, бундан бошқа ҳар бири Арас наҳридек келадиган ўнлаб беш нафар сойлар ҳам бор. Бу наҳрлардан кўп ариқлар ажралиб чиқиб, ҳар қайсиси бир қанча шаҳарларни обод қиларди.

Ва лекин бу замонда — Зарафшон деган бир дарё борки, уни жаннат наҳри десак, ҳеч ким шак-шубҳа қилмайди. Унинг сувидан дармонсиз одам ичса, қувватга кириб кетади. Зарафшон киши умридек тез оқарди».

* * *

Туркистон ва Зарафшон тизмалари оралаб ўтган баланд ва тик кўтарилган водийда бу дарё ҳозир ҳам азалгидай шиддат билан олдинга чопади. Йўл-йўлакай юксак музликлардан эриб тушаётган сон-саноқсиз ирмоқлар қўшилишиб, дарё ўзани кенгайиб, пишқириб оқади. Сув бетида тўлқинлар мавжланиб, қуёш нурида худдики ўзидан олтин сочаётгандай жимирлайди. Узунлиги 781 км. бўлган дарёнинг бошланиш қисмида (Тожикистон ССР, Ленинобод области) яшовчилар узоқ умр кўрадилар, сувдан юқадиган ҳар хил оғир касалликлар, дармонсизлик нима эканлигини билмайдилар. Етиштириладиган маҳсулотларининг таъми оғзингизда қолади. Дунёдаги энг чиройли, сайроқи қушлар дарё тепасида чарх уриб, соҳиллардаги бутазорларда базм қуришади. Юзлаб турдаги йирик-йирик балиқлар тўда-тўда бўлишиб, сув бетида сузиб юришади. Дарё суви шу қадар чучук, мусаффолигидан, ичиб тўймайсиз.

Унча узоқ эмас, атиги 20-30 йиллар олдин дарёнинг қуйи оқимида ҳам манзара мана шундай кўзни қувонтирарли эди. Негаки, у йилларда ҳали Самарқанд, Каттақўрғон, Навоий шаҳарларида саноат бугунгидай кенг ривожланмаганди. Дарё суви деҳқончиликка ҳамда ичимлик сув сифатида ишлатилар, бу воҳаларнинг сувга бўлган эҳтиёжларини баҳолиқудрат қондириб келарди.

Уқувчилик йилларим ҳар йили ёзги таътил бошланиши олдидан мактабимиздан тўрт чақирим олисда бўлган бу дарё бўйларига саёҳатга чиқардик.

«Зарафшон — зар сочувчи дарё, — ҳикоя қиларди география ўқитувчимиз нурланиб оқаётган тўлқинлардан кўз узмай. — Шу дарё сабаб ўтмишда асрлар давомида Самарқанд билан Бухоро рақобатлашиб келишган. Баъзан Моваройнаҳрда Самарқанд пойтахт бўлган. Атрофи одамлар учун торлик қилиб, янги қишлоқлар вужудга келган, каналлар қазилиб, Зарафшон сувидан кўпроқ фойдаланилган. Бунинг натижасида дарёнинг қуйи оқимида сув кам оқиб, Бухоро атрофидаги боғ-роғларни шўр босган. Кейинроқ Бухоро пойтахт деб аталгач, унинг ҳукмдори Самарқандга ўз миробларини юбориб, Бухорога кўпроқ сув очтирган. Оқибатда Самарқандда сув тақчиллиги бошланиб, дастурхондан ризқу рўзи, бозорлардан мева-чева тортилиб қолган. Дарё сувини талашиб тўкилган қонлардан лолазорлар пайдо бўлган. Эҳ-ҳа, не-не сўзлаб бўлмас фожиаларнинг шоҳиди бўлмаган дейсиз бу дарё. Унинг ҳар бир ҳовуч сувида не-не афсоналар мужассам, не-не сир-асрорларни асрлар давомида бағрида яшириб келади у. Ҳозирги пайтда баъзи хўжалик раҳбарлари томонидан талон-торож қилиб келинаётган мана шу сув қизларга қалин ўрнида берилган замонларни, у тўлиб оқса қувонган, қуриса мотам тутган элни кўп кўрган. Масалан, Бухоро амири Шоҳмурод даврида тўғон бошида сув сотиладиган ҳар хил кўзачалар турган. Энг кичик кўзачадаги сув бир қўй баҳосига, катта кўзачадаги сув эса бир от баҳосига сотилганини кўрган. Дарёсининг суви биллурдай тоза, шаффоф ватаннинг одамларининг юраги ҳам ёмғир томчисидай мусаффо, деб куйланган қўшиқларни тинглаб, ўзига сиғмай тўлиб-тошган дамлари беҳисоб бўлган.

У—ҳаммамизнинг мунис, меҳрибон онамиз. У кейинги пайтларда бизнинг ёрдамимизга муҳтож бўлиб қолмоқда. Унинг келажакдаги мусаффолиги бизнинг қўлимизда...»

* * *

...Юрагим зирқирайди, узоқдан йилтираб кўзга ташлангувчи саробга айланиб бораётган ўзанга боқиб, кўзларимдан дув-дув ёш тўкилади. Ерга, осмонга, шулар ўртасида яшаётган одамларга ёлворгим келади.

МАЪЛУМОТ

— Ифлосланган сув оғир касалликлар манбаи бўлиб қолади, — дейди академик Н. В. Новиков. — Бундай касалликлар айниқса болаларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Чунончи, қорин тифи, безгак, сариқ, ич кетиш, вабо, суяк-бўғин, гижжа, брученллёз касалликлари, ингичка ичак ва жигарни ламблиялар билан шикастлайдиган касалликлар аввало одамларга ифлосланган сув манбаларидан ўтади.

* * *

Бундан бир неча йил олдин мутахассислар томонидан дарё сувининг таркиби текшириб кўрилиб, ичишга яроқсиз деб топилди. Асосан, Самарқанд, Каттақўрғон, Навоий шаҳарларида ишга туширилган саноат корхоналарининг ўз оқаваларини ярим тозалаб-тозаламай дарёга ташлаб юборишлари навоийликларни тоза ичимлик сувдан маҳрум қилди-қўйди.

Дарёнинг тозалик даражасини кузатишни Каттақўрғон шаҳри яқинидан бошлайдиган бўлсак, Каттақўрғон Ёғ-мой комбинати олаётган сувнинг таркиби ҳам мутлақо яроқли бўлмай, унда Самарқанд вилояти корхоналари, айниқса Каттақўрғон Гўшт комбинати қуйқаларини кўплаб кўриш мумкин. Шаҳар саноат корхоналари ҳар суткада таркибида юқори даражада органик моддалар бўлган 10 минг куб метр оқава сувларни дарёга ташлайдилар. Шаҳарда 1976 йилда оқаваларни биологик қайта ишлаш иншооти қурилиши планлаштирилган эди. Аммо ўтган йиллар давомида мартабали шахсларга қанчадан-қанча саройлар қуриб берилди. Сувни қайта ишлаш иншоотини барпо этиш зарурлиги муаммоси эса, область раҳбар-

ларини ташвишлантирмади. Ўзбекистон табиатни қўриқлаш жамияти собиқ Навоий область бўлими, собиқ Навоий область ҳамда Навоий район СЭСларининг бош врачлари, собиқ область соғлиқни сақлаш бўлими Каттақўрғон Ёғ-мой, Гўшт комбинати раҳбарлари номига дарё сувини ифлослантирмаслик чора-тадбирларини кўришларини сўраб, огоҳлантириб ёзилган хатларнинг ҳаммаси ҳам жавобсиз қолдирилди. Чунки бунинг учун жавобгарликка тортилмасликларини улар билишарди. Умуман, бизда дарёнинг зилол сувини билиб туриб ифлослантириш жиноят ҳисобланмайди, шунинг учун ҳам дарёнинг сувини ҳар ким хоҳлаганча ифлослантириб келмоқда. Барча соҳалардаги каби сувни муҳофаза қилиш қонунлари қўпол равишда бузиб келинди.

Навоий Цемент заводи атроф-муҳитга ҳар йили 22,8 минг куб оқавани тозаламасдан ташлаб юборади.

Навоий Электрохимия заводи эса 29,50 минг куб ифлосланган оқавани тозаламасдан атрофга ташлаб юборади. Бу сувлардан 20 гектар майдонни эгаллаган сунъий сув ҳавзаси ҳосил бўлган. Бу ҳавзадан сув бир неча бор тошиб кетиб, «Қизил Ўзбекистон» колхози, «СССР 60 йиллиги» совхозига катта зиён етказди.

«Қизил Ўзбекистон» колхози ерларида мазкур заводнинг 6 та заҳарли оқавалар ташланадиган ҳавзаси жойлашган. Улар усти очиқ ҳолда сақланмоқда. Бу ҳавзалар устидан қуш учса ҳам ўлиб тушади. Одамлар эса... Ҳавзалар шундоқ пахтазорлар билан ёнма-ён. Заҳарли оқавалар ер ости сувларига сингиб, дарё сувларига қўшилиб, гиёҳ ҳам ўсмайдиган майдонлар кўпаймоқда. Ҳар йили табиат муҳофазаси учун миллион сўмлаб маблағ сарфланишига қарамай, сувнинг ифлосланиш даражаси камаётгани йўқ.

Масалан, 1986 йилда юқори ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ҳаракатлари туфайли 30 га яқин тадбир амалга оширилди. Бу ишларга 1 миллион 760 минг сўм, шундан сув ресурслари муҳофазаси учун 960 минг сўм сарфланди. Аммо аҳвол ҳамон ўша-ўша... Дарё дарёга ўхшамайди. Кўпроқ шаҳарнинг чиқиндилари оқадиган ариқни эслатади. Яшашдан тамом умиди узилган, аъзойибадани қақшаётган бемордек тўлғонади.

Зарафшон дарёсидан Хатирчи, Навоий, Конимех, Навбаҳор, Қизилтепа районлари ҳисобидаги жами 84 минг 849 гектар экин майдони сув ичади. Бу ерда аҳоли сонининг тобора ўсиб бораётганлиги пеш қилиниб, республика сув хўжалиги министрлигининг йўл-йўриғи билан ҳар йили Қизилқумнинг бир қисми бўлган Ўртачўлдан 3 минг гектар ер ўзлаштирилиб келинди. Шу ўринда республика Сув хўжалиги Давлат комитети адресига ўз эътирозларимизни айтиб ўтишни истар эдик. Негаки, мана шу идора мутасаддиларининг мавжуд муаммолардан кўз юмиб иш юритишлари натижасида кейинги йилларда Ўртачўл ва Қарнаб чўлидан 10 минг гектар ер ўзлаштирилди. 40 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ фақат капитал қурилиш ишларига сарф бўлди. Бутун ишчи кучи, техника ана шу чўлларни ўзлаштиришга сафарбар этилди. Асалдан деҳқончилик қилиб келинган Навоий, Навбаҳор, Конимех районлари ерлари эса қаровсиз қолди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, боғ-роғларни асраб қолишга ҳаракат қилинмади. Оқибатда Кармана атрофларини шўр босди, мевали дарахтлар, экинлар қуриб қолмоқда.

Дарё ёқалаб унинг қуйи оқими томон борар экансиз, ҳар тўрт-беш чақирим масофада заҳарикларнинг шўр, зах сувлари дарёга келиб тушаётганини кўрасиз. Масалан, юқорида номлари тилга олинган районлар территориясининг ўзида 1289 километрли 25 та коллектор ўз сувларини Зарафшонга қуйиб келмоқда. Экин майдонларнинг захини қочириш учун қазилган бу коллекторларнинг суви Зарафшонга келиб тушиб (!), яна қайта экин майдонларига таралмоқда, ҳатто ичимлик сув сифатида ҳам ишлатилаяпти! Мана сизга Она заминга, инсонга муносабат! Аслида бу коллекторларнинг сувлари қоидага мувофиқ алоҳида махсус кўлларга ташланиши керак эди. Захарикларнинг сувини сақлаш учун 1970-йилларда Хатирчи район территориясидан катта майдон ажратилган, иш ҳам бошланиш арафасида эди. Бироқ у амалга ошмай қолиб кетди. ЎзССР Сув хўжалиги Давлат комитети бу тадбирларнинг бажарилишига ёрдам у ёқда турсин, ҳатто ишнинг боришини ҳам назорат қилмади. Навбаҳор районининг 80 фоиз, Нарпай совхозининг Жалойир зонаси, «Қизил Октябрь» колхози ерлари шўрлаб бўлди.

Одатда коллекторлар ҳар беш йилда, хўжалик территориясида бўлган коллекторлар ҳар уч йилда тозалаб турилиши керак. Техника етишмаслигини баҳона қилиб, бу ерларда коллекторлар ҳатто ўн йиллаб ҳам қайта қазилаётгани йўқ. Оқибатда коллекторлардаги булоқларнинг кўзлари ёпилиб, сув кам оқадиган бўлиб қолган, бор коллекторлардан ҳам самарали фойдаланиш борасида бош қотирилмайди.

Мана шулар таъсирида Зарафшон дарёсидан сув ичадиган аҳоли қўрғонларида ичимлик сув муаммо бўлиб келаяпти. Шўр, зах сув ҳамда заҳарли химикатлар, кимёвий ўғитларни ҳудабеҳуда қўллаш натижасида нафақат оқар сувлар, балки ер ости сувларининг таркиби ҳам бузилиб бормоқда. Бу сувлар таркибида нитратлар ҳар қачонгидан кўпайиб кетган.

МАЪЛУМОТ

«Ичимлик сув»нинг ГОСТ — 2874—73 Давлат стандарти нормативи бўйича сувда нитратларнинг энг минимал даражаси қанча бўлиши ҳам белгилаб берилган. Яъни ҳар литр сувда нитратлар миқдори 2—11 мг/дан ошмаслиги керак. Ҳозирги замон медицина хулосаларига биноан одам ичакларидаги нитратлар унда (ичакда) яшовчи бактериялар таъсирида нитратларга айланади. Бу нитратлар сўрилиши медгемоглобиннинг вужудга келишига, кислород — яъни гемоглобинлар активлигининг бирмунча йўқолишига олиб келади. Шу тариқа медгемоглобин таъсирида организмда кислородга очлик вужудга келади. Бу ҳолат биринчи навбатда болаларда, айниқса эмизикли чақалоқларда кўпроқ намоён бўлади. Улар она сути билан эмас, сунъий боқилганда — яъни сут талқони нитратли сув билан аралаштирилганда ёки шу сув ичирилганда кўпроқ касалланадилар. Агар сув таркибидаги нитратлар миқдори бир литр сувда 50-100 мг/дан ортиқ бўлса, қондаги медгемоглобин даражаси кескин кўпайиб кетади.

Баъзан ичимлик сув таркибида шўр ва олтингугурт кислотаси (хлоридлар ва сульфатлар) кўп учрайди. Улар сувга шўр ва аччиқ таъм бағишлайди. Бундай сувларни истеъмол қилиш ошқозон-ичак фаолиятини издан чиқаради. Бир литр сув таркибида хлоридлар 350 мг/дан кўп бўлса, соғлиқ учун зарарли ҳисобланади.

Сув таркибидаги кальций ва магний тузлари унинг қаттиқлигини белгилайди. Ҳар хил тузлар билан тўйинган сув кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқаради. Бундай сувда сабзавот ва гўшт секин пишади. Чойнак ва қозонларда кўплаб ишқор қотиб қолади. Водопровод қувурларини ҳар хил ишқорлар ишдан чиқаради. Қаттиқ сувни истеъмол қилиш билан айрим касалликларнинг кенг тарқалиши ўртасида муайян алоқа мавжуд.

Навоий район территориясига етиб борган Зарафшон сувининг 64 фоизини саноат корхоналари ютоқиб симиради. Бу сувнинг 90 фоизини «Навоиазот» ҳамда Навоий Электрохимия заводининг цехлари ҳўплайди ва оқава ҳолида тозалаб-тозаламай яна дарёга ташлайди. Мана шулар оқибатида дарё сувининг 1965 йилдагига нисбатан қаттиқлиги 7,2 мг/л. дан 13,9 мг/л. га, аччиқлиги 1,2 мг/л. дан 344 мг/л.га, хлоридлар 25 мг/л.дан 56,7 мг/л.га, сульфатлар 190 мг/л.дан 310—618 мг/л.гача, шўрлик даражаси 560 мг/л дан 1140 мг/л. гача ошиб кетган.

Дарё сувини ифлослантиришда яна 29 та ташкилот «фаолият» кўрсатиб келади. Булар: Пахта тозалаш заводи, Ғишт заводи, химикатлар сақланадиган омборлар, районлараро бўрдоқичилик базаси, чўчқачилик фермалари, Навоий район РайПОси чорвачилик базаси, суттовар фермалари ва ҳоказо. Улар санитария нормаларига хилоф равишда дарё ўзанидан 20 метрдан 100 метргача масофада жойлашган. Дарё ана шу ташкилотларнинг ҳам чиқиндилари, нажаслари билан булғаниб оқмоқда. Кармана шаҳар сувни биологик усулда тозалаш иншоотининг бундай чиқиндиларни тозалашга қуввати етмай қолмоқда. Ана шундай антисанитария ҳолатидаги сув — касалликлар манбаи аҳолига, касалхоналарга етказиб берилмоқда.

Бахтиёр ТОШТЕМИРОВ: Навоий район сув ресурслари бошқармасининг бошлиғи:

— Зарафшон дарёси соҳилларидан бўрдоқичилик базаларини кўчириш ҳақида қанча гап бўлгани, мутасадди ташкилотларга бу борада жиддий кўрсатмалар берилганлигига қарамай, Кармана шаҳар матлубот жамияти ўзининг бўрдоқичилик базасини дарё соҳилига яқинда қуриб олди. Биз уларни неча бор огоҳлантирмайлик, қулоқ солишмади. Халққа фақат дарё эмас, гўшт, чорва ҳам керак деб оғзимизга уришди. Қаршилик кўрсатишимизга қарамай, яна янги фермалар қурилаяпти. Табиат муҳофазаси қонунларига хилоф равишда иш тутаётганликлари учун ҳеч ким уларни жиноий жавобгарликка тортмаслигини улар яхши билишади. Бу соҳилларнинг хўжайини, ҳимоячиси йўқ. Ким нимани хоҳласа шуни қураяпти. Сувни ким қандай хоҳласа, шундай ифлослантираяпти. Хатирчи районидаги 17 та сут-товар фермасидан 16 тасида молларнинг нажасини дарёга тушишдан сақлайдиган тўсиқлар йўқ. Чиқиндилар ариқчалар орқали дарёга оқизилади!

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги Давлат комитети 1982 йилда чорвачилик фермалари дарёга яқин ерда қурилмасин, деб неча бор юмшоқ хатлар юборган, аммо район ижроия комитетлари бундай фермаларнинг раҳбарларига нисбатан ҳеч қандай чора кўролмаяптилар. Одамларни сувни ифлослантирмасликка қандай ўргатиш керак? Бунинг учун уларда инсоф, виждон, ўзи туғилиб ўсган жой табиатига нисбатан меҳр уйғотиш — ҳамманинг бурчи. Агар улар бу вазифаларга виждонан ватанпарварлик бурчим, деб қарамас эканлар, дарё ҳалокатга, балки аҳолига талофат келтирувчи Заҳардарёга айланиши шубҳасиз.

* * *


Хуллас, собиқ Навоий области территориясидан ўтадиган 59 километрли Зарафшон дарёси ўзанига 61 та заҳарли ирмоқ келиб қўшилади. Булар хўжаликлардан чиқадиган, шунингдек деҳқончилик қилинадиган ерларнинг шўрини ювишдан чиқадиган оқава сувлардир. Бу сувларнинг таркибидаги химиявий моддалар барча тирик жон учун хавф туғдиради. Мана шунинг учун ҳам навоийликлар дарё сувини ичиб, бир кун қорамоллар ўлаётганини, иккинчи кун балиқлар қорнини юқорига кўтариб, тўда-тўда бўлиб оқиб ўтаётганини кўриб даҳшатга тушиш у ёқда турсин, жабланмайдилар ҳам. Негаки, бундай кўргулукларни кўриб, кўзлари пишиб кетган. Ҳозирча хўжаликларнинг шўр сувлари, саноат оқавалари, зах сувлар, бўрдоқичилик базаларининг ахлатлари Зарафшонга ташланаверар экан, бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслигини биладилар.

...Дарё ёқалаб борар экансиз, фақат чорва фермаларигина эмас, пахта майдонларининг ҳам дарё ўзанига тақалиб келганлигини кўрасиз. Бундан йигирма йиллар муқаддам бу соҳиллар серилдиз бутазорлар, юлғунзорлар билан қоплангани, ям-яшил ўтлоқлардан одамлар баҳра олишганига, дарёнинг эса ўзанига сиғмай пишқириб оққанига ишонгингиз келмайди. Иккала қирғоқни бульдозерлар билан текислаш, табиат либосининг астар-аврасини чиқариб пахта экиш, чорва базалари қуриш ҳозирги кунда ҳам жадал давом эттирилмоқда. Гўё бундай ташкилотларга дарё керак эмас, сув керак эмас, жон керак эмас.

Менинг тушларимда дарё йиғлайди,
Тўлқинлар йиғлайди, гуллар йиғлайди.
Бўтқа сув бетида қорни тўнтариғ,
Балиқлар йиғлайди, диллар йиғлайди.
Тириклик ўлади соҳилларида,
Бу не кўргуликдир, юртим, онажон?
Сув топиб беролмай оҳуларига,
Мунгли-мунглигина бўзлар Зарафшон.

Назира ЙЎЛДОШЕВА

Туятол



Оллоёр БЕГАЛИЕВ

Ҳикоя

Редакциямиз олдидаги гулзор четида бир туп суртол ўсарди. Уни бир вақтлар, чамаси бундан етти-саккиз йиллар бурун, шу ерда қоровуллик қилган Назир бобо экканди. Бу тол аслида суртол деб аталса-да, унинг бирорта ҳам тўғри шох-бутоғи бўлмаганидан газетамиз бош муҳаррири: «Туядан нега мунча эгрисан, деб сўрашганда: «Қаерим тўғри?!» деб жавоб берган экан. Назир бобо, сиз эккан тол ҳам худди ўша туянинг ўзи, бирор тўғри жойи йўқ. Туятол бу!» деб қолди. Шу-шу ҳаммамиз, ҳатто Назир бобо ҳам уни Туятол деб атай бошладик.

Туятол гулзорнинг бир четида ўсганлигидан, унинг эгри-бугри қомати тезда гулзор четига ўрнатилган, редакциямиз чегарасини билдирувчи гулдор чўян панжара узра эгилиб, қўшни беш қаватли бинонинг ҳовлисига ўтиб қолди. Бунга аввалига ҳеч ким парво қилмади. Лекин йиллар ўтиб, Туятол бутунлай қўшни ҳовли томонга шох ташлаб, унинг соясида беш қаватли бинонинг беш-олти кексалари — бир оёғи йўқ Восиқ бобо, писта сотадиган Норқул деган қош-киприксиз чол ва иккиуч кампир кечки салқинда суҳбатлашиб ўтирадиган бўлишди. Улар ўзи билан ўзлари каби эски синиқ курсиларини олиб чиқиб, Туятолнинг соясига тўпланишарди.

Худди мана шу пайтда орамиздан кимдир: «Туятол рамкадан чиқиб кетибди-ку!» деб ҳазиллашди. «Бу қанақаси,— дедик биз ҳам ҳазил-жиддий аралаш, — ўзи редакция майдонида ўсиб, сояни бошқа мулкка солса, бир таъзирини берайлик...»

Бу ҳазил аралаш гапларимиз бош муҳаррир қулоғига етиб борган шекилли, бир куни у Назир отага толни кесиб ташлаб, ўрнига бирор тикроқ ўсадиган бошқа дарахт экишни тайинлади. Чол кўнмади. Қанақа чегара, қанақа рамка, деди у, тол учун ҳеч қанақа чегара йўқ, ҳамма ер унинг учун ўз уйи, хоҳлаган ёғига ўсади!

Шу билан Туятолнинг ҳаёти яна бир йилга сақлаб қолинди.

Буни қарангки, кўп ўтмай, Назир чол касал бўлиб, ишга чиқмай қўйди. Бориб кўриб келдик. Чол ўзи билан ўзи эди. Учинчи гал азасига бордик. Ҳеч кими йўқ эди раҳматлининг. Қўшнининг боласи овқат олиб кириб, ўлганининг устидан чиқибди. Йиғи-сиғи бошланибди.

Орадан уч-тўрт ой ўтди. Қиш келди. Бир куни ишга келиб, можаронинг устидан чиқдик: янги қоровулимиз Мамат деган киши билан шофёримиз Алиқул арра ушлаган, дам Туятолнинг танасига тортишар, панжара ортидаги икки кампир ва Нортожи чол уларни ҳай-ҳайлашиб тўхтатишарди. Тезда ишга келганларнинг барчаси шу ерга тўпланишиб қолишди.

— Ҳой, мусулмон! — дерди кампирларнинг бири. — Санга нима гуноҳ қилди, охи! Қўй, ўссун!

— Эй, она, тушунсангиз-чи! — қўлини пахса қиларди янги қоровул. — Бунинг эгаси йўқ. Тамом. Нима қиласиз аралашиб. Буйруқ, — у қўли билан иккинчи қаватдаги бош муҳаррир деразасини кўрсатди. — Ана.

— Нимага эгаси бўлмас экан! — гапга аралашди Нортожи чол. — Биз-чи!

— Сиз буни экибсизми?! — чийиллади шофёримиз. — Буни эгаси аллақачон нариги дунёда юрибди! Қани, Мамат ака! Бошладик!

Улар яна аррани Туятолнинг танига тақашди. Кампирлардан бири қўлидаги супурги билан аррани итариб юборди.

— Холажон! — жанжалга қўшилди саноат бўлимининг мудири Норбой ака. — Буни нимасини яхши кўрасиз! — Туятол — ҳамма ёғи эгри-бугри, хунук. Биз ўрнига арча экамиз, арча! — У атрофидагиларга кўз қисиб қўйиб, декламация қилди. — «Арча, арча, жон арча. Япроқлари игнача...»

— Биз ўлгандан кейин экарсан ўша арчангни! — Нортожи чол тутоқди.

— Оғзингизни совутманг, зинҳор-базинҳор оғзингизни совутманг, отагинам! Назир отамиз ҳам мен ўлгандан кейин кесасизлар деганди, мана, олти ой ҳам ўтмай... — ёлғонлади Норбой ака.

Шу вақт иккинчи қаватдаги муҳаррирнинг деразаси шарақлаб очилди. Ҳамма юқорига қаради.

— Нега ишни чўзаяпсизлар!— бош муҳаррирнинг гапи оғзида қолди — ичкарида телефон жиринглаб, у деразани беркитишга мажбур бўлди.

Қоровул билан шофёр энди қатъий ишга киришишди. Чол ва икки кампир араллашгандай, жим-жим тарқалишди. Туятол унчалик баҳайбат бўлмаса-да, уни қирқ кишилик коллективимиз, ҳатто аёллар ҳам навбат олиб оз-оздан арралашдик: коллектив бўлиб ишлаш ҳар қанақа кўнгилсизликни ҳам кўнгилхушликка айлантириб юборар экан. Биз Туятолнинг эгрилигию, рамкадан чиқиб кетганлиги тўғрисида ҳазил-ҳузил билан уни саржинлаб ҳам ташладик. Толнинг эгри-бугри бутоқларини бутаётганимизда унинг бу ерда иштирок этмаётган яна бир эгаси — қандайдир қушнинг инини кўриб қолдик. Ин анча пишиқ қурилган бўлса-да, болта зарбидан бузилиб кетди ва унинг ҳар томонга сочилган хас-чўплари орасидан машинисткамиз Гулноранинг ёзда йўқотган зираги топилиб қолди. Шўрлик, зираги топилганига роса суюнди. Туятолнинг тўнкасини кавлаб ўтирмадик: майли, ҳеч бўлмаса шуниси қолсин.

Агар баҳор кунларида гулзор четидаги тўнкага қўниб турган бир жуфт қушчага кўзим тушмаганда, Туятолнинг тақдири, унинг чин эгаси Назир бобо, беш қаватли бинонинг кексалари — Нортожи чол ва кампирлар, Туятолни арралаш «савоби»дан қуруқ қолмаслик учун бўлимлардан отилиб чиққан ҳамкасабаларим, қуш инидан топилган тилла зирак — буларнинг бари мен учун шунчаки оддий воқеа бўлиб қолар эди. Яхшиямки, бундай бўлмади. Олис-олислардан учиб келган бу икки қушча — қанотлари кўкимтир, кўкрак ва дум қанотларида кўзни олувчи оқ патли қушчалар тўнка атрофида сакрашар, тўнкага ва ундан чўян панжарага, бизнинг дераза рафига ва яна қайтиб тўнкага учиб-қўнишарди. Булар ўша бузилган ин — ватаннинг эгалари эди, демакки, ўша Туятолнинг ҳам эгалари эди. Улар табиатдаги ўзгаришларни жуда яхши билишарди, лекин инсон табиатидаги ўзгаришлар ва уларнинг оқибатларидан бехабар эдилар.

«Вижир-вижир... Чув-чув» — улар ўз ватанларини баландга кўтариб турган жонажон дарахтларини ҳаммадан: чўян панжаралардан, тақа-тақ ёпиқ, ичида область ҳаёти тўғрисида материаллар тайёрланаётган деразалардан, бу ерда янги пайдо бўлган икки туп арча кўчатидан, жўмрагидан тинмай сув оқиб турган водопровод кранидан, ердан, қуёшдан сўроқлай-сўроқлай эслари кетди. «Вижир-вижир» қиларди улар. Ҳеч ким тайинли жавоб қайтармас, ахир уларга — рамка нима, чегара нималигини билмайдиган қушларга Туятол ўз чегарасидан, рамкадан чиқиб кетганлигини, унинг жуда ҳам хунук, эгри-бугрилигини қандай тушунтирасиз, ахир. Улар ҳеч қандай чегарани билмай, юз-минглаб чақирим олисдан учиб келишди, вақт келади — учиб кетишади.

Ўша кундан сўнг биз, тўғрироғи, мен уларни бошқа кўрмадим.



О. Восихонов чизган расм.

БРЕСТДАГИ ЖАСОРАТ

Қўлимда Фарғона педагогика билим юртининг йўлланмаси — Бекобод районидаги Далварзин совхозига ишга келдиму ҳали ўқувчилар билан ҳам танишиб улгурмасимдан, 1939 йилнинг сентябрь ойида, ҳарбий хизматга чақирилдим.

Биз бўлажак посбонлар зиммасига Ватанимизнинг ғарбий сарҳадларини дахлсиз сақлаш масъулияти тушди. Қадимий Брест шаҳрида ҳарбий қасамёд қилганимиздан сўнг биздан бир нечта йигитни полк мактабига ўқишга юборишди.

Мен Абдуқаҳҳор билан ўша жойда қизғин ҳарбий машғулотлар давомида танишдим. Биз дўстлашиб кетдик. У Тошкент шаҳрининг Октябрь районидан ҳарбий хизматга чақирилган бўлиб, асли Ховост районининг Баландчақир қишлоғидан экан. Абдуқаҳҳор пойтахтда бухгалтерлар тайёрлов курсида ўқиётган экан. Қорамағиздан келган, қотмагина, хушбичим Абдуқаҳҳор ниҳоятда чаққон, зийрак ва дилкашлиги билан эътиборимизни қозонди. Айниқса ҳаммамизни мафтун этадиган даражада чиройли ёзарди.

Полк мактабини битирганимиздан сўнг, бизларга сержант унвони берилиб, Брест қалъасидаги Қизил Байроқли Орлов ўққи дивизиясининг 125-ўққи полкига юборилдик. Абдуқаҳҳор Абдуқундузов ҳам, мен ҳам полк бўлинмаларида взвод командири вазифасида хизматимизни давом эттирдик.



Қаҳрамон жангчи Абдуқаҳҳор Абдуқундузов

22 июнь, тонгги соат 4 эди. Гитлерчилар Германияси ватанимиз чегараларини хиёнаткорона бузиб, Брест қалъаси орқали она еримизга бостириб кирганида, 125-ўққи полкнинг 2-батальони жангчилари босқинчиларга рўпара бўлдилар. Бизлар Брест қалъасини мудофаа қилишга киришдик. Кучлар тенг эмас эди. Брест қалъасидаги биринчи кунги шиддатли жангда кўплаб жангчиларимиздан жудо бўлдик. Абдуқаҳҳор Абдуқундузов ҳам ана шу диёрда Ватан ҳимоясида мардонавор туриб ҳалок бўлди. Улар Улуғ Ватан урушининг биринчи қаҳрамонлари эдилар.

Ёвузликнинг умри қисқа бўлади. Шу сабабли совет халқи бир тан-бир жон бўлиб фашист қузғунларни ўз уясигача қувиб бориб тор-мор этишди. Урушдан сўнг яна ўн йил Украинани ички душманлардан озод қилишда ва вайрона бўлган шаҳарларни тиклашда қатнашдим.

Ўзбекистонга қайтгач талайгина қуролдош дўстларимни, жумладан Абдуқаҳҳор Абдуқундузовнинг туғишганларини излаб топдим. «Тошкент оқшоми» газетасининг 1988 йил 22 август сонида эълон қилинган мақоладан сўнг, Абдуқаҳҳорнинг укаси Абдуғаффор Абдуқундузов билан учрашдик. Жуда хурсанд бўлиб кетдим. Чунки 50 йилдан сўнг қуролдош дўстимнинг укасини ва барча қариндош-уруғларини кўриш мен учун унутилмас воқеа эди. Улар билан учрашиб жанговар дўстимни кўргандай бўлдим.

Маҳаммаджон АБДУВАЛИЕВ,
Брест қалъаси ҳимоячиларидан

Тошкент дори-дармон заводи назорат лабораториясининг ходимлари. Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ)



ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Аҳолининг иш билан самарали банд бўлишини таъминлаш, ишга жойлаштириш системасини такомиллаштириш ва меҳнаткашлар учун социал гарантияларни кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганига ҳам бир йилдан ошди. Унда кўзда тутилган: кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар аҳолиси тез ўсиб бораётган республикамизда қандай амалга оширилаётир?

Меҳнат ресурсларини ҳал этишда «кўчириш» тажрибасини қўллаш мавжуд муаммони ҳал этгандай бўлди. Бунинг учун аҳолиси зич жойлашган областлардан меҳнатга лаёқатли аҳолининг маълум қисми чўл областларига кўчирилди. Шунингдек, Республика аҳолини ишга жойлаштириш бюроси РСФСРнинг ноқоратупроқ вилоятлари ва Сибирь ўлкасида ишлаш учун тарғибот ишларини олиб бораётгани ҳам мазкур қарор ижро этилаётганидан далолат беради.

Лекин азалдан ўтроқ яшашга ўрганган, асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат бўлган республиканинг туб аҳолисини кўчириш усули ўзини оқлаяптими?

Омма турмушини фаровонлаштириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ишлаб чиқаришда иштирокини йўлга қўйиш борасида эътиборсизлик, демографик жараёнларни планлаштиришга юзаки ёндашиш натижасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўпайиш суратлари билан меҳнат ресурслари ўртасида катта фарқ вужудга келди. Оқибатда, шу кунларда ҳам республикамизда бир миллионга яқин меҳнатга қобилиятли кишилар ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилинмаяпти.

Айниқса, республикамиз ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсиб бораётганига бефарқ қараш чорва ва дон етиштиришга ихтисослашган районларда минглаб аҳолининг ишлаб чиқаришдан четда қолишига олиб келди. Маълумки, чўл зоналарида саноат кам ривожланган, чорва ва деҳқончиликка эса кўп ишчи кучи талаб қилинмайди.

Хўш, мавжуд муаммони ҳал этиш учун ортиқча ишчи кучини қаерларгадир кўчириш керакми?

Самарқанд вилоятидаги Советобод районида ҳам ишга яроқли «бекорчи»лар сони ортиб бораётган эди. Лекин мамлакатимиз миқёсида юз бераётган қайта қуриш шарофати билан фойдали меҳнат турлари кўпайиши, мавжуд вазиятни туб аҳолининг шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўрганишга очилган кенг йўл бу муаммони том маънода ҳал этиш имкониятини берди.

Биз советободликларнинг мазкур масала юзасидан амалга оширган тадбирлари билан қизиқдик. Район катта территорияга эга бўлиб, ўзининг қоракўл терилари билан машҳурдир. Қадимий Жом қишлоғидан ўтиб, район маркази Нуробод шаҳрига кираверишда бундан 3—4 йил аввал битилган «Бекорчидан ҳамма безор» деган шиорга кўзимиз тушди.

Жомликлар билан суҳбатлашганимиздан, вазиятни атрофлича ўрганганимиздан сўнг шиорнинг мазмуни кўпроқ аён бўлабошлади. Чунончи шу атрофдаги қишлоқларда 14 минг аҳоли истиқомат қилиб, шундан 2 мингдан ортиғи ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилмаган.

Улар иш сўраб совхоз, район идораларининг остонасини чуқур қилиб келаётган эди. 80 минг аҳоли яшайдиган бу районда ишсиз юрганларнинг сони 6222 нафарни ташкил этарди. 99 фоизи хотин-қизлар, жумладан 3870 нафари уч ва ундан кўп болали аёллардан иборат эди.

Шунингдек яна 2000 дан зиёд киши ноқулай бўлсада, бошқа шаҳар, районларга бориб ишлашарди.

Ҳаммамиз гувоҳ бўлган эскича — «қўл синса енг ичида» иш услуби ёки турмушимизни ифодаловчи баландпарвоз маълумотлар инсонни ҳам моддий, ҳам маънавий камситадиган ишсизликни яшириб келган эди. Энди жамиятимизда ошкораликнинг тантана қила боргани сари барча сохта иш услуби фош бўлиб, «Менга иш беринг» дегувчиларнинг овози қулоққа чалина бошлади.

* * *

Қир бағрида жойлашган Жом бозори эртаклардагидек гўзал. Сўриларга ёйилган турфа рангли гиламлар тўқувчиларнинг маҳоратини кўз-кўз қилиб турипти. Гўё бойчечак мисол, янгиланиш фасли — баҳор нафасини уфуради. Бозор гавжум. Сотувчи ҳам, харидор ҳам мол устида талашиб тортишади. Бозорга танда қўйиб олган бир гуруҳ олибсотарлар навбати билан гиламларнинг ҳаммасини харид қилишиб, юк машинасига юклашаётир. Гиламдўзлар улар айтган баҳога дарҳол рози бўлишади, савдолашишга юраклари бетламайди. Сабаби, бўёқни, гилам тўқиш учун зарур бўладиган бошқа хомашёларни шу чайқовчи-савдогарлардан олишади. Шунинг учун ҳам уларнинг айтганлари айтган, деганлари деган. Кўнмасалар бозорлари касод бўлади. Чайқовчилар эса хурсанд, ахир уларга ҳар бир гиламдан нақд 60 сўмдан мўмай даромад қолади...

Лекин бир куни бозорга кириб келишган район ижроия комитети раисининг ўринбосари, район план комиссиясининг раиси Исмат Ҳазратқулов бошчилигидаги матлубот ходимлари чайқовчилар ишининг белига тепишди.

— Оғайнилар, — деди Исмат ака баралла, — гиламларингизни айтган нархингизда биз сотиб оламиз. Чайқовчиларга сотманг! Агар ёрдамимиз керак бўлса, бемалол, бизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Сотувчилар иккиланиб қолишди. Гиламларни давлатга сотишса, кейин чайқовчи-савдогарлар бўёқ, арқоқ, ип бермай қўйишади. Ҳар қалай, орттирган 3—4 сўм пул рўзғорларининг камкўстига яраб турган бўлса...

Шунда гиламчилардан кимдир район вакилига қараб:

— Сизларга сотсак кейин ишимиз нима бўлади? Хом ашёни қаердан топамиз? Ахир тирикчилигимиз гилам тўқиш орқали ўтиб турибди, — деди.

— Кооператив тузамиз, зарур хом ашё билан ўзимиз таъминлаймиз. Ширкатга аъзо бўлсаларинг, даромадларинг кўпаяди, қолаверса иш стажи ёзилади,— деди Исмат ака астойдил уларни ишонтиришга ҳаракат қилиб.

Ўша куни кўпчилик иккиланса-да, ҳар қалай гиламларини давлатга сотишга рози бўлди... Чайқовчилар ҳам тинч туришмади, миш-мишлар тарқатишиб гиламдўзларнинг кўнглига ғулғула солишди. Улар: «Бу бир вақтинчалик иш, бошлашади-ю, кейин тўхтаб қолади. Ахир хабарларинг бор, 1982 йили Қарнобда ҳам гиламчилик цехи очишган эди. Бир йилга ҳам бормай иш тўхтаб қолди. Яхшиси «беминнат» хизматимиздан юз ўгирманглар», дейишди.

«Дарахтнинг бўш жойини қурт ейди», деб бежиз айтишмаган. Жамиятимизда ҳам қайси соҳага эътибор суст бўлса, ўша ерда турли хил ўпирилишлар, ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзага келади. Жом қишлоғида ҳам шундай бўлди. Аҳолининг жадал кўпайиши натижасида 2 мингдан ортиқ хотин-қизни иш билан таъминлашнинг иложи бўлмай қолди. Юзага келган вазиятдан чайқовчи-савдогарлар тўдаси усталик билан фойдаландилар. Улар марказий шаҳарлардан бўёқ, арқоқ ва ипларни ноқонуний йўллар билан олиб келишиб, қиммат нархда пуллардилар ва тўқилажак гиламларни ўзлари сотиб олишни таъкидлаб кетишарди. Чайқовчилар борган сайин кўпроқ кишиларни ўзларига «қарам» қила бошладилар. Улар 30 киши атрофида бўлиб, бир ойда бемалол 70—80 минг сўм фойда қила олардилар. «Кўза синдирган азизу сув келтирган хор-зор», деганларидек. Гилам тўқиганлар эса битта гиламдан атиги 25—38 сўм фойда қилишарди. Бошқа чоралари ҳам йўқ эди-да, шу арзимас пулга ҳам рози бўлишарди. Жом бозоридаги тўқнашув чайқовчи-савдогарларнинг фаолиятига биринчи марта кескин зарба берди.

* * *

Ҳазратқулов ваъдасига биноан, эртасига жомлик хотин-қизлар билан қишлоқ Совети биносида йиғин ўтказди. Қишлоқда ишламаётган қанча аёл борлигини, қанчаси гилам тўқий олишини суриштирди. Ишсизларни ишга жалб этиб, Жом гиламчилик кооперативини тузсак, деган фикрни ўртага ташлади.

Кўпчилик ташаббусни қўллаб-қувватлади. Аммо рўйхатга олиш бошланганда янги кооперативга ўн аёлни номи қайд этилди холос. Сабаб илгари ҳам шундай ҳаракатлар бўлиб, кооперативчилар хом ашё тополмай дўконларини ёпишга мажбур бўлишган эди.

Янги кооператив аъзолари ишга дадил ёндашдилар. Энг аввало хом ашё топиш муаммосини ҳал қилиш зарур эди. Мутасаддилар шу мақсадда турли шаҳарларга йўл олишди. Арқоқ ипини Қашқадарёдаги магазинлардан олиб келишди. Бир неча марта бўлган мунозаралардан кейин Тошкентдаги «Каноп» заводи йигирилган ип беришга рози бўлди. Бўёқларни эса марказий шаҳарлардан топишди.

Жомнинг «холли», «қаттиқ», «жулқурс», «чироқпоя», «бешкент» гиламлари азалдан харидоргир. Шунинг учун кооперативнинг маҳсулотларига талаб ошиб, ишлар юришиб кетди. Гиламдўзлар кооперативига аъзо бўлиш истагини билдирувчилар кун сайин кўпая бошлади. Ўтган 1988 йилнинг охирига келиб, уларнинг сони 1050 кишига етди. Шундан 973 нафари гилам тўқувчи бўлиб, уларнинг 900 нафари кўп болали оналардир. 73 эркак эса ташкилий ишлар — хом ашё келтириш, тўқилган гиламларни савдога чиқариш билан шуғулланишади.

Биринчи йилнинг ўзидаёқ кооператив аъзоларининг ўртача ойлик даромади 120—130 сўмни ташкил этди. Энг асосийси уларнинг меҳнати иш стажига ўтиб, ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш имконига эга бўлдилар. Масалан, ўтган йили нафақа ва касаллик варақаси учун кооператив 45,5 минг сўм пул сарфлади.

Жом гиламчилик кооперативи бир йилда 1 миллион 18 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. 100 минг сўмдан ошиқ пул аъзоларга маош сифатида тарқатилди. Олинган соф фойдадан 61277 сўми ширкатнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга ва илғорларни мукофотлашга сарфланди.

— Ҳали кооператив фаолиятини янада кенгайтиришимиз керак. Чунки Жом қишлоқ Совети территориясида 500 дан ошиқ фойдали ишга жалб қилинмаган ишга яроқли аёллар бор. Бу йил уларни ўз сафимизга қўшамиз, — дейди кооператив раиси Холли Тожиев, — олинаётган фойда ҳисобига, аъзоларимизнинг фарзандлари учун боғча-ясли қурамиз, маданий турмушимизни яхшилашга сарфлаймиз.

Агар районда болаларни боғча билан таъминлаш 22 процентни ташкил этишини ҳисобга олсак, кооперативнинг бу программаси ниҳоятда таҳсинга лойиқ. Умуман, кооператив жомликларнинг кўпгина орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Энг асосийси уларни ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланишга имкон яратиб берди.

У ерда бўлганимизда гиламдўз Турсуной опа Ҳусанованинг қарилик пенсиясига кузатишаётган экан. Кооперативнинг биринчи пенсионери

ўзининг миннатдорчилик сўзларини шундай ифода этди:

— Мен, 50-йиллар колхозда ишлаган эдим. Кейинчалик қишлоғимизда аёлларга мос иш топилмай, уйда ўтириб қолдим. Бахтимга кооператив тузилиб, бир йил ишлаб пенсияга чиқиш учун талаб қилинадиган иш стажини орттирдим. Мана энди мен ҳам пенсия оламан.

* * *

Биз ўтган йили Шаҳрисабзда бўлиб, район ижроия комитетини ишга жойлаштириш ва меҳнат бўлимининг мудири Х. Бобоқуловдан район бўйича меҳнатга қобилиятли хотин-қизлардан қанчаси ишламаслигини сўраганимизда, у: «Районимиз бўйича 483 хотин-қиз ишламайди», деб жавоб берган эди. Шундан сўнг райондаги Мироқи посёлкасида 814 аёл меҳнат ресурслари йўқлиги туфайли ижтимоий фаолиятга қатнашмаётганлигини аниқладик. Ҳатто посёлкада иш билан таъминлашнинг энг қулай-меҳнатнинг касаначилик тури ҳам яхши йўлга қўйилмаган экан. Ахир битта посёлкада шунча аёл ишсиз бўлса... районда бундайлар қанча экан?!

Умуман жумҳуриятимиз қишлоқларида кўп болали аёллар салмоқдор рақамни ташкил этишга эътибор берсак, уларни ишга жалб этишда меҳнатнинг касаначилик туридан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашимиз керак. Афсуски, бу соҳа ҳам талабга жавоб бермас даражада ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Республикада атиги 20 минг аёл касаначилик билан шуғулланади. Ҳолбуки 200 мингга яқин хотин-қиз уйида меҳнат қилиш қобилиятига эга. Шу ўринда Шаҳрисабз райони раҳбарлари ҳақиқий аҳволни хаспўшлаш ўрнига советободликлардан ўрнак олишса ёмон бўлмасди. Чунки илгари Советободда ҳам аҳвол худди шундай эди. Лекин имкон қидиришди, изланишди. Четдан мадад кутиб, қўл қовуштириб ўтиришмади.

Жомликлар-ку азалдан гиламчилик билан шуғулланишади. Қолган қишлоқларда ҳам минг-минглаб аёллар ишсиз. Уларни иш билан таъминлаш — ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериш керак. Меҳнат ресурслари эса чекланган. Нима қилиш керак?

Район раҳбарлари, айниқса район план комиссиясининг раиси И. Ҳазратқуловнинг ташаббуси билан имкониятлар қидирила бошланди. Исмат ака ҳар бир қишлоқда ишсизларни рўйхатга олди. Имконият-чи? Райондаги «Узбекистон 40 йиллиги» совхозида ангор эчкилари боқилади. Улардан олинадиган 3 тонна тивит Россия шаҳарларига хом-ашё сифатида жўнатиларди. Хўш, агар ўша тивит совхознинг ўзида қайта ишланса, янги меҳнат имкониятлари вужудга келмайдими? Қолаверса совхозга қўшимча фойда. Шу фикрлар хаёлидан ўтган Исмат Ҳазратқулов совхозда тивит цехи очишга қатъий бел боғлади. Лекин иш қийин кечди. Цех учун дастгоҳ қидириб, бормаган шаҳри, учрамаган идораси қолмади. Дастгоҳларни тополмай, бу ишдан қўл силташига бир баҳя қолганди. Тошкентдаги бир бозордан битта дастгоҳ, 2—3 та тароқ топишга муяссар бўлди. Лекин бутун бир цех очиш учун бу ҳеч нарса бўлмайди. Шунда у райондаги иқтидорли инженерларни чақириб, олиб келган дастгоҳларни кўрсатиб: «Шунақа, дастгоҳни ясаб беринглар», деб илтимос қилди. Буни қарангки, инженерлар ҳам бало экан, ясаб беришди.

Совхоз идорасининг бир қисми янги цех учун ажратилиб, дастгоҳлар ўрнатилди. Энди қишлоқ аёлларига янги касбни ўргатишга уста-мураббий керак. И. Ҳазратқулов яна Тошкентга келди. Сўраб-суриштириб, моҳир бир устани топди. Уни хотин-қизларга иш ўргатиш учун совхозга уч ой бориб ишлашга зўрға кўндирди.

Цехга совхоздаги меҳнатга лаёқатли, лекин ишламаётган 130 хотин-қиз жалб этилди. Улар ишга чанқоқ эмасмилар, тезда янги касбни ўзлаштириб олдилар. Янги цехда тўрт хил тивит рўмол тайёрланадиган бўлди. Энди улар тўқиётган тивит рўмолларга турли шаҳарлардан буюртмалар туша бошлади. Ҳозирча республикамизда ягона бўлган бу тивит рўмоллар тайёрлайдиган цех, ўтган йили 65 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу йил буюртмаларнинг кўплиги эътиборга олиниб, харидорларга 260 минг сўмлик ана шундай рўмол ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бунинг учун ишчилар сони цехда 500 кишига етказилди. Айниқса кўп болали оналардан Довуш Раҳмонова, Муаззам Искандарова, Муҳаббат Ҳамроева ва бошқалар оиласига моддий кўмак бераётганидан, коллективга, қизғин ҳаёт жараёнига келиб қўшилганларидан қувончи чексиз.

Шунингдек, районда хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун жойларда маҳаллий саноат корхоналарининг филиаллари ташкил қилинаётир ва шу билан бирга хотин-қизларни уй-рўзғор ишларидан ажралмаган ҳолда ишлашлари учун шароитлар яратилмоқда. Аҳолиси кўп бўлган Жом, Сариқкўл, Сазағон қишлоқларида ва «Каттақўрғон» совхозида Самарқанддаги касаначилик фабрикасининг филиаллари очилиб, 340га яқин хотин-қиз иш билан таъминланди. Лекин ҳали бу ишга райондаги «Ленинчи чорвадор», «Узбекистон ССР 50 йиллиги», «Улус» ва «Москва» совхозлари раҳбарлари, партия ташкилоти секретарлари ана шундай филиал очиш, аҳолини ишга жойлаштириш билан етарли шуғулланмаётирлар.

Кўриниб турибдики, оз бўлса-да ижобий ўзгаришлар бор. Уларга ҳеч ким четдан келиб, шароит яратиб бермади. Балки ўзлари изландилар, имкон қидирдилар. Ахир «Изланганга толе ёр», деб бежиз айтишмаган.

* * *

Республикамизда пахтанинг ҳукмрон бўлиб туриши озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга кескин таъсир қилди. Натижада республика аҳолиси мамлакат бўйича солиштирганда гўштни 5—6, сут маҳсулотларини 2—3, тухумни 3,5, картошкани 4,7 баробар кам истеъмол қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу нохуш статистика ўз-ўзидан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни даврнинг долзарб муаммоси даражасига кўтарди.

СССРда кооперация тўғрисидаги Қонун кучга киргандан кейин иш ўринлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришда қисман имконият ва резервлар юзага келди. Советободда кооперативлар ишини жонлантириш орқали мавжуд муаммоларни ҳал этишга жадал киришилди. Шу мақсадда ҳозирги кунда районда тузилган 68 та кооператив фаолият кўрсатаётир. Кооперативларнинг 42 таси район агросаноат бирлашмасида, 15 таси район матлубот жамияти базасида, 5 таси аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонаси қошида ташкил этилган. Ўтган йили кооперативлар 1 миллион 492 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқиб, аҳолига сотдилар. Давлат бюджетига фақат даромад солиғи ҳисобидан 17 минг сўм маблағ тушди. Район бўйича кооперативларга 1597 киши ишга жалб этилди. Шундан 112 таси кўп болали она ва хотин-қизлардир. Айниқса райондаги чорвачилик кооперативларидан «Зарбдор», «Авангард», «Чорвадор», «Қоракўл» ва бошқа кооперативлар аҳолини гўшт билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшдилар. Улар 78 тонна гўшт, 7,2 тонна сут етиштирдилар. Ҳозирги вақтда райондаги чорвачилик кооперативларида 356 бош қорамол, 4548 бош қўй ва эчки бор. Уларнинг бир йиллик умумий маҳсулот ишлаб чиқариш плани 2614 минг сўмни ташкил этади.

Аҳолининг шахсий хўжаликларида ишлаб чиқиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини давлатга топшириш орқали моддий манфаат кўриши ҳам сезиларли даражада ошди. Масалан, ўтган йили район бўйича етиштирилган 4180 тонна гўштни 178 тоннаси, 3664 тонна сутнинг 54 тоннаси шахсий хўжалик ҳисобига тўғри келди. Одамлардан сотиб олинган гўштнинг таннархи 1 тоннаси 192 сўмга, сутники 30 сўмга тушди. Мисол учун, «Каттақўрғон» совхозининг ишчиси Бозор Ўринов 1488 килограмм, Ўктам Қўчқоров 326 килограмм, «Улус» совхозидан эса Ўрол Назаров ва Жовли Бердиевлар 2 тоннадан гўшт топширишди.

Хўш нима учун районнинг давлатга гўшт топшириш планида шахсий секторнинг роли ошди?

Аввало аҳолидан гўшт ва сут қабул қилиш, аҳолининг шахсий молларини ем-хашак билан таъминлаш яхши йўлга қўйилди.

Ишни тўғри ташкил этиш, маъмурий буйруқбозликка чек қўйиб, мавжуд шароит билан ҳисоблашган ҳолда иш олиб бориш яхши самаралар бераётир. Сарфланган ҳар бир сўм халқ манфаатига хизмат қилиб, давлат бюджетига фойда келтираётир. Чунки ҳисобини билган... ҳамёнидан айрилмайди. Республикада аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам ўткир муаммолардан бири бўлиб қолаётир. Бу масалада амалга оширилаётган тадбирларни қўллаб-қувватлаш керак. Ҳали районда ҳал этилиши лозим бўлган катта социал, маданий ва маиший масалалар бор. Меҳнат ресурсларини излаб топиш, яна 4000 га яқин аҳолини ишга жалб этиш масаласига республика министрликлари — Ўзбекистон ССР Енгил саноат, маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат министрликлари, Республика Давлат таъминотининг кўмаги зарур. Фақат уларнинг ёрдами билан зарур ускуналар, хом ашё, бинолар ажратиш мумкин. Афсуски бу министрликлардаги мутасадди раҳбарларнинг масалага бефарқлиги туфайли район раҳбарларининг бир неча марта қилинган мурожаати натижасиз қолди.

Республикамизнинг Шаҳрисабз, Ургут, Ғаллаорол, Фориш районларида ва Фарғона областларида ҳам аҳолини ишга жалб этиш қониқарсиз аҳволда. Ҳозир республикамизда етиштирилаётган пахтанинг 92 фоизи Ўзбекистондан четда ишланади. Агар пахтанинг кўпроқ қисми республиканинг ўзида қайта ишланса мавжуд муаммолар тезроқ ҳал этилмасмиди.

Ҳар ҳолда, мавжуд муаммоларни ҳал этишдан, бош қотиришдан кўра идораларга иш сўраб мурожаат қилганларга: «Хоҳласангиз Россиянинг фалон, фалон шаҳарларида фалондай иш бор, борасизми?» дейиш осонроқ-да!

Абдураззоқ КАРИМОВ,
«Гулистон» журналининг махсус мухбири



Советободликлар тажрибаси ҳамма ерда қўлланса эди... (Тошкент. Мардикор бозори.)

А. Кудряшов фотоси

МУСАФФО ҲАЁТ КУЙЧИСИ

Маҳмуд АҲМЕДОВ

Сибирда туғилиб ўсган Михаил Иванович Курзин республикамизга истиқомат қилиш учун келган маҳалида санъат сирларини яхшигина эгаллаган рассом эди. У бу ерда ўз ижоди учун хилма-хил мавзулар топа билди. Чунончи, халқимизнинг меҳмондўстлиги, сахийлиги, меҳнатсеварлиги, дўстларга садоқати, бой маданияти-ю урф-одатлари мафтуни бўлди. Дастлаб Бухоро, Самарқанд, Хева, сўнгроқ Тошкент каби шаҳарларда яшади, театрлаштирилган томошаларда безакчи-рассом сифатида иштирок этди. Ижодкор нигоҳи билан кўрган-билганларини оддий қаламда, тушь, акварель ва мойбўёқда чизиб, манзара, портрет, натюрморт сингари каттакичик жанрларда асарлар яратди.

М. И. Курзин кўпроқ натурага қараб чизишни ёқтирарди, хаёлий, ўйлаб топилган тасвирларни хуш кўрмасди, ижод услуби ўта ростгўйлиги билан айрим ҳамкасбларининкидан фарқ қиларди. Ҳажман йирик асарлари жуда кам, чизганлари кўпроқ ихчам расмлардан иборат бўлса-да, 1930 йили Тошкентда очилган биринчи кўргазмасидаёқ санъат мухлислари эътиборини ўзига тортди.

Туркистонга Октябрь инқилоби ғалабасидан сўнг — 20-йилларда келди. У дастлабки пайтларданоқ халқ турмушини ҳаққоний акс эттиришга уринди. Ижод қилиш билан бир қаторда Тошкент бадиий билим юрти талабаларига рассомликдан дарс берди.

—1937 йил эди, — деб эслайди рассом Ф. Ф. Шевников. — Устоз Михаил Иванович синфда ўқувчиларга дарс ўтаётган пайтида эшик очилиб, кимдир чақирди. Шундан кейин у қайтиб синфга кирмади, мактабда ҳам кўринмай қолди. Фақат бир йилдан сўнг биз унинг «қайси айби биландир сургун қилингани»ни эшитдик...

Ўзбекистонда рассомнинг шогирдлари кўп эди. Таниқли рассом Зокир Иноғомов унинг ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— 1929 йили Шайхонтоҳурга Ҳамза Ҳакимзода келиб, театрлаштирилган санъат байрамини ўтказишга бошчилик қилганда Михаил Курзин унинг топшириқларини бажариб, қўғирчоқлар ёрдамида ажойиб декорация яратиб, санъат мухлисларини, шу жумладан мени ҳам лол қолдирганди. Шунгача рассом бўлиш менинг хаёлимда ҳам йўқ эди. Аммо мана шу томошадан кейин менда кўрганларимни чизишга иштиёқ кучайиб, мўйқалам доимий ҳамроҳим бўлиб қолди.

Кекса мўйқалам соҳиблари — профессор Чингиз Аҳмаров, Самиғ Абдуллаев, Валентин Фадеев, Ҳикмат Раҳмонов ва бошқалар Михаил Курзиннинг ниҳоятда софдил рассом бўлганлиги, ижодининг халқ ҳаётига яқинлиги ҳақида тўлиб-тошиб гапирадилар.

Бу йил Михаил Иванович Курзин туғилганига юз йил тўлади. Асарлари ҳаётийлигидан бўлса керак, махсус бадиий фондда эмас, у қаерда ижод қилган бўлса, ўша жойда ташкил этилган музейларда сақланиб қолган. Ўзбекистон ССР Давлат Санъат музейида эса рассомнинг мойбўёқда ишланган асарлари кўп йилдан бери республика тасвирий санъати бўлими залларидан бирида намойиш этилиб келинади.

Болалигим қишлоқда ўтганиданми, 1970 йили шу музейга келганимда рассомнинг 1933 йилда ниҳоясига етказилган «Колхозчилар рақси» номли полотноси мени қаттиқ ҳаяжонга солган эди. Шундан буён бу полотнони минг бора томоша қилган бўлсам керак, лекин барибир томоша қилиб, кўзим тўймайди. Бунинг сири мўйқалам устасининг ўзбек халқи ҳаётини чуқур ўрганганлигида бўлса керак. Полотнода деҳқоннинг колхоз тузумидан мамнунлиги акс этган. Катта-кичик, кексаю ёш — ҳаммаларнинг юзида нур порлайди.

«Нонлар», «Мевалар» деб номланган натюрмортларида ҳам рассомнинг ўзига хос услубини сезиш мумкин. Қирмизи, жигарранг, зарҳал бўёқлар республикамиз табиатининг тимсоли бўлиб жилваланади. Натюрморт санъатида деҳқон ва соҳибкорлар меҳнати, нафис буюмлар улуғланади.

Музей томошабинлари яқин-яқинларгача М. И. Курзиннинг юқорида номлари келтирилган асарларинигина билишарди, холос... Музейнинг совет санъати бўлими илмий ходимлари анча вақтдан буён Курзин асарларини излаб, Бухоро, Хева, Самарқанд, Тошкент, Қорақалпоғистон АССР ва бошқа музейлар фондидан топишга муваффақ бўлишди. Рассом қолдирган мерос икки юзга яқинлиги аниқланди. Тасвирлар тартибга солиниб, ҳажмларига яраша рамкаларга ўрнатилди.

Ниҳоят, санъат музейида Михаил Курзин туғилганига юз йил тўлиши муносабати билан очилган кўргазма санъат мухлисларинигина эмас, санъаткорнинг ҳамкасблари, таниш-билишларини ҳам хурсанд этди. Кўргазмага қўйилган рассом асарлари ва фотосуратлари М. И. Курзиннинг санъатдаги ҳаёти, таржимаи ҳоли, қандай инсон бўлганлиги ҳақида тасаввур беради. Унинг фотосуратлари, автопортретларида жиддийлик билан бирга изтиробли қарашларини сезамиз. Яхши кайфият ўрнини кўпинча ўйчанлик, маъюслик ишғол этади.

...Мана, рассомнинг мойбўёқда яратилган «Илғор колхозчи Аҳмад Ражаб» портретини кўрайлик. Рассом 30-йилларда йиллик даромади ўн бир минг сўмга етган колхозчининг бир пиёла чой устида ширин ўй-орзулар оғушига чўмган лаҳзаларини аниқ оча билган. 1936 йилда яратилган «Ўзбек», «Мўйсафид», «Танқидчи Р. Конский», «Композитор Успенский» каби портрет асарлари ҳам ана шундай диққатга сазовордир.

М. Курзин 20-30-йилларда тасвирлаган «Окоп», «Ҳарбий киши», «Икки эшакли», «Капитал», «Актив кишининг ўлдирилиши» каби график характерга эга бўлган расмларда халқнинг машаққатли ҳаёти сира бўрттирилмай ифодаланган.

Тасвир устаси оддий меҳнаткаш халқ турмушини кузатаркан, ёзувчи Садриддин Айнийнинг «Камбағалнинг бозордаги ҳаёти» асари ғоявий мазмуни асосида ўнлаб расмлар чизади. Ёзувчи Октябрь инқилобидан олдинги авом халқнинг аянчли турмушини ёритган бўлса, рассом ўзи яшаб турган даврдаги халқнинг советлар замонида ҳам тузукроқ яшай олмаётганини тасвирлашга ҳаракат қилган.

М. Курзин Тошкентда яшаган пайтида ҳозирги Театр майдони ўрнида бўлган «Кайфи-сафо» бозори олдидан ўтаркан, руҳан қисилади. Бу ердаги маст-аласт одамларнинг турли ҳаракатларини кўриб, шу бозор ҳақидаги ҳажвий асарини яратади. Тасвирда ичиш, чекишга берилганларнинг телбанамо ҳаракатлари яққол кўзга ташланади. Рассомнинг бошқа асарлари каби бу расм ҳам худди шу кунги мавзудек ишланганки, у ярим асрдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай эскирмасдан, ҳозиржавоблиги билан томошабинни ўйлашга мажбур этади. Айнан шу асарини Михаил Иванович Курзин Сталин репрессиясига учраган бир вақтда қиёмига етказган эди.

Рассом ижодида халқ усталари портретлари, улар иштирокида қад кўтарган тарихий, асрий меъморчиликнинг ҳаққоний, кам-кўстсиз ифодасини кўриб, беҳад хурсанд бўламиз. Бу тасвирлар шунчаки эрмак учун яратилган эмас.

Кўргазма хоналаридан муносиб ўрин олиб турган экспонатлар орасида рассомнинг Бухоро шаҳри кўчаларидан бирида тушган сурати ҳам бор. Унинг елкасида осма сумка, нигоҳи қадимий биноларда. Рассом хаёл оғушида турибди. Маълумотларга кўра, Бухорода бир юз ўттизга яқин кўҳна жойлар бор экан. М. Курзин тасвиридаги Бухоро туркумига кирган асарлардан «Кулол», «Хум олдида», «Ганчкор», «Кандакор», «Еғоч ўймакори», «Тўқувчи», «Рассом», «Заргар», «Каштачи», «Наққош» каби халқ усталари сиймолари акс этган расмлар бир-биридан мароқли. Рассом асарларида элликка яқин ҳозирча қайта тикланмаган, кўплари харобага айланган обидалар ҳолати кўрсатилиб, уларнинг бундан буён ҳам бешикаст сақланиб қолишига даъват этилади.

Рассом М. И. Курзин умрининг сўнгги йиллари яна Тошкентда яшади.

Санъат музейининг «Таассуротлар дафтари»ни аста варақлаб, санъат мухлисларининг рассом ҳақида ёзган фикрларидан бирини ўқийман: «Михаил Курзин кўргазмаси очилганидан фахрланамиз. У — қобилиятини ишга солиб нафосат оламига дадил кириб келган санъаткор. Ижодида одамийлик, покизалик, ҳақиқат ўз ифодасини топган».



НИКОҲ КЕЧИКТИРИЛДИ

Ҳинд қизлари неча ёшда келин бўладилар? Бу саволнинг жавоби қуйидагича: Яқин-яқинларгача ҳам уларнинг 13-14 ёшга етгач оила қуришлари одатдаги ҳол ҳисобланарди ва бу нарса ҳеч кимни ажаблантирмасди. Энди ҳукумат томонидан қизларнинг турмушга чиқиши 18 ёшдан деб белгиланди. Аммо жадал тараққий этаётган Ҳиндистоннинг нуфузли оммаси доирасида қизларнинг 25 ёшдан сўнг турмуш қуриши мақсадга мувофиқ, деб қаралмоқда. Бу даврга улар зарур бўлган касб ва ҳунарларни ўрганиб, турмуш кечиришга тайёрланадилар. Акс ҳолда улар оила, бола-чақа ташвиши билан банд бўлиб, маънавий эҳтиёжларини қондиролмай ҳаёт кечиришга маҳкум бўлишлари мумкин.



РЕГИСТОНДА НАМОЙИШ.

МИХАИЛ КУРЗИН АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР




ПАЛОВ — ЎЗБЕКНИНГ СЕВИМЛИ ТАОМИ.

ОЛИМ ХЎЖАЕВ АЛИШЕР НАВОИЙ РОЛИДА.



ҚАЙИН ФОЖИАСИ.







ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БАДАЙТЎҒАЙ ҚЎРИҚХОНАСИ МАНЗАРАЛАРИ

Беруний районидаги қўриқхона ходими Тўхтамурод Элмуродов.

А. Губенко фотолари





Муслим ИЎЛДОШЕВ, Севара ТУРСУНОВА.



Эрталабки «Ассалому-алайкум» кўрсатуви иштирокчилари — А. Саидов, М. Йўлдошев, Н. Раҳимов, Р. Соатов, С. Турсунова машқ пайтида.

Адабий-драматик кўрсатувлар редакцияси ходимлари — Т. Ҳамидов (чапдан ўнгга), Г. Убайдуллаев, Ҳ. Алиев, Ҳ. Афзалов, Ҳ. Расул, Э. Раимов эфирга чиқиш олдидан ўзаро суҳбатда.

В. Жирнов фотолари



ТЕЛЕВИДЕНИЕДА БИР КУН...

— Саидахон, ҳув Саидахон, эшитдингизми, Юсуф тоға «дилҳузур» олган эмиш... У кўрсатган ажойиботларни айтсам, ёқангизни ушлайсиз. Ўзиям дунёнинг у четида бўлаётган воқеаларни ёнгинангизга олиб келиб кўрсаткан. Тавба, одамзотдан авлиё чиққани шу бўлса керак-да, укамулло?!

Катта гулдор рўмолини бошига елвагай ташлагунча ҳовлимизга кириб келган қўшнимиз «қудуқли буви»нинг топган янгилиги бир зумда Кунчиқар маҳалласига тарқалди. Бу «мўъжиза»ни ўз кўзимиз билан кўриш учун Юсуф тоғаникига ташриф буюрганимизда ҳовли биз каби иштиёқмандлар билан тўлган экан... Ёшу қари гиламга чўккалаганча баланд чорпоя устидаги «ойнали қути»га нигоҳларини қадашган. Бир пайт ойнаижаҳон ёришиб,аёлнинг сиймоси кўринди. Кейин билсак, ўша кўҳликкина жувон ўзимизнинг Насиба Қамбарова экан. Ўшанда ўтирганлар ойнаижаҳонда кечаётган воқеа тафсилотидан ҳам кўпроқ бу «мўъжиза»нинг нима билан якунланишига қизиқиб оғизлари очилиб қолишган эди.

Мана ўша воқеага ҳам салкам ўттиз йил бўлибди. Бутун дунёга довруғи кетган «ойнаижаҳон»нинг ватани — Тошкент — Ўзбекистон эканлигидан бехабар гўдак эдик унда.

Бугун эса ўшанда бир маҳалла аҳлини Юсуф тоғаникига тўплаган «сирли сандиқ» ҳар бир хонадонда бор. Эрта тонгдан телевизор қулоғини бурасангиз, хоҳлаган кўрсатувингизни томоша қиласиз: кино дейсизми, концертми, дунё воқеаларидан тортиб, денгиз ҳайвонотларининг сирли оламигача хабардор бўласиз. Бугунги телевидение имконияти ниҳоятда кенг.

Телетомошабинларда ўз-ўзидан шундай савол туғилиши табиий. Хўш, бизга шу қадар турли-туман кўрсатувларни тақдим этаётган фидойилар, мўъжиза усталари кимлар?

Пойтахтимизнинг машҳур Алишер Навоий кўчасининг 69-биносидамиз. «Музикали кўрсатувлар Бош редакция»сида «Янги овозлар синови» — бадиий кенгаш йиғилиши давом этяпти. Танаффус пайтида бош редактор Ўрол Ўтаев билан суҳбатлашдик.

— Телевидениеда ишлаш осон десам, нотўғри бўлар... Чунки битта кўрсатув то эфирга чиққунча бир нечта босқичдан ўтиши керак: дастлаб муҳаррир сценарий тайёрлайди; сўнг режиссёр саҳна танлайди. Кейин машқ, ниҳоят — кўрсатув эфирга чиқади.

Телевидение журналисти ўта сезгир ва ҳозиржавоб бўлиши зарур. Бундай талабга жавоб берувчи ходимлар бизда талайгина. Яъни Анвара Отамуродова, Фаттоҳ Ҳотамов, Дилбар Зиёдова, Бахтиёр Муҳаммадиев, Норхўроз Раҳимов ва Ҳабибулло Абдуллаевнинг номини кўнгил тўлиб тилга олиш мумкин. Улар тайёрлаётган «Ассалому алайкум», «Аёл қалби наволари», «Дам олиш концерти», «Барҳаёт наволар», «Санъат усталари» каби кўрсатувларнинг мухлислари тобора кўпайиб бораяпти. Бундан ташқари бўлим қошида ташкил этилган бадиий кенгаш ҳам, программаларимизни янги номерлар билан бойитиш, ранг-баранг янги номларни кашф қилишда жуда катта ёрдам бераяпти. Бу ишда катта тажрибага эга бўлган, моҳир санъат арбоблари, танқидчилар, адабиётчиларнинг кўмаги беқиёс бўлмоқда.

Телевидениени омма билан боғлаб туришда яратилаётган янги бадиий ва халқимизнинг маънавий мулки бўлиб қолган дурдона асарларни саҳналаштиришда уларни одамлар қалбига чуқурроқ сингиришда, тарғиб-ташвиқ қилишда адабий-драматик кўрсатувлар Бош редакцияси коллективининг хизмати ҳам катта эканлигини таъкидлаш керак.

— Бугунги томошабиннинг диди ҳам, савияси ҳам жуда юксак. Уларга маъқул бўладиган программалар тайёрлаш учун тележурналистларимиз жуда ҳам топқир бўлишлари керак,— дейди редакциянинг бош муҳаррири Эргаш Раимов.— Янги ташкил этилган «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» номли программамиз ҳам байналминал ғоялар билан йўғрилган. «Телекулкоп»имизни ҳам мухлислар яхши кутиб олдилар. Редакцияга йўлланган мактубларнинг 80 фоизида ана шу кўрсатувни сабрсизлик билан кутаётганларини ёзишади.

Ҳаракатчан тадбиркор муҳаррирларимиз Нормурод Норқобилов, Эшқобил Шукуров, Асқар Холиқов ва Мақсуд Юнусов сингари режиссёрларнинг хизмати катта бўлаяпти.

Кино редакцияда муҳаррир Тоҳир Дўстмуҳамедов ва режиссёр Неъзия Люмановалар «Оламга саёҳат» тележурналини эфирга тайёрлашаётган экан. Бош муҳаррир Фарид Рашидов бизни коллектив фаолияти билан таништирди.

— Менимча, кинони севмаган одам бўлмаса керак,— дейди у. — «Оламга саёҳат», «Ретро», «Экранда биринчи марта», «Кино, кино, кино!» «Сиз севган қаҳрамонлар», «Эртага премьера» каби ранг-баранг кўрсатувларимиз мухлисларимизга яхши таниш. Ҳозир коллективимиз ана шу тележурналларни мазмунан бойитиш учун тер тўкмоқдалар.

Ўзбекистон телевидениесининг ёзув студиялари ёнидан ўтиб бораётиб «Байрам программаси»га тайёргарлик кетаётган жойдан чиқиб қолдик.

Насиба Қамбарова, Ўктам Жобиров, Насиба Мақсудова, Севара Турсунова, Мавлуда Сафарова, Галина Мельникова, Алишер Бадалов, Дилором Юсупова, Дилором Умарова каби дилбар дикторлар эътиборимизни тортди. Уларнинг санъаткорона қироатлари,байрам ифори анқиб турган сўз оҳанглари кузатувчи руҳида бир кўтаринкилик ва масрурлик уйғотади.

— Ҳаяжонланган пайтларингиз ҳам бўлганми? — сўраймиз улардан.

— Албатта, ҳар гал гўё биринчи марта экранга чиқаётгандай сезаман ўзимни,— дейди катта диктор Раъно Жўраева.

— Менимча, ҳаяжонсиз экранга чиқиш дикторга ҳам, томошабинга ҳам ҳеч нарса бермайди,— ҳамкасбининг фикрини давом эттирди Фарҳод Бобожонов.

«Ёшлик» редакциясида бўлганимизда ҳам қизғин ижодий мусоҳаба устидан чиқиб қолдик. «Одамлар ва тақдирлар», «Қувноқлар ва зукколар», «Иқбол», «Сенинг тақдиринг» каби ранг-баранг кўрсатувларни ана шу навқирон коллектив эфирга тайёрлайди.

— Томошабинни ўз таъсирига ололмаган кўрсатувларга мактуб келмайди, — дейди Бош муҳаррир Турсунбой Ботирбеков.— Мактублар эса коллективимиз учун жон озиғи.

Ўзбекистон ССР Радио ва телевидение Давлат комитети раисининг ўринбосари Элбек Мусаев кунлик юмушлар билан банд бўлишига қарамай, ундан «дилҳузур» жонкуярлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб беришни илтимос қилдик.

— Кўпинча, Ўзбекистон телевидениеси ҳам Москва телевидениеси ижодкорлари каби кўрсатувлар тайёрласа бўлмайдими, деган фикрларни эшитиб қоламан. Эътирозларда жон бор. Аммо бизнинг халқимиз анчайин тортинчоқлиги сир эмас. Телевидениеда эса бу ҳол ўзини оқламайди. Кўрсатувларга таклиф қилинган кўпчилик, ўзларини эркин тута олмайдилар, фикрларини баён этишга қийналадилар. Иштирокчиларнинг ҳаммаси ҳам саҳнани «ўзиники» қилиб ололмайди.

Шунингдек, республика телевидениесининг моддий техника базаси анча ночор. Суратга олинган ленталарни қайта ишлашда, программаларни тайёрлашда, ўз вақтида экранга чиқаришда кўпгина қийинчиликлар мавжуд. Сабаби транспорт, монтаж, суратга олиш аппаратлари етишмайди. Янги замонавий аппаратуралар тақчил. Масалан, япон аппаратлари бизда атиги тўрттагина.

Шунга қарамай редакторларимиз, режиссёр ва операторларимиз программалар ранг-баранглигига, жонли ва таъсирчан бўлишига эришмоқдалар. Яқинда ташкил этилган «Ҳамшаҳарлар», «Мулоқот», «Одамлар ва тақдирлар» каби кўрсатувлар шулар жумласидандир.

Шу ўринда журналистлардан Дадахон Еқубов, Анвар Рашидов, Нигора Алимбоевалар, моҳир режиссёрлардан Қўзивой Ҳакимов, Каромат Гайбердиева, Ҳайбатилла Алиевларнинг номини мамнуният билан тилга олишни истардим.

Санобар ФАХРИДДИНОВА,
«Саодат» журнали ходими

Босилган материалларимиз изидан

ҚОТИЛНИНГ ҲИМОЯЧИСИ КИМ

Журналимизнинг ўтган йилги 10-сонида «Қотилнинг ҳимоячиси ким?» сарлавҳали мақола босилган эди. Унда Жиззах районида рўй берган қотиллик ҳақида ҳикоя қилинган ва қотиллар кимлиги аниқланмаганлиги, гумондор кишиларни уч йил қамоқда ушлаб қўйиб юборилганлиги ҳикоя қилинганди. Мазкур мақола юзасидан жуда кўп журналхонлардан хатлар олдик. Лекин кўп ўтмай гумондор сифатида қамалган ота-бола Арзақуловлар шикояти ҳам қўлимизга етиб келди. Биз шикоят ва мақола босилган журналимиздан бир нусхани республика прокуратурасига йўлладик. Афсуски, олинган жавоб бизни қониқтиролмади. Жавобда ҳақиқатан ҳам Арзақуловлар айби исботланмаганлиги, суд медэкспертиза эксперти Иброҳимовнинг хатоликка йўл қўйганлиги, қотилни излаш ҳали давом этаётганлиги борасида хабар қилинади.

Ота-бола Арзақуловлар айбдор эмас экан, демак, изни йўқотиш учун ул бегуноҳ бечораларнинг ҳам ноҳақдан-ноҳақ уч йил қамоқда азобланишини кимлардир ўйлаб топгандир, деган жабрдийдалар шубҳасига беихтиёр қўшиласан, киши.

Бу яна турғунлик жараёнида не ҳолга тушиб қолганимизни кўрсатувчи ёрқин кўзгудир. Ахир бу — ҳақиқатни эгиб, синдирибгини эмас, устидан тупроқ тортиб, бутунлай кўмиб ташлашга ҳам қодир даврни кўрсатмайдими?!

Ҳа, аҳвол мана шундай...

Адолат Содиқованинг куйинишлари ўз натижасини топмади. Шунингдек, бизга қотилларни топиш ва шафқатсиз жазоланишини истаб мактуб йўллаган юзлаб журналхонларнинг сўроқлари ҳам жавобсиз қолди. Орадан ўтган йиллар кўп нарсани беркитишга улгурган. Йўқ, энди бу жараён қайтарилмасин. Бунинг учун сизу биз — ҳаммамиз ҳушёр туришимиз, адолатни кўмишга йўл қўймаслигимиз зарур.

Ҳар ким ўз ўрнида ҳушёр туришини тилаймиз.

Бобом

Ҳамид ҒУЛОМ

(«Хотиралар» китобидан)

Бобом бирдан ўзгариб қолди. 1925 йилнинг кузи — октябрь ойининг сўнгги кунлари эди. Ёмғир тинмай қуяди. Айвон токчасидаги михга илинган радио карнайи хириллайди: на сўзни, на музикани англаб бўлади. Карнай тагида — токчада чилим турибди. Узун носқовоқдан ишланган сапсариқ чилим. Бу — янгилик. Мактабдан келибоқ, кўзим шу нарсага тушди. Жилдимни хонтахта устига отиб, ёмғирда жиққа ҳўл бўлган пахталик калта чопонимни ечдим-да, деворга қоқилган қатор қозиқлардан бирига осганча ўйга толдим. Бобом қаерда? Укам Саид қаерда? Нега ҳовли кимсасиз, жимжит?

Онам ҳали ишдан келмаган. «Қизил тонг» фабрикасида биринчи смена соат учда тугайди, у то уйга етиб келгунича тўртдан ошади.

Қорним оч. Мактабхонага кирдим. Мактабхона — бу, онам маҳалла қизларини ўқитиб юрган мўъжазгина уйимиз. Уч йилдирки, қизлар Форобий мактабида ўқийдиган бўлишди. Мактаб мудири Турсунхўжа афанди онамни муаллималикка таклиф қилди. Лекин, онам ҳеч қаерда ўқимаганини, саводини ўз уйида бувим қўлида чиқарганини, янги мактабда муаллималикни эплаёлмаслигини айтиб, мудиримизнинг таклифини рад этди-да, тузукки на чевар бўлганлиги учун фабрикага ишга кириб кетди. Қизлар ўқиган уйимиз эса, «мактабхона» номига эга бўлиб қолди. Эндиликда бу уйда озиқ-овқат сақланади: катта хумда ун, кичикроқ хумда — эритилган қўй ёғи, учтўрт қоп гуруч, шипга қоқилган илгакларга осиғлиқ сур-пешноб, қазилар... Токчалардаги дастурхонларда — янги ёпилган жизғалик нон, ёғлиқ патирлар ўралиб туради.

Онам ҳар куни ишга қатнаса ҳам рўзғор ишларини қилишга улгуради: уй-айвон, ҳовли-йўлаклар ёғ тушса ялагудай; кечки таомлар бир-биридан лаззатли. Онам ҳар кун нима овқат қилишни бобомдан сўрайди, бобом эса мен билан Саиддан сўрайди: дадасиз ўсаётган набираларининг кўнглини бу билан ҳам кўтармоқчи бўлса керак...

Дастурхонлардан бирини очиб, жизғали нондан бир бурда ушатиб олдим-да, чайнай бошладим. Катта чойнакнинг жўмрагидан совуқ чойни ҳўплаб-ҳўплаб қўяман, ўйлайман: чилим қаердан пайдо бўлди? Е, бобом чека бошладими?

Яна айвонга қайтиб келдим. Носқовоқнинг ингичка белидан кўтариб кўрдим: чилим вазмингина, демак сув тўлдирилган, сархонасини ушлаб кўрдим: илиқ. Демак, бобом яқиндагина чилим тортибди...

Мен илгари ҳам катталарнинг чилим чекишганини кўрганман. Ташқари ҳовлимиздаги болохонада меҳмонлар йиғилишган оқшомлар ошдан кейин, чой ичиб ўтиришганда чилим чекишарди. Лекин, бобомнинг тамаки тутунига тоқати йўқ, то кашандалар хуморини ёзгунча бобом болохонадаги очиқ айвонга чиқиб, ўзи каби чекмайдиганлар билан суҳбатлашарди. Тўғри, кейинги кунларда бобомга оғир бўлди: у Бектемир қишлоғидаги беш ботмон ери, каттагина қўрасини ўз ихтиёри билан Шўрога топширди.

Шу кўклам, мартнинг ўрталари бўлса керак, ёмғир худди шу бугунгидай шаррос қўйиб турган кунлардан бирида бобом кечки овқатдан кейин, ҳовли бурчагидаги ўз уйида, яъни мен ҳозир чилимни томоша қилиб турган айвондан қўшқават нақшин эшик орқали кириладиган ҳонасида онамни, мени ва Саидни олови бозиллаб турган танча атрофидаги кўрпачаларга ўтқазиб, мақсадини батафсил тушунтириб баён қилди.

Бобомнинг сўзларидан мен шу нарсани тушундимки, бундан олти йил аввал унинг катта ўғли, яъни менинг дадам Убайдулла вафот қилгандан кейин у Чирчиқда тўғон қурилишидаги ишбошилик вазифасидан истеъфога чиқибди, ўша ерда кўп йиллар давомида ишлаб орттирган маблағи ҳисобига сотиб олган беш ботмон ерини, қурган қўрасини ўз ихтиёри билан Шўрога топширибди. Бобомнинг бундай қарорга келишига асосий сабаб у ерда ишлашга кучи йўқлиги экан. Бутун умиди ғайратли, уддабурро Убайдуллада бўлган, энди эса у йўқ... Иккинчи ўғли Насрулла эса, чинакам муллавачча — китобдан бошини кўтармайди, у ҳозир Тўйтепада очилган янги мактабда дарс бераяпти, бироқ шаҳарга келиб, ишлашга нечундир ҳаваси йўқ.

— Такасалтанг! — деб дағдаға қилди бобом.

Мен билан Саид ҳеч нарсани тушунмасак ҳам бобомнинг сўзига ҳиринглашиб кулдик.

Бобомнинг ягона қизи, яъни менинг аммам Тожиниса отинча — уйимиздаги мактабда онамнинг ёрдамчиси бўлган. Тожиниса амаки-бувамиз Абдураҳмон зиқнанинг катта ўғли Абдуллага узатилди-ю, жимиб кетди.

То бобом билан Саид гузардан келгунларича мен айвондаги хонтахта ёнига тиз чўкиб, бугун Турсунхўжа афанди уйга берган дарсимни тайёрлаб олишга қарор қилдим. Лекин, жилдимни очган ҳам эдим, Саид ҳовлига югурганча кириб, чучук тили билан:

— Юл! Бувам чақилвоттила! — деб бақирди.

Дарс дарслигича қолди, ташқарига чопиб чиқдим. Оёқларида махси-калиш, устида эски чакмон, бошига телпагини бостириб кийган бобом дарвозаси ланг очиқ мўъжазгина ташқари ҳовлида саман отни фойтунга қўшаётган экан. Саман от ювош — бошини экканча кўзлари жовдираб турибди.

— Ассалому алайкум, буважон! — Одатим бўйича қўл қовуштириб салом бердим.

— Ваалайкум ассалом, мулло бўлинг!... Бектемирга борамиз! — деди бобом фойтунга қўшилган саман отнинг бошини силар экан.— Сизларга Чирчиқни, Қумовулни томоша қилдираман. Ўтап амакининг қўрасида меҳмон бўламиз.

Ўтап амаки деганда кўз олдимда бўйи шипгача етадиган, елкалари кенг, қўллари узун баҳайбат одам гавдаланади. У отга минганда отнинг бели майишади. У бултур Бектемирдан бир арава гуруч олиб келганда тиқин қопларни икки қўлтиғида иккитадан кўтарганини ўз кўзим билан кўрганман.

Мен Ўтап амакининг бобом билан қадрдонлигини шулардан биламанки, аввало, бобомнинг ҳикоясига қараганда, икковлари Чирчиқдаги тўғон қурилишида бобом — муҳандис, Ўтап амаки карвонбоши, яъни тош-шағал, шох-шабба ташиган аравакашларга бош бўлиб, қирқ йилча бирга ишлаганлар. Уларнинг Бектемирдаги еру қўралари ҳам туташ. Бобомнинг ери беш ботмон, қўраси катта; Ўтап амакининг ери икки танап, қўраси кичик, лекин болалари кўп: тўққиз ўғилу, етти қиз!

Бобомнинг қизиқ табиати бор: мен билан Саидни рўпарасига ўтқазиб, худди катта одамлар билан маслаҳатлашгандай маслаҳатлашади. Чунончи:

—Мулла Абдиҳамид! Мулла Абдисаид! Бектемирдаги еримиз ишловсиз, қўрамиз яшовсиз қолиб кетмаслиги учун буларни ўша ердаги муҳтож одамларга топширсакмикан?

Биз ҳеч нарсани тушунмаймиз, бобомизнинг оғзига тикилганча ағрайиб турамиз.

— Ўтап амакингиз... ери кам деҳқон, аммо кучи кўп: ўн олтита боласидан тўққизи камолга етди. Деяйлик: биз еримиз билан қўрамизни Ўтап амакингизга бердик: ул ернинг ҳам жонини киритади, қўрани ҳам обод қилади. Хўш, нима дейсизлар?

Нима дердик? Бобомиз нима деса, биз ҳам шуни деймиз.

Ўтап амаки ўтган ҳафта яна келиб кетди. Бобом уйининг токчасидаги қутидан олган аллақандай ҳужжатларига ерини топшириш ҳақидаги аризасини қўшиб, ундан бериб юборди. Бугун эса, Бектемирга биз ўзимиз кетаяпмиз. Бобом осмонга қараб-қараб қўяди, ёмғир пасайиб, кун ёриша бошлаганини кўриб:

— Хайрият,— дейди кулранг калта соқол ярашган юз-иягини силаб. Кейин менга ўйчан тикилганча сўрайди: — Бўталоқ, онангиз келишини кутамизми, ё йўлга чиқа берамизми?

Мен Саидга қарайман, Саид менга қарайди, иккимиз бобомизга мўлтираб қараймиз.

— Кутсак бўладию, бироқ қоронғига қоламиз.— Бобом фойтуннинг соябонини кўтаради.— Ўйчи ўйига етгунча йўлчи манзилига етади. Қани, чиқинглар!

Саид иккимиз фойтунга осилиб чиқиб, чарм қоплаган таранг ўриндиққа ёнма-ён ўтириб олдик. Бобом отнинг юганидан тортиб, фойтунни кўчага олиб чиқди.

— Жиян! — деди у дарвозани ёпишга кўмаклашаётган Нишонга,— ҳализамон опангиз келиб қолади, бизнинг Бектемирга кетганимизни айтиб қўйсангиз.

Бобом фойтунга чиқиб, Саид билан менинг ўртамизга ўрнашиб ўтираркан, жиловни тортиб, саман отга:

— Чу! — дейиши билан жониворолға интилди...

Йўл томоша: Ўқчи гузари гавжум — молини ёйган дўконлар, одам тўла чойхоналар, темирчиликнинг дақ-дўқи... Кейин Пиёнбозорнинг узундан-узун расталари, магазинлари, кўк бозори-ю, арғимчоқлари... Фойтун шовқинсурон бозор чеккасидаги серҳара-

кат, тиқин йўлдан ўтгач, ҳаракат сал сийраклашиб, бемалол олға интилди.

Емғир тиниб, булутлари парчаланган тиниқ осмон кўринди. Йўл чанғи босилган, ғилдираклар ширилаб текис айланади, салқин ҳаво ором бағишлайди. Уйимиздан то шу ергача фойтунни индамасдан ҳайдаб келган бобом Бектемир анҳорининг кўпригидан ўтишимиз билан:

— Ўтапвой бизни шу ерда кутиши керак,— деди-да, от жиловини тортиб, фойтунни йўл ёқасида тўхтатди.

Саид билан биз ерга сакраб тушиб, лойқа суви тўлиб оқаётган ариқ бўйида чопқиллаб, бир-биримизни қувлаша кетдик. Йўл ёқасидаги тол шохига пастаккина тўриқ ахтасини жиловидан боғлаб қўйган Ўтап амаки бобомни фойтундан суяб туширди-да, икковлари елка қоқиб кўришишгач, тик оёқда турганча анчагина суҳбатлашишди. Биз йўл бўйида чопа-чопа, оёқларимиз чигилини ёзгач, суҳбатдошлар ёнига келдик. Ўтап амаки иккимизни икки қўлига даст қўтариб, бағрига босиб эркалади, юз-кўзларимиздан ўпиб суйди:

— Ойнонайин тойчоқлардан!... Бахитли бўлингиздер, бўз йигиттер!

Бобом, Саид ва мен фойтунга чиқдик. Ўтап амаки ахтасига миниб, сўл ёнимизга ўтди. Бектемир гузари томон йўл олдик. Мен бобомнинг Ўтап амаки билан нима тўғрисида сўзлашганини билмасам ҳам, лекин унинг шу суҳбатдан кейин хомуш тортиб қолганини, иякларини силаганча аллақандай оғир ўйга толганини сездим...

Йўлнинг икки ёнида мирза тераклар қаққайиб турибди. Чирчиққа яқин бу қишлоқда йўлни ҳам бобом очдирган, тераклари ҳам бобом экдирган. Тўқайларни ҳам Ўтап амаки каби азаматлар бобом раҳбарлигида зовурлар очиб, қамишларни ёндириб, қуритишган. Биров Қумовул, биров Қумқишлоқ деб атайдиган қишлоқ шундан кейин пайдо бўлган. Тўғон қурилишида йиллаб ишлаб келаётган одамлар бу ерда янги очилган ерлардан баҳоли қудрат беш таноп, ўн таноп ўзлаштиришиб, катта-кичик қўралар тиклашиб, шоли, каноп экишган, боғ қилишган... Саид билан биз бу гапларни Ўтап амакидан эшитганмиз.

Бобом билан Ўтап амакининг ерлари ёнма-ён. Икки дала ўртасидан битта ариқ ўтади, холос.

Бобом фойтунни катта йўлдан ўз қўрасига олиб борадиган, зовур бўйлаб кетган, қаралмаганидан ўт-ажриқ босиб ётган бошқа бир торгина йўлга бурди. Отлиқ Ўтап амаки фойтун кетидан юрди.

Рўпарадаги бир қаватлик баландгина иморат: ўртасида узун айвони бўлган икки уйлик бино бизнинг қўрамиз. Эндиликда бу қўрада Ўтап амакининг икки катта ўғли хотин ва болалари билан туришади. Бироқ, улар кўринишмайди — далада бўлишса керак. Айвон олдида Ўтап амакининг хотини Тозагул хола ўғир янчаяпти.



Рассом М. Абдуллаев чизган расм.

У фойтунни кўриши билан ўғир дастасини айвонга ёзилган бордон устига қўйди-да, жўхоризор билан айвон ўртасидаги торгина ҳовлига чопиб тушди ва бобом ёнида ўтирган биз — болаларни кўргач, қувончи тошиб, сайрай кетди:

— Ассалому алайкум, мулла ака! Ассалому-алайкум, болажонларим! Вой, мен гиргиттонларимдан айланай!... Келишларингизни билгандай, толқон янчиб туриб эдим, казир сутга қориб бераман!...

Тозагул хола Саидни фойтундан кўтариб олиб, бағрига босиб суйди.

Кейин ҳаммамиз айвонга чиқиб, Тозагул хола тўшаган кўрпачаларга ўтирдик. Тез орада катта мис самовар шақиллаб қайнади. Дастурхон ёзилиб, серқовоқ зоғора нонлар, товоқларда қаймоқлар келтирилди. Тозагул хола мен билан Саиднинг қаймоқларимизга толқон қориб берди. Маза қилиб едик. Биринчи бўлиб, Ўтап амаки гап бошлади.

— Тоза! — деди у хотинига синчков боқиб. — Мулла Ғулом оғамиз ерини ўз хоҳиши минан топширмоқчи бўлганини саған айтибидим. Бизнинг жўжабирдай жонлиғимизни ҳисобга олиб, оғамиз ерининг бизга берилишини аризасига ёзганидан-да сенинг хабаринг бор...

— Барака топсин оғамиз, қудай умрларини узун қилсин! — Тозагул хола кўзларига ёш олиб, қўлларини дуога очди. — Набиралари қатта бўлсин, оғамиз буларнинг роҳатини кўрсин!..

— Гап бундай. — Фотиҳа ўқилгач, Ўтап амаки хотинига таъкидлади. — Аввало, сен ўзинг дурустроқ кийиниб ол, болаларни-да тоза кийинтир. Қумовул Шўросига борамиз.

Бобом Саид билан менинг қўлларимиздан етаклаб олди-да, ариқ-зовурлар бўйлаб кездираркан, олмазор, узумзорларни томоша қилдираркан, қумлоқлар, тўқайзорлар ўрнида пайдо бўлган бу обод ерлар — йиллар давомида тинмай қилинган меҳнатнинг маҳсули эканини таъкидлар, инсон меҳнатисиз ҳаётнинг сўниши муқаррар эканлигини мурғак миямизга сингдирарди.

Кейин у бизни Қумқишлоқ гузарига бошлади. Яккаоёқ йўлдан яёв кетдик. Бобом алланималарни ўйлайди, қўлларимиздан маҳкам ушлаб судраганча, олдинга интилади.

— Қамчибек баттол, феъли заҳри қотил... — ўзича ғудрайди бобом.

— Қамчибек ким? — мен ҳайрон бўлиб сўрайман ундан.

— Бўлис!... — Зарда билан жавоб беради асаби таранг бобом. — У ҳозир қизил бўлиб олган — овул Шўросининг раиси. Аммо, тимсоҳ терисини қанча ўзгартирмасин, тимсоҳлигича қолади!

Мен бобомнинг бунақа сўзларига тушунмайман, лекин унинг тажанг феълини билганим учун бошқа савол бермай, лойга ботиб қолган этикларимни куч билан чиқариб олишга тиришаман...

Бектемир гузарига етиб келганимизда болахоналик бино олди одамга тўлган, от-аравалар йўл бўйида қатор тизилган: биринчи қаватдаги Ислом тоға чойхонаси ҳам тирбанд, болахонасида милиционернинг юлдузтамғалик қалпоғини гўштдор қатта бошига сириб бостириб кийган пўстинлик қоровул ҳеч кимни юқорига чиқармай, тор тахтанарвон устида ғўдайиб турарди.

Миси ярқираб турган катта самовар ёнида турган самоварчи Ислом тоға бобомни кўрибоқ биз томонга интилди. Унинг калта соқол-мўйлаби ҳам самоваридай қизғиш-сариқ, уйқусизликдан киргайган митти кўзлари ғилтиллайди.

— Келдингизми, мулла Ғулом! — Ислом тоға бобом билан қучоқлашиб кўришди. — Бўлис Қамчибек овул Шўросига катта бўлди-ю, тинчимиз йўқолди... — Кейин у Саид билан мени бағрига олиб, суябошлади. — Хуш кўрдик, азаматлар! Вой, мен айланай Убайдуллахоннинг тирноқларидан!

Ўтап амаки бобомнинг ёнига келиб, қулоғига аста шивирлади:

— Бўлиснинг ҳали-бери қўли бўшамайди. Сиз, мулла ака, болахонага чиқаберинг!

Бобом «маъқул» дегандай бошини қимирлатди ва Саид билан менинг қўлимдан маҳкам ушлаб, тахтанарвондан болахонага чиқа бошлади. Баҳайбат милиционер йўлимизни тўсган эди, орқамиздан кўтарилаётган Ўтап амаки унга ўшқирди:

— Мулла акани танимайсанми, деви аҳраман! Ариқдан сув ичганмисан, ҳувари!

Милиционер нохуш тўнғиллаб, истар-истамас йўл берди. Қамчибек оппоққина кулча юзи йилтиллаб турган сулув бир жувон — овуд Шўросининг котибаси Ойхон билан чой ичишиб ўтирар, ёзув столига ёзилган дастурхон устида нон-патирлару қази-қарталар қалашиб ётарди.

Қамчибек бобом истиқболига ўрнидан ҳам турмади, саломига алик ҳам олмади, аксинча, юзини тиржайтириб, арақдан қизарган қисиқ кўзларини совуқ тикканча, сўради:

— Ҳа, мулла, нега келдингиз?

— Мен еримни ихтиёрий топшириш ҳақидаги аризам билан ҳужжатларни Шўрога топширганимга бир ойдан ошди...

Қамчибек бобомнинг сўзини шартта кесиб:

— Олдик! — деди ва нафратомуз тикилиб, сўради. — Хўш, тағин не хизмат?

— Мен аризамда беш ботмон еримни расмий равишда қабул қилиб олиб, камбағал деҳқон Ўтапга хат қилиб берилишини сўраганман.

— Сўровингиз қабул қилинмайди! — Қамчибек ўтирган ерида муштини столга қарсиллатиб урди. — Ерни кимга хоҳласак, ўшанга берамиз.

— Ўтапнинг ери менинг еримга туташ. Ўн олти боласи бор... — Бобом ўта ҳаяжонланар, ғазабини базўр босиб, сўзларди. — Менинг еримга Ўтапнинг кўп хизмати сингган. Биз тўқайни очиб, ер қилганмиз...

— Ана энди туври сўзладингиз, бой! — Қамчибек ўрнидан туриб, чайқалди — йиқилишига оз қолди. Котибаси уни базўр суяб қолди. — Биз сизни қулоқ қиламиз! Қамаймиз! Авахтада чиритамиз!...

— Бек, ҳаддингиздан ошдин-

гиз! — Шу вақт болохонага чиққан Ўтап амаки бобом билан унга ҳамла қилган Қамчибекнинг ўртасига туриб олди. — Элимизга сув берган мулла акамизга қўлингизни кўтармангиз! Мен шаҳарга бораман, устингиздан ҳукуматга арз қиламан!

— Бор! Ўн марта бор!... — Қамчибекнинг кўзлари ола-кула бўлиб, энди у Ўтап амакига хуруж қилди: — Ўкумат — мен!... Арзингни маған айт!..

— Юринг, мулла ака! — Ўтап амаки бобомнинг қўлтиғидан суяб, хонадан аста олиб чиқди. — Бўлисга сўзлагандан итга сўзлаган маъқулроқ... Э, аттанг, бошимизга бало бўлди бекавчча!..

Бобомнинг таъби тирриқ. Чойхона олдида — йўлкада бизни кутиб турган Ислом тоға билан совуқ хайрлашиб, мадорсиз оёқлари чалиша-чалиша, тош йўлни кесиб ўтгач орқасидан эргашиб келаётган Ўтапдан сўради:

— Насрилла шу кунларда Тўйтепадан келмадими?

— Йўқ.

Насрилла — бобомнинг кичик ўғли, Саид билан менинг амаким Тўйтепадаги мактабда тарихдан дарс беради.

— Биз йўлга чиқайлик. — Бобом кўкка қараб, тобора қуюқлашиб келаётган булутларга тикилди. — Яна ёғади, чамамда... Е, тавба! Е, тавба!.. Одамлар бўрига ўхшаб бораётибди. Қамчибекни айтаман: қашқирнинг худди ўзи! Биз, Ўтапвой, инқилобни, Шўрони бошқача тушунувдик. Ахир, Ленин камбағалпарвар давлат тузган-ку!.. Энди бўлса бойлар, боёнлар, буларнинг болалари тепага чиқиб олишаётибди... — Ахир, биз Қамчибекнинг кимлигини яхши биламиз-ку! Оғзи қон бўри!.. Йўқ, Ўтапбой, Қамчибек эмас, сиз ва сиз кабилар Шўрога раҳбар бўлишингиз лозим! Насриллага хабар қилинг, Ўтапбой, яхшиси — сиз ўзингиз Тўйтепага боринг! Насриллага айтинг: бу ердаги ишини ташлаб, шаҳарга кетсин, шаҳарда ишласин. Бўлисга ўхшаш йиртқич бўрилар боламни ғажиб юборишидан қўрқаман, Ўтапвой!..

— Хўп, мулла ака, айтганингизни қиламан.

— Раҳмат, иним!..

Ўтап амакининг қўрасига яқинлашдик. Айвон олдидаги саҳнда фойтун кўринди.

— Биз йўлга чиқайлик, Ўтапвой, ёмғир қуймасдан етиб олайлик.

— Тозагул сўкоши пиширib қўйган, тойчоқлар ичиб кетишсин. — Ўтап амаки илтимос қилди. Айвонга чиқиб, ўтиришдик. Тозагул хола сопол товоқларга сўкоши сузиб келди. Бобом зоғора нон тўғраб, товоқларимизга ташлар экан:

— Олинглар, бўталоқлар! — деб Саид билан мени шоширди. — Йўл олис, қоронғу тушмай, етиб олайлик.

— Намунча, ёв қувдими! — Тозагул хола бобомдан сўради. — Набираларингиз бир кеча ётишсин, эрта — бозор, Тўйтепага олиб борайлик, томоша қилишсин!

Асаби таранг бобом Тозагул холанинг сўзларига эътибор бермай, сўкошисини хўриллатганча ичиб тугатди-да, қўл учида фотиҳа ўқиб, ўрнидан қўзғолди:

— Фойтунни қўшайлик!

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Ўтап амаки фойтунни йўлга олиб чиқди.

Бобом Ўтап амаки билан хайрлаша туриб, унга тайинлади:

— Шу бугуноқ бизнинг қўрамизга кўчиб ўтинг! Ўтапвой! Жўжабирдай жонсиз, ҳеч ким сизни бу ердан жилдира олмайди.

— Хўп, мулла ака, айтганингиздай қиламан, — деди Ўтап амаки йўл бўйида қўл қовуштириб турганча.

— Энди мен бошқа келолмасман, Ўтапвой! — Нечундир бобомнинг ҳорғин кўзларида ёш ғилтиллади. — Бўлиснинг авзойи бузуқ, ундан ҳар нарса кутиш мумкин. Мабодо бирон ҳодисот юз бергудай бўлса, мана бу... — Бобом икки ёнида ўтирган мен билан Саидга ишора қилди — норасидалардан хабар олиб турарсиз, иним!..

— Худой кўрсатмасин, мулла ака! — Ўтап амаки от жиловини бобомнинг қўлига тутқазди. — Йўлингизни берсин, оға!

Бобом жиловни силкитди, фойтун нам йўлда ғизиллаб юриб кетди...

Шаҳар ҳовлига шом қоронғусида етиб келдик. Темирвой бобо — онамнинг отаси ним очиқ кўча дарбозаси олдида бўш хуржунини елкасига ташлаганча, энди кетмоқчи бўлиб, онам билан турган экан, тор кўчага кириб келган фойтунни кўриши билан чеҳраси ёришиб, ўзини четга олди-да, бизга йўл берди.

Темир бобо (Саид билан биз уни Боғбон бува деб атаймиз) дарвозанинг иккала тавақасини кенг очиб, от жиловини Ғулом бобо қўлидан олди-да, фойтунни ташқари ҳовлига киритди. Кейин у бизларни бирин-кетин суяб, авайлаб, ерга тушириб қўйгач, ҳар биримизни бағрига босиб, юз-кўзларимиздан ўпиб, суйиб, эркалаб ардоқлади.

Бўйи баланд, қотмароқ, сал чўзинчоқ юзи оқиш, кўзлари нимқора, нимкўкиш Ғулом бобога нисбатан Темир бобомиз бошқачароқ: бўйи ўртачадан пастроқ, буғдойранг қулча юзи сал чўтир, доим синчков тикилувчи тимқора қуралай кўзлари доим кулимсираб, йилтиллаб туради. Ғулом бобомиз «Тўпончча полвон» деб ҳазил қиладиган шу тўпори одамдан маҳалла жувонлари орасида ҳуснда ягона, баланд бўйли, қадди-қомати келишган ойимиз Қория отин дунёга келганидан мен ҳайрон бўламан.

Темир бобомизнинг уйи Қоратош маҳалласидаги боши берк, торгина Ширин қудуқ кўчасида. Бу қудуқни у ўзи қазиган. Энди-ликда қудуқнинг чучук сувини бутун маҳалла ичади. «Ширин қудуқ» номини ҳам маҳалла аҳли берган.

Темир бобонинг Аския мавзеида бир ярим таноб чамаси чорбоғи ҳам бор. Уйи билан боғчасининг оралиғи — уч чақирим. У ҳар пайшанба шу чорбоғдан Ширин қудуқдаги уйига келади. Келатуриб эса, йўлдан бизникига албатта, кириб кетади. Гоҳ хуржунининг икки кўзи тўла маккажўхорими, олма-нок, узумми, ёнғоқ-туршакми, ишқилиб, топганини неварачаларига ташлаб кетади.

Ғулом бобомизнинг хотини каби, Темир бобомизнинг хотини ҳам дунёдан ўтган. Бироқ, Ғулом бобомиз бошқа уйланмай, ҳаётини биз — набираларига бағишлаган бўлса, Темир бобомиз уйланган: кичик бувимиз шоша-пиша бирин-кетин туғиб берган — бир қиз ва бир ўғилнинг иккаласи икки бешикка боғланганча тункун ингиллагани-ингиллаган. Темир бобомизнинг болалар йиғисига тоқати йўқми ёки бир оёғи сал оқсаса ҳам, ўлгудай танноз кичик бувимизнинг нуқул осмондан келиб, ҳар кунги: «У оберинг, бу оберинг», деган инжиқликлари жонига текканми, ҳар қалай, жума номозини ўқийди-ю, Аскиядаги чорбоғига жўнаб қолади-да, боғда олти кун қаттиқ меҳнат қилгач, топганини хуржунга тиқиб, пайшанба оқшоми аввал бизникига шод-хуррам келади ва кейин Қоратошга тажанг бир аҳволда равона бўлади...

Темир бобо Ғулом бобо билан қўл беришиб, елка қоқишиб кўришгач, саман отни фойтундан чиқаришга кўмаклашмоқчи бўлганда Ғулом бобо:

— Қуда, қўятуринг! — деб уни шахтидан қайтарди. — Уйга кирайлик, маслаҳатли иш бор.

— Хўп, мулла ака!

Иккала бобомиз ичкари ҳовлига кириб кетишгач, онам мендан сўради:

— Абдиҳамид, Бектемирда тинчликми? Нега буванг тажанг? Ўтап амакининг қўрасига бордингизларми? Насрилла амакингни кўрдингизларми? Буванг сизларни шундан шуёққа нега олиб борди?

Менинг қатор ёғилган бу саволларга қандай жавоб беришни билмай, ағрайиб турганимни кўрган онам, ҳафсаласи пир бўлди шекилли, Саид билан иккаламизнинг қўлларимиздан маҳкам тортганча ичкари ҳовлига интилди. У бизни айвонга чиқариб, хонтахта атрофидаги кўрпачаларга ўтқазди ва Темир бобо олиб келган мева-чевалардан дастурхонга тўкиб:

— Олинглар, еб ўтиринглар! — деди-да, ўзи иккала бобомиз суҳбатлашаётган уйнинг эшиги олдига бориб, тирқишидан ичкарига қулоқ солиб турди.

Уй эшиги тарақлаб очилди. Онам ўзини четга олиб, отаси билан қайнотасига йўл берганча, қўлларини қовуштириб турди.


— Темирвой! — деди Ғулом бобом серзарда бир аҳволда, товуши қалтираб. — Фойтунни миниб кетинг: от мендан сизга совға, шайтон аравани Пиёнбозорга олиб борсангиз, ҳар қадамда харидор топилади. Бунақа ашқол-дашқолнинг энди менга кераги йўқ! — У таъзимга бош эгиб турган онамга ҳам ўшқирди. — Бўлди! Ҳаммаси битди! Тамом, вассалом!.. Суянган тоғим, фахрим, юлдузим Убайдулладан айрилган кунимдан буён дунё кўзимга зимистон!...

Ғулом бобо шундай деди-ю, ҳўнграб йиғлаб юборди...Темир бобо уни суяб, елкаларини силаб, аллақандай синиқ, юмшоқ товуши билан тасалли берди:

— Ҳадеб эзилаберманг, қуда! Не қилайликки, Убайдулланинг умри қисқа экан. Мана, унинг ўғилчалари бор, ўрнини босишади. Вақт — елдирим: ўтади-кетади. Ҳа-ҳу дегунча набираларимиз ёнимизга киришади...

Темир бобомиз шундай деди-ю, овқатга ҳам қолмай, фойтунда жўнаб кетди.

Эртаси кун эса, айвонининг токчасида чилим пайдо бўлдики, мен нақлимнинг бошида бу ҳақда эслатиб ўтганман...



Рассом Т. Саъдуллаев чизган расм

ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН ТАЪРИФИ

1896 йили Тошкентда «Искандар Зуль-Карнайн» номли китоб рус тилида (Типо-литография торг. дома «Ф и Г» Б. каменские) нашр этилади. Унинг муаллифи атоқли рус этнографи, фольклоршунос, адабиётшунос ва тарихчи олим, профессор Н. П. Остроумов эди. Ўрта Осиёга ўтган асрнинг 80-йилларида келган Николай Петрович ўзининг кейинги илм йўлини туркистонликлар ҳаёти билан боғлади.

Олимнинг архив хазинаси жуда бой. Уни бирма-бир варақлаб чиқсак, «Сарт эртаклари», «Муқимий», «Зокиржон Фурқат», «Искандар Зулқарнайн», «Халқ қўшиқлари» номли алоҳида чоп этилган ўнлаб китоблари билан яқиндан танишишимиз мумкин. Булар орасида айниқса, «Искандар Зулқарнайн» рисоласи беихтиёр эътиборингизни ўзига жалб қилади. Рисолани варақлар эканмиз, олимнинг Ўрта Осиё тарихини жуда яхши билганлигининг гувоҳи бўламиз.

Китобда Искандар Зулқарнайннинг эрамиздан илгари 329—327 йиллар атрофида Ўрта Осиёга юриши билан боғлиқ тарихий воқеалар синчиклаб ўрганиб ёзилганлиги билан қимматлидир. Маълумки, бу даврга оид манбалар Ўрта Осиё ёзма адабиётида турли хил сабабларга кўра сақланиб қолмаган. Шунинг учун ҳам Остроумов қадимги юнон ва рим тарихчилари ижодига мурожаат этади. Уларнинг нодир китобларидан Ўрта Осиёга оид эрамиздан аввалги IV—III асрлар маълумотини тўплайди, уларни чуқур ўрганади, изоҳ беради.

Юнон ва рим адибларининг, жумладан, Аррианнинг «Александрнинг юриши», Квинт Курций Руфнинг «Александр Македонскийнинг тарихи», Плутархнинг «Ҳаётномалар», Диодорнинг «Тарихий кутубхона» асарларида Искандарнинг Ўрта Осиёга юриши кенгроқ тасвирлаб берилган. Бу романларни ўқир эканмиз, юртимизнинг қадим тарихи, улкан шаҳарлар, муҳташам бинолар, бахмал водийлару узун дарёларнинг гўзал бадиий лавҳалари кўз ўнгимиздан ўтади. Уларнинг ижодини ўрганган Н. П. Остроумов «Искандар Зулқарнайн» рисоласи орқали узоқ ўтмишимиз билан таништиради.

Искандар Зулқарнайн образи оғзаки ижодда ҳам азалдан тасвирлаб келинган. Шунингдек, Низомий ўзининг «Искандарнома» достонида, Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сида, Амир Хисрав Деҳлавий «Ойнаи Искандарий»да, тожик шоири Абдураҳмон Жомий «Хирадномаи Искандарий»да, Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонида Искандар Зулқарнайн образига мурожаат этганлар. Бундан ташқари, Н.П. Остроумовнинг ёзишича, «Қуръон»да ҳам Искандар Зулқарнайн номи зикр этилган ва шундан сўнг мусулмон халқлари ўртасида у диний образ даражасига кўтарилган. Боиси шундаким, Искандар Зулқарнайн кичик Осиёни, форс мамлакатларини, Ўрта Осиёни жуда тезкорлик билан қўлга киритади. Шунинг учун ҳам у Искандар Зулқарнайн, икки шохли Искандар, енгилмас Искандар, илоҳий қудратга эга Искандар тарзида сифатланган.

Н. П. Остроумовнинг у ҳақдаги фикрига қисман қўшилган ҳолда, тарихий манбалар асосида шундай изоҳ беришимиз мумкин: Искандар Зулқарнайн ўзининг ҳарбий юриши давридa ташвиқот-тарғибот ишларига жуда катта эътибор берган. У ўзини енгилмас, худонинг ердаги ноиби, икки шохли шоҳ сифатида таърифлаб, қайси мамлакат билан урушмоқчи бўлса, олдин элчи юбориб, ўзини улуғлаб кўрсатган. Шунинг учун ҳам Искандар ҳақидаги афсоналар «Қуръон» (VI аср)дан илгари ҳам мавжуд эди. Масалан, қадимги ҳинд эпоси «Калила ва Димна»да (III—IV асрлар) Искандар Зулқарнайн образи яратилганди. «Қуръон»ни яратувчилар ҳам Эрон, Ҳиндистон, Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган, афсонавий қудрат соҳиби саналган Искандар Зулқарнайнни улуғлаб, бу ном ниқобида арабларнинг босқинчилик сиёсатини амалга оширишда муҳим қурол сифатида фойдаланганлар. Рисоланинг кириш қисмида, Искандар Зулқарнайн ва Александр Македонский образлари, уларнинг тарихий шахсига изоҳ берилади. Албатта, олимнинг бу масаладаги фикрларида айрим мунозарали ўринлар учрайди.

Китоб саҳифаларидан: «Искандар Зулқарнайн номи қаердан пайдо бўлди? Александр Македонский ким эди? Улар ўртасида ўхшашлик ва фарқ борми, йўқми?» деган саволларга жавоб топамиз.

Македония шоҳи Филиппнинг ўғли бўлган Александр бор-йўғи 32 йилу 8 ой умр кўради. Эрамиздан илгариги 356 йил 21 июлда туғилиб, 323 йил 11 июнда вафот этади. Ёшлигида Юнонистоннинг атоқли олимлари қўлида таҳсил кўради. Айниқса, ҳарбий таълимни пухта эгаллаган Александр отаси ҳаётлигидаёқ 12-13 ёшида катта қўшинга мустақил қўмондонлик қилиб, душман устидан ғалаба қозонади.

Ҳақиқатан ҳам, Александр ёшлигида зийрак, илмга чанқоқ, кўзлари ўткир ва теран эди. Унинг болалик қалбида меҳру муҳаббат, ҳатто шафқат ва жасурлик мужассам эди. Бироқ, шоҳ Филиппнинг тасодифий ўлимидан сўнг 20 ёшида тахтга ўтирган ёш Александр сарой муҳити — мол-дунёга ҳирс қўйган, босқинчиликни шон-шараф деб билган кишилар даврасига тушиб қолади, отасининг босқинчилик йўлини давом эттиради. Бирин-кетин улкан форс мамлакатларини, сўнгра Ўрта Осиёни ва Ҳиндистоннинг бир қисмини босиб олади. Босқинчилик уруши давомида бедаво дардга йўлиқиб вафот этади. Александрнинг бундай босқинчилик сиёсати кейинги давр жаҳонгирлари учун байроққа айланади. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам Александр Македонский номи кўпгина капитализм мамлакатлари олимлари томонидан улуғланиб келиниши, унинг жаҳонгирлик сиёсати кўкларга кўтарилиб мақталиши бежиз эмас. Н. П. Остроумов ушбу китобида Искандар Зулқарнайнни «буюк» саркарда сифатида тилга олади. Искандар номига «буюк» сўзини қўшиб қўллаш Улуғ Октябргача бўлган тадқиқотчилар учун одат тусига кириб қолган эди.

Рисолада келтирилган фактлар, тарихий манбалар ва изоҳлар Н. П. Остроумовнинг катта илм соҳиби бўлганидан далолат беради. Олим форс-тожик ҳамда араб тилларини батафсил билгани учун ҳам рисола саҳифаларида Искандар Зулқарнайнга тегишли кўплаб қўлёзмаларни тадқиқ этганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу жиҳатдан унинг Абу Жаъфар Муҳаммад Табарий (838—922)нинг тарихий китобини «Қуръон» билан муқояса этиб ўрганиш жараёнида айтган фикрлари ўринлидир.

Қадимги даврларда ернинг географик ҳолатини қуёшнинг чиқиш ва ботиш жараёни билан боғлаганлар. Шарқ ва Ғарб, яъни қуёшнинг чиқиши ва ботиши инсонлар учун сирли бир жумбоқ бўлиб келган. Искандар Зулқарнайн ҳақидаги қадимги афсоналарда ҳам бу жумбоқ ечилмасдан қолган. Гўё Искандар бир шохи билан шарқни, бир шохи билан ғарбни ушлаб турибди, деган фикрлар туғилган. Искандарни енгиш мумкин эмас, агар шохини синдирсагина у куч-қудратдан қолиб, заифлашиши мумкин. Шоҳнинг шохини синдириш эса амримаҳол. Бундай афсоналар асосан диний китобларда ва халқ эртакларида учрайди. Кейинчалик Искандар ҳақидаги афсоналар ёзма адабиётга кўчиб, донишманд Искандар шохи образи яратилган.

Бу хилдаги Искандар ва Александр ҳақидаги қизиқарли халқ афсоналари Н. П. Остроумов китобидан анчагина ўрин олган. Тадқиқотчи «Қуръон»да, халқ оғзаки ижодида, айрим ривоятларда келтирилган далилларга асосланиб, тарихда иккита Зулқарнайн ўтган эмиш, деган мунозараларга аралашади. Уларнинг бири 1600 йил умр кўрган Авраамнинг замондоши, иккинчиси Эронга юриш қилган, эрамиздан 300 йил илгари яшаган Зулқарнайн билан унинг вазири Арасту эмиш. Олимнинг фикрича, ғарб ва шарқни эгаллаган, эрамиздан аввал 323 йилда вафот этган Александр Македонскийдан бўлак Искандарни тарих билмайди. Хуллас, асрлар ўтиб, замонлар замонга уланиб, Искандар Зулқарнайн ҳақида қат-қат китоблар пайдо бўлди.

Маълумки, илгариги даврларда ҳарбий юриш тафсилотлари махсус муаррихлар томонидан қайд этилиб борилган. Искандар Зулқарнайннинг ҳам Эвмен ва Диодат деган муаррихлари солнома ёзиб борган. Искандар билан Ўрта Осиёга келган Птоломей, Арасту ўз кундаликларида ҳарбий юриш тафсилотларини, қизиқ воқеаларни қайд этган. Бу икки муаррихнинг «Кундалик»лари Ўзбекистоннинг антик даврлари ҳақида муҳим маълумотлар беради. Бундан ташқари махсус шоҳ журнали бўлган. Уни «Эфемерида» деб ҳам атаганлар.

Н. П. Остроумов ўз асарида Ўрта Осиёда ҳозиргача Искандар Зулқарнайн давридан эсдалик бўлиб келаётган Искандаркўл, Искандарсарой, Искандаркалъа, Искандарминора каби номларни таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам у босиб олган ерларда ўн битта шаҳар қурганлиги маълумдир. Шулардан бири Яксарт (Сир) дарёси ёқасида, Ленинобод (Хўжанд) билан Бекобод ўртасида, Искандария Эсхати (эсхати — энг чеккадаги шаҳар), Искандария Арий (Хиротда), Искандария Оке (Аму) дарёси ёқасида, Искандария (Бақтрия), Искандария Марғиён (ҳозирги Байрамалига яқин) жойда қурилгандир. Бу шаҳарлар жуда тез фурсатда барпо этилган.

Умуман олганда, Н. П. Остроумовнинг «Искандар Зуль-Карнайн» номли китоби Ўрта Осиё тарихи ва этнографиясини ўрганишда, фольклоршунослик ва классик адабиётга оид айрим масалаларни ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Файзулла БОЙНАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати

Ибн Баттута



«Мен шаҳарга етиб келиб, унинг ташқарисида тўхтадим. Ҳамроҳларимдан бири шаҳар қозиси Садр Абу Хафс ал-Бакри деган кишининг ҳузурига йўл олди. У менга ўз ноиби Нурил Исломни юборди. Нурил Ислом келиб мен билан саломлашиб ҳолаҳвол сўрашгач, ўз хўжасининг олдига қайтиб кетди. Шундан сўнг қози ўз одамлари ҳамроҳлигида келиб мен билан кўришди. Ўзи ёш эрса-да, хизматлари улуғ бўлган қозининг икки ноиби бор эди, бири ҳозир эслатилган Нурил Ислом, иккинчиси эса, олло таолога эътиқоди устивор ва фиқих илмини сув қилиб симирган Нуриддин ал-Кирмонийдир. Қози билан учрашув чоғимизда у менга шундай деди: «Шаҳримизда азбарои одам кўплигидан йўл топиб юришингиз амримаҳолдир. Шу боис ноибимиз Нурил Ислом бошчилигида тонгга яқин кира олурсиз». Рози бўлмасликка иложимиз қолмади. Биз кимсасиз бир мадрасага қўндик. Бомдод номозидан кейин ҳузуримизга юқорида номи қайд этилган қози ва у билан шаҳарнинг мартабали кишилари ҳам ташриф буюрдилар. Улар орасида мавлоно Ҳумомиддин, мавлоно Зайниддин ал-Мақсадий, мавлоно Рийоиддин ал-Ридовий, мавлоно Жалолиддин ал-Имодий ва Хоразм амирининг имоми Шамсиддин ас-Синджорийлар ҳам бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳурматга муносиб одамлар эди...»[1]

Ушбу сатрлар шарқшунос олим Н. Иброҳимов томонидан нашрга тайёрланиб, 1988 йили Москвада чоп этилган «Ибн Боттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳатлари» номли китобига тааллуқлидир. Ибн Боттута ҳақидаги бу китоб биринчи марта нашр этилган бўлиб, унда сайёҳнинг ҳаёти ва сафар таассуротлари баён қилинади.

Ибн Боттутанинг тўлиқ номи Шамсиддин Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Лаватий ат-Танжий бўлиб, 1304 йили Марокашдаги Танжир шаҳрида, ўрта ҳол оилада дунёга келган. Ўз шаҳрида саводини чиқаргач, илмга чанқоқ сайёҳ 1325 йили Маккага йўл олади. Мунаққид Н. Иброҳимовнинг ёзишича, йигирма етти йиллик саёҳати давомида Ибн Боттута юзлаб катта-кичик шаҳарлар, қишлоқларда бўлиб, Шимолий ва Ғарбий Африка, Арабистон ярим ороли, Испания, Туркия, Эрон, Шарқий Европа, Ўрта Осиё, Ҳиндистон ҳамда ниҳоят Хитойга саёҳат қилган. Бу эса роппа-роса 150 минг километрлик масофани ташкил этади. Агар ўша давр назари билан қаралса, ҳар қадами хавф-хатарларга тўла машаққатли бўлган ўша оғир йўлни босиб ўтиш кишидан сабр-матонат талаб қилар эди.

Ибн Боттута қадами етган ҳар бир мамлакатнинг шубҳасиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига, маданиятига алоҳида эътибор берган. Кўрган-кечирганларидан ташқари эшитганларини ҳам ўз назар-эътиборидан қочирмаган. Айниқса, унинг Қора Денгиз орқали Қримга, сўнгра Олтин Ўрда пойтахти Сарой Беркага келгандаги фаолияти Н. Иброҳимов китобида тарихий далиллар асосида батафсил ёритилган. Лекин биз учун буюк сайёҳнинг 1333 йилнинг бошларида Ўрта Осиёга қилган сафари қимматлироқдир.

Мақоламизнинг бошида сайёҳнинг Хоразм пойтахти кўҳна Урганчга етиб келиб, унинг қозиси томонидан кутиб олинишига иқтибос берган эдик. Хуллас, сайёҳ машҳур тарихий шахс Қутлуғ Темур билан кўришгани ҳақида ёзади:

«Хоразм амири дарҳақиқат исми-жисмига монанд киши эди. У, султон Муҳаммад Ўзбекнинг она томонидан холасининг ўғли бўлиб, унинг улуғ амирларидан бири эди. Айни вақтда у Хуросоннинг волийси (ҳокими) ҳамдир. Унинг ўғли Хорунбек султон Муҳаммад Ўзбекнинг қизига уйланган...

Қози мен билан кўришгани келганда шундай деди: «Амир сени кўргани келмоқчи эди, бироқ тоби қочиб қолди. Кейин мен амирдан ҳол-аҳвол сўрагани қози билан бирга жўнадим.

Биз амирнинг уйига келдик ва ҳашаматли меҳварига (девонхонаси) кирдик. Хоналарга ўймакор дурадгорлар жило берган. Биз гумбази ўймакори нақшлар билан безатилган кичик уйга кирдик. Деворларига ранго-ранг палаклар ёзилган, шипларига шоҳи зардўзлар илиб қўйилган. Амир шоҳи кўрпачада ўтирарди, оёғини, боди қўзигани учун кўрпага ўраб олган эди. Бу касаллик турклар орасида кенг тарқалган. Бориб амир билан кўришдим ва у мени ўз ёнига ўтқазди. Шунингдек, қозилар ва фақиҳлар ҳам ўтиришди. Амир фотиҳ Муҳаммад Ўзбек ҳақида суриштирди. Боёлун[2] хотун ва унинг отаси ҳамда Қустантания шаҳри ҳақида ҳам сўради. Мен унга билганимча ҳаммасини сўзлаб бердим. Кейин таомлар тортилди. Қовурилган товуқ, турна ва каптарлар, бўғирсоқлар, мойли кулчалар ва турли қандолатлар келтирилди. Ундан сўнг баркашда тилла ва кумуш тахсимчаларга солинган ҳўл мевалар узатилди. Уларда пўстлоғи тозаланган анорлар бўлиб, ёнида тилла ва ёғоч қошиқлар ҳам бор эди. Бир қанча ироқи чинни идишлардаги узум ва ажойиб қовунлар кишининг иштаҳасини очиб юборарди.

Амир жорий этган одатлардан бири шу эдики, у ҳар куни қозининг қабулхонасига келиб, ўзига ажратилган курсига ўтирарди; унинг билан бирга фақиҳлар ва котиблар ҳам келардилар. Қозининг рўбарўсига эса, бош амирлардан бири ўтиради, унинг ҳузурида ёрғучи деб аталадиган саккиз нафар сара турк амир ва шайхлари бўлади; буларнинг ҳузурига одамлар даъво-дасторлар билан келадилар. Диний ишларга тааллуқли жанжалларни қозининг ўзи ҳал этади, бошқа масалаларни эса, ҳалиги амирлар кўриб чиқадилар. Улар ишларни тўғри ва адолатли ҳал этар, ҳеч бир масалада зинҳор қизиққонлик қилмас, пора олмас эдилар. Муддаийлар ҳам шунга кўникиб қолган эдилар, деб ёзади Боттута ўз сафарномасида.



Рассом Т. Саъдуллаев.

Шубҳасиз, бу сўзлар XIV асрда, Ўзбекхон замонасида, ислом дини Олтин Ўрда жамияти юқори табақасининг ҳукмрон идеологияси бўлиб қолгандан кейин ҳам суд ишларининг бир қисми ҳамон ёрғучилар қўлида, яъни мўғулларнинг одатдаги қонуни бўлган Чингизхон ясоси асосида ҳукм қилувчи судъялар қўлида бўлганлигини яққол кўрсатади. Аммо ана шу ясо асосида иш кўриш давом этишига қарамай, бу ерда шариатнинг ва унинг намояндалари бўлган қозиларнинг ҳам таъсири бениҳоя кучли бўлганлигини асар давомида пайқаш қийин эмас.

Шунингдек, Ибн Боттута Хоразм амири Қутлуғ Темурни одил, фуқаропарвар, унинг завжасини, яъни Тўрабек хотунни диёнатли, товфиқли деб таърифлар экан, буларнинг сайъи ҳаракатлари билан кўҳна Урганч ва Хоразмнинг бошқа талай жойларида олиб борилган юксак қурилишлар, ободонлаштириш ишларининг адоғи йўқлигини, ўша даврларда то Чингизхон истилоси (1221 йил)га қадар Хоразмда аҳоли қандай зич бўлган бўлса, Қутлуғ Темур даврида ҳам шундай аҳоли зич яшаганлигини, ҳатто тонгдан шомгача одам тирбанд ҳаракат қилганлиги туфайли шаҳар гўё чайқалиб турган денгизга ўхшашлигини алоҳида мамнуният билан ҳикоя қиладики, бу тафсилот кўз олдимизда маданияти ҳар томонлама камол топган, савдо ишлари ривожланган қудратли давлатни гавдалантиради.

Сайёҳ Хоразмдан оқиб ўтадиган Амударёга ҳам эътиборини қаратиб: «...Хоразмнинг шундоқ ёнидан жаннатдан ато этилган тўрт дарёдан[3] бири — Жайхун дарёси оқиб ўтади. Бу дарё Итилга[4] ўхшаб кетади», — деб ёзар экан, ушбу дарёни нафақат ҳаёт, балки хоразмликлар тижоратининг манбаи эканлигини ҳам қайд этади.

Ибн Боттута Хоразмда қисқа вақт турғандан кейин ўша даврларда чиғатойилардан Аловиддин Тормаширин (1326—1334 йил) ҳукмронлик қилган Мовароуннаҳрга йўл олган. Умуман,

у қаерда бўлмасин, ҳамиша бирдай илиқ кутиб олинганини қайта-қайта баён қилади. У дастлаб оламга машҳур шаҳарлардан бири Бухорога бораётиб, унинг ниҳояси Вобкентда тўхтаганини шундай таърифлайди:

«Бу Бухорога бир кунлик йўлда жойлашган, ҳовузлари, боғ-роғларига эга чиройли шаҳарчадир. Аҳолиси узумни йил давомида сақлайдилар. Уларда айниқса, бир нав мева бўлиб, уни ал-аллу (олхўри) деб атайдилар. Одамлар уни қуритиб Ҳиндистон ва Хитойга элтадилар. Етилиб пишган меваларни сувга чайиб ичадилар. Қуритилганлари эса нордонроқ таъм беради. Бу мева кўп юмшоқки, бундайини Андалузияда ҳам, Сурияда ҳам кўрмадим». Шундан кейин у, кун бўйи бутқул боғлар, ҳовузлар, дарахтзору ям-яшил экинзорлар оралаб Бухорога етиб борган. Шаҳарни зиёрат қилар экан, бу ўлкада унча кўп бўлмаган омон қолган баъзи иншоотлардан бошқа Чингизхон даврида вайрон этилган масжид, мадраса ва бозорлар ҳанузгача хароба ҳолида ётганини ачиниш билан гапиради. Ундан сўнг Бухородан узоқ бўлмаган Фатхободга ташриф буюради.

У ерда Ибн Боттута машҳур дин арбоби Сайфиддин ал-Боҳарзийнинг невараси, юртнинг улуғларидан бири муфти шайх Яъҳё ал-Боҳарзийнинг уйида меҳмон бўлган. Бу одам унинг Ибн Боттутанинг ташрифи шарафига шаҳарнинг таниқли кишиларини уйига чорлаган. Қиссахонлар ажойиб овозда Қуръон ўқиганлар. Муфтининг ўзи маърузалар қилгани, турк ва форс тилларида жуда латиф қўшиқлар айтилгани ва бошқалар ҳақида саёҳатномада батафсил ҳикоя қилинади.

Ибн Боттута шундан сўнг Нахшобга (Қаршига) борган ва султон Тормаширинниинг қабулида бўлгани, у билан қилган мулоқотлари ҳамда бу ҳукмдорнинг ва эшитиши бўйича унинг ўтмиш тахтдошларининг сифатлари, ҳамма-ҳаммаси ҳақида муҳим тарихий маълумотларни баён этади. Сайёҳ бу ердан Самарқандга боргани, Н. Иброҳимовнинг ёзишича, ўша 1333 йилиёқ у Ўрта Осиёга қилган саёҳатини якунлаб, Шимоли-Шарқий Эронда, ундан кейин Афғонистонда бўлади. У ердан эса, Ҳиндиқуш орқали 1333 йил 12 сентябрда Ҳиндистонга борган ва у ерда қарийб саккиз йилча туриб қолган. Сўнгра ўзи қўпдан бери орзу қилган Хитойга боришга мушарраф бўлган. Тиниб-тинчимаган бу донишманд сайёҳнинг айниқса Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тўғрисида ёзиб қолдирганлари, гарчи ўша давр оддий меҳнат аҳлининг ҳаёти тарзини кам қаламга олиб, кўпроқ ҳукмрон синф вакилларининг таърифини келтирган бўлишига қарамай, ўлкамиз тарихи, унинг маданиятига оид бизгача етиб келмаган муҳим манбаларни туҳфа этади. 73 йил яшаб ўз ватанида вафот этган зўр ирода, ақл-идрок соҳиби бўлган бу араб сайёҳининг фаолиятини мунаққид Н. Иброҳимов чуқур таҳлил этганига шубҳа йўқ. Бироқ мазкур китоб ёзилаётганда айрим нуқсонларга йўл қўйилганлиги ҳам сезилиб қолади. Масалан, мунаққид китобнинг 10—11-бетларида: «Сарбадорлар Хуросонда ўзларининг мустақил давлатларини тузганлар. Бу давлат 1337 йилдан то 1381 йилгача яшаган», деб ёзаркан: «Ибн Боттута у ерга борган ҳамда бу ҳақда батафсил маълумот берган... Ибн Боттутанинг сарбадорлар давлати тўғрисида келтирган таърифлари ғоят ноёбдир», дейди. Биз муаллифнинг юқоридаги маълумотларига кўра Ибн Боттута ўша 1333 йилиёқ Ҳиндистонга бориб, у ерда узоқ йиллар туриб, сўнг Хитойга сафар қилганлигини назарга олсак, маълумотлар оралиғида ноаниқлик бордай кўринади. Хўш, у қандай қилиб Шарқий Хуросонга қайтиши ва сарбадорлар ҳаракатини кўриши ҳамда у ҳақда батафсил ёзиши мумкин, деган савол ўз-ўзидан туғилади. Шунингдек, китобнинг 120-бетидаги 140-изоҳда: «Абу Язид (Боязид) Тайфур ибн Исо» ҳақида ёзганида уни «IX асрда Бистомда туғилиб... 847 йилда вафот этган», деб кетган. Ваҳоланки, шарқшунос олима Дилором Юсупованинг 1980 йили Тошкент «Фан» нашриётида чоп этилган «Мўъжамали Фасихий» («Фасихийнинг мажмуалари») асарида (68-бетда) ўша олимнинг тўлиқ исми ҳам, унинг 1341 йили вафот этгани ҳам аниқ ёзилган. Лекин, шуларга қарамай, китобхонларга гарчи бу китоб ҳанузгача араб тилидан тўлиқ ағдарилмаган бўлсада, ноёб туҳфа бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, ўлкамиз тарихи ва маданиятини ўрганишда бундай асарлар ниҳоятда зарур. Улар тўлиқ ҳолда ўз она тилимизда чоп этилса, яна ҳам нур устига аъло нур бўлур эди.


Ҳабибулла ЗАЙНИДДИНОВ

[1] Н. Иброҳимов. Ибн Боттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳатлари. М. «Наука», 1988 йил. 74-бет.

[2] Олтин Ўрда ҳукмдори Ўзбекхоннинг хотини. Константинополь қироли Ласкариснинг қизидир. Ҳ. З.

[3] Нил, Тигир, Ефрат, Жайхун дарёлари назарда тутилади.


[4] Волга дарёси.



Миррих йўлдоши — Фобоснинг ёруғ қисми тасвири.



Суратлар телефазовий алоқа орқали олинган.



Фобоснинг Миррих олдидан кўриниши.

МИРРИХ ОЙИ

Асосий улкан залга нисбатан солиштирганда «Фобос» бўйича бошқарув зали жуда ҳам кичикдир. Ва лекин телемониторлар ходимлар билан зич, бош суқишга жой йўқ. Барча қатордаги ҳамма ўринлар банд, экран узра сатрлар югуради, шартли тасвирлару жадваллар тизилади. Евпаториянинг узоқ фазовий алоқа станциясидан олиб бораётган кўрсатувлари, Фобос суратларининг иккинчи туркуми давом этади.

Хусусан, қўшалоқ кўрсатув олиб борилаётган эди. Учта узатгич — Евпатория, Айиқ Кўл ва Уссурия тонгги соат 4.25дан тунги 0.26га қадар бўлган улкан (албатта, Ер курасининг камтарин масофасига кўра) радиомайдонни вужудга келтиради. Улар ҳали «Миррихликлар» орбитаси билан «гаплашмоқдалар», икки соат бурун қабул қилинган Фобос суратлари (Қуёш мажмуига кўра радиосигнал сифатида роппа-роса 12 минутда учиб келади) ер тармоқлари бўйлаб узатилади ва ниҳоят қайта ишлаш компьютери ёрдамида ҳар хил тўсиқ ҳамда доғлардан тозаланиб ПБМ (Парвозни бошқариш маркази) экранларига туширилади. Кадрлар бир-бирини алмаштиради. Улар ўн бешта бўлиб, мана шу орбита учун камида уч юз чақирим масофа тартибида «Фрегат» видеокомплекси орқали суратга олинган. Эслатаман, биринчи суратлар туркуми тўққиз юз минг чақирим беридан ўтказилган эди. Бу аён: узоқдан керакли нуқтани топиш осон.

Қисқабурчакли ва кенгбурчакли объективларнинг алмашинуви Фобосни гоҳ узоқдан — Миррих доираси ёнида чағиртошсимон, гоҳ яқиндан — вулқон кўзли оппоқ каттакон картошкасимон тарзда кўришга имкон беради...

— Олдингисига қараганда бугунги суратга олишлар қўшимча нима беради? — Г. Н. Бабакин номидаги илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари К. Сухановдан сўраймиз. У айни пайтда парвоз раҳбари муовини ҳамдир.

— Бу ҳам кема қатнови мавсуми характерига эга. Аммо энди Фобоснинг жуссасини ўрганиб, ўқ-тўп ҳаракати қонунияти асосида тинч ҳаракат кенглигида йўлдошнинг қўниш маркази белгиланади, шундан келиб чиқиб унинг орбитал, аппарат билан ўзаро ҳолати жуда ҳам аниқ ҳисоблаб чиқилади. Ўзаро ҳаракатини ҳисоблаш учун бир неча кун кетади, кейин тахминан бирон ҳафтадан сўнг яқинлашишига яна бир бор фаол ҳаракат қилинади.

А. ТАРАСОВ

СЎЗГА ИМОН

Ҳаёт — мураккаб деймиз, аслида, одамлар мураккаблигини яширамиз. Содда одамнинг «мураккаб» бўлмагани учун ҳузур қилиб куламиз, лекин қалбида чўғи йўқ одамнинг устидан ҳеч ким кулмайди. Баъзан умри ёнмаён ўтаётган одамни билиш қийин, чунки ёнган лаҳзалари йўқ: токи ёнмай туриб, кўзларига олов қўнмай туриб одам — жумбоқ, одам — мураккаб сайёра, одам — сирли олам. Ёнмаган оловнинг тафти йўқ...

Худди шу маънода ҳам Аҳмаджон Ғуломович Мухторовни билишликка даъвогар эмасман, уни мендан яхши биладиганлар бор. Ишонтириб айтаман, менинг мақтовимга алоҳида эҳтиёж йўқ, чунки мендан минг чандон ошириб мақтагувчилар бор. Катта йўлни босиб ўтган журналист ҳаётининг бир неча лаҳзасигагина шоҳидман. У билан сон-саноқсиз кунларни бирга қаршилаганлар бор. Депутат ҳақида сўзни балки улар айтишар?

Ҳаёлимда андишалар чарх уради, ҳар ким ўз авлодига гувоҳ ўтгани яхши экан, от тепкисини от кўтаради, деганлар... Лекин газетачининг умрини ўзидан бўлак ҳеч ким бор бўйи билан қоғозга кўчира олмаса керак. Айниқса, ёнишни севган журналист ҳаётини! «Ҳаёт — ёнган лаҳзалардангина иборат, қолганини ёшга қўшса бўлади, лекин умрга эмас», деганди у бир сафар. Балки, бу унинг ақидасидир? Катта бир умрдан уч лаҳза — учқун эмасми? Лекин умрида бир марта ёнмаганлар бор, эҳтимол, улар учун тутантириқ бўлар...

1

Олтмишинчи йиллар... Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика (аввалги филология) факультети талабалари учун ишлаб чиқариш практикаси чин байрам эди. Ёзги, биринчи практикага темир қанот чиқарган полапонлардек учиб кетдик. Биринчи таассурот бир-бирига эндигина кўниккан ёш дилларнинг қачондир мана шундай тирқираб-сочилиб кетишини ёдга соларди. Ҳадемай айрилиқ ўрнини ёқимли таассурот эгаллай бошлади: республика, область газеталари, журнал ва нашриётларнинг турли-туман эшикларига «сочилиб» кетган навниҳоллар ўз орзусидаги «чинор»лар билан рўбарў турарди. Практикадан кейинги айрим «интервью»лар Миррихдаги ҳаёт ахборотидек мўъжизакор эди:

— Мен Ҳабиб Нўъмонни кўрдим, сочлари қордай оппоқ экан.

— Нақ икки қадамдан Ориф Юнусни кўрдим, дўппи кияркан!..

Бу қандай лаҳзалар? Ёш қалбни титратган куч нима? Унда мақтанишми ёки ҳайрат яширинганми, айтиш қийин, лекин бу мурғак қалбларга кўмилган ўчмас лаҳзалар эди, бу номлар тилдан-тилга кўчганда юракка ларза соларди, учқун улашарди. 60-йиллар ўзбек журналистикасининг ҳайрати эди улар... 80-йилларда кимлар билан ҳайратланаяпмиз, ҳайрат яшаяптими — менга қоронғу. Ҳайрат — қайта қурилмас мезонга киритилишини истардим... Аввал ҳам ҳайрат йўли ғовлардан холи эмасди, ҳар қадамда ҳасад уни чалиб турарди. Факультетимиз жойлашган Хадра майдонидан ҳайратмакони — газеталар корпусига қадар талабалар саф туриб қулоч ёзса етгулик эди, лекин Ҳабиб Нўъмон, Ориф Юнус, Зиёд Есенбоев, Расул Раҳмон, Воси Маҳкам, Рустам Раҳмонларни ёш қалблар ҳаёлида чизарди. Лекин бугун маън этилган «кўҳна ва янги» тарихларнинг ўзи ўқув программасида минг соатни ташкил этарди! Эвазига ҳеч нима талаб этмайдиган тирик тарихлар — «Ҳабиб Нўъмон таълими» «Ориф Юнус курси», ўрнини яна минг соатлаб «Чет эл журналистикаси тарихи» эгалланган!

Мавзудан четга чиқсам ҳам, ёввойи ва ғўр илк таассуротларимиз алдоқчи бўлмаганлигини таъкидлашни истардим. Тақдир тақозоси ила 70-йилларда оз муддат Ҳабиб Нўъмон билан ишлаш бахти насиб этганда мен бунга яна иқрор бўлдим. Табиатан ювош ва мулойим, юксак маданиятли Ҳабиб ака (дўстлари Ҳабибқори дейишарди) сиртдан сокин, қўлларини ғайритабиий силкиб, тебраниб юрар, лекин иш столида ўзига хос ёниш лаҳзалари бор эди. Унинг «Хоним ҳаммомга келадилар» (1943 йил) фельетони ва «Сут ва қон» (1964 йил) танқидий публицистикасини шундай ёнган кезларида ёд ўқиганига гувоҳ бўлганман. Юракдан ёзилган асар юракда қоларкан, қолганларини эса газета тахламлари ҳўплаб кетаверади... Газеталар тахламини бир жойга тўпласа, космик кеманинг кераги йўқ, ойга бемалол етади, лекин тилга тушган, юракдан кўчганлари бармоқ билан санарли. Шунга қарамай, Ҳабиб Нўъмон, Ориф Юнуснинг журналистик тадқиқотини тўплаб бироита муқова остида тартибга солиш ҳеч кимнинг хаёлига келган эмас, чунки қайта қуриш замонида ҳам «янги тарих» билан бандмиз... Дорилфунун талабаси эса энтикади: «Мен Ҳабиб Нўъмонни кўрдим, сочлари...», «Нақ икки метрдан Ориф Юнусни кўрдим...» энди эса, бу ҳайрат ҳам йўқ, начора, «оқсоч Ҳабиб Нўмон» ҳам, «дўппилик Ориф Юнус» ҳам абадий эмас экан.

...Мана, болалик орзуим — Самарқанддаман, орзулар бисёр. Газета деганлари ҳаёт шитобининг ўзи, ташвиши ҳарфларидан кўп, у бизнинг орзуларга бўйсунмай яшарди. Газета фотомухбири Ғулом Алиев «бисмилло» деб редакция эшигини очиб, газета остонасини ҳатлагандан буён отпуска нималигини билмас экан, елкамда осиғлик «Зенит» фотоаппаратимни кўриб, қучоқлаб кўришди: «Э, бормисиз, ука!» Кунига ўнлаб суратни ҳўплаб турган бутун бошли газета штатида биргина фотомухбир бўлгач, аҳвол маълум-да: муҳаррирнинг ўрнини босишга талабгорлар кўп, лекин фотомухбир — ноёб шахс!

Газета муҳаррири Лутфулла Ҳамроев, унинг ўринбосари Малик Наврўзов, масъул котиб Аҳмаджон Мухторовлар коллективда мураббий сифатида тан олинган, суяги газетада қотган журналистлар эди. Лутфулла ака асли Қашқадарёнинг Косонидан бўлиб, оғир тақдир сўқмоқларини бошдан кечирган, болалар уйида тарбия кўрган, ҳаётда мустақил йўл топган, фронт газетасида қалами чархланган, мен таниганда икки область — Хоразм ва Самарқандда (кейинчалик 1967 йилдан янгидан ташкил этилган «Наманган ҳақиқати») газеталарида муҳаррирлик қилганди. Малик Наврўзовни жўшқин, қаттиққўл ва лекин ҳалол журналист сифатида билишарди. Унинг «оилавий принцип»да ҳам бир сўзли, қайсарлигича тасодифан гувоҳ бўлганман. Практикант тайёр дастёр эмасми, корректура мудираси Зоя опа дуч келдим дегунча қўлимга саҳифа тутқазиб, хонама-хона шошилинч жўнатарди: «Икки»ни олиб боринг, «Уч»ни олиб қайтинг... Малик Наврўзов «уч» ни ўқиб тугатмаган, устига-устак телефонда кимгадир зарда билан уқтирарди:

— Билмасангиз билиб қўйинг, менда оилага биркитилган машина йўқ, докторга ҳам, роддомга ҳам йўқ! Ҳа-ҳа, редакторга машина биркитилган. Бир эмас, иккита! — Малик ака кесиб-кесиб ташларди... — Мен эса, бор-йўғи ўринбосарман! Машинада юраман десангиз...

— Машинангиз ҳам қурсин, ҳазилингиз ҳам қуриб кетсин! — телефондаги аёл овози менгача эшитилди.

Кейин билсам, умрида бир марта машина сўраган (унда ҳам қўлини синдириб қўйган набираси учун) Александра Радионовна Малик аканинг турмуш ўртоғи экан. Бу оиладаги садоқат ва меҳрибонлик ҳақида кейин кўп эшитдим ва бунда Малик аканинг тўғрисўзлиги ҳам озмунча рол ўйнамаган бўлса керак, деган ўй кўнглимдан ўтди.

«Ленин йўли»нинг ўша йиллардаги гвардияси бугуннинг гази билан ўлчанганда ҳам бақувват журналистик мактабга айланган эди: ёш олим Наим Ғоибов ва ёзувчи Оқилжон Ҳусановлар яқинда Тошкентга ишга ўтишган, эндиликда Аҳмаджон Мухторов, Нормурод Нарзуллаев, Суръат Орипов, Ҳакима Ҳасанова, Ҳамида Каримова, Ўктам Жавлоновлар ижодий муҳитга бош-қош эдилар. Мураббий ва ворислик анъанаси айниқса кучли эди. Редакция остонасини ҳатлаган ёш ходим дастлаб албатта Зоя опанинг диктантидан ўтиши шарт эди. «Ленин йўли»нинг неча авлоди мана шу чиғириқдан ўтган, шу жумладан Аҳмаджон Мухторов ҳам! Саноат ва партия турмуши бўлимларини неча ўн йиллар бошқарган Амур Ғайнов, Отахон Хўжаев, ўспирин йиллари газетага келиб шу даргоҳдан пенсияга узатилган Бобоқул Имомовларнинг ўз соҳаси ва мавзуи бўлар, бу борада улар областда қомусий билимдон ҳисобланишарди. Олимлар, мутахассислар, хўжалик раҳбарлари уларга тез-тез мурожаат қилиб туришар, кенгашларга таклиф қилишар, маслаҳат солишар эди. Кейинчалик, газетачилик масъулияти бошга тушганда, мураббий ва ворислик газета учун нақадар бахтли хазина эканлигини ўйлаб қоламан. Қомусчи журналистлар — Ҳабиб Нўъмон, Тўлаган Соатов, Аҳмад Исмоилов, Рихси Соҳибоев, Холбек Едгоров, Аҳмад Шорахмедовлар қани? Областларда Ғайнов, Хўжаев ва Зоя опалар омонми? Шундай мустаҳкам пойдеворлар устидагина саодат куртак ёзиб, навниҳоллар гулга бурканиши сир эмас, акс ҳолда, газетанинг вазн қаноти енгил бўлса-да, газетачи ҳаёти, редакция шитоби шу қадар тез, изғиринлари шамширдай кескирки, мурғак ниҳолларни устозлар қалбининг меҳри ва тажрибасигина асрайди...

Тўрт ойлик ишлаб чиқариш практикасида нималар бўлмайди дейсиз, лекин бундай нохушлик кутилмаганди... Ўша йилларнинг орзуси — Комилжон Отаниёзов ансамбли (Олмахон Ҳайитова шу ансамблда хонанда эди) Самарқандда меҳмон эди. Ёзги театрда ур-тўполон, лекин билетлилар қолиб, йўлини топганлар арзанда. «Осойишталик посбонлари» йўлга кўндаланг туриб, «тартиб» ўрнатишарди: оқибатда рақамлари ўчиб кетган скамейкада билетсиз «шинаванда» аллақачон ялпайиб ётиб олган, билетли бечора эса осойишталик посбонларининг ҳалқасидан ўтолмай сарсон, ўтганлари эса «шинаванда»нинг тепасида қоққан қозиқ бўлиб турибди, яна қанча туради, номаълум. Концерт ҳангомаларига тааллуқли бир неча «антиқа нусхалар» фотообъективга кўчганини сезиб қолган «осойишталик посбонлари»нинг ҳаловати бузилиши табиий эди. Кутилмаган саросима уларни нималарга бошламади дейсиз, лекин на «дипломатия», на плёнкани сотиб олишга бўлган уринишлар иш берди. Аламзада оломон бўш келмасди: «Боплаш керак порахўрларни!», «Муштум»га уриш керак!»

Эртасига қўлларида «пул ўйнаган» соқчиларнинг бир тахлам суратлари масъул котибнинг столига қўйилди ва воқеа тафсилоти ҳақида ахборот берилди. Ҳаммасини осойишта тинглаётган Аҳмаджон Мухторовнинг юз-кўзида мен аввал кўрмаган лаҳзага дуч келиб турардим: унинг чўққа айланган кўзларида чақмоқ чақнарди:

— Аблаҳ! — У столга кафти билан бир уриб қўйди. Мени шубҳа кемирарди: «Наҳотки, наҳотки, милиция?! Ё мен оҳиста шивирладим ёки у эшитмади, лекин саволни такрорлашга

ҚЎНМОҚДА...

ҳожат қолмади, масъул котиб қўлидаги суратлардан иккитасини стол устидаги ойнага шарт урди-да, ортига катта-катта ҳарфлар билан ёзиб, имзо чекди: «В номер!» Кейин менга юзланиб, одатдаги оҳангда деди: «Текстини тезлаштиринг, уч қоғоз етар?» Мен бош иргадим, ичим ёнарди, ундаги олов энди менга кўчганди...

Эртасига Аҳмаджон Мухторовни алламаҳалгача топмадим, обкомга чақириб кетишибди. Индинига — горкомга... Миш-миш ўрмалади: милиция Мухторовга очиқ жанг эълон қилган эмиш! Кўчанинг гаплари узун қулоқ эди, гўё газета «маъмурий органларнинг обрўсини тўкиб, сиёсий хатога йўл қўйган эмиш!» Лекин масъул котибнинг ўзи бу ҳақда гапирмасди. Унинг на ўзидан, на кўзидан менга нисбатан ўзгарганини сезмасам ҳам, сўрагим келарди, лекин қандай? «Кечирасиз, сизни маломатга қолдирдим шекилли?« У эса ҳеч нима сездирмасди, аксинча, дуч келдим дегунча, кўзи билан одатдагидай кулиб турарди. «Нега?»

— Одамлар айтишяпти, сизга танбеҳ беришган эмиш...

Ҳамсуҳбатим елкамга қўл ташлаганда яна кўзларида ўт чақнаб кетди:

— Ҳалол сўз яшаши керак. Ҳалол сўзни қўллаб туриб йиқилсак ҳам майли, ҳалол йиқилган бўламиз. Бу ғирром ғалабадан гаштлироқ!..

II

Ўтган йилнинг жазирама июль ойи эди. Одатда стол гардишига кўксини тираб доимо иш билан банд бўладиган Мухторов хона ўртасида таъзияномаси эртасига шаҳар газеталарида «бир гуруҳ ўртоқлари» номидан босилиб чиқди. Дафн куни ҳам «бир группа ўртоқлар учун» яна ўзи жонсарак бўлиб чопиб юрди... «Минор» қабристонида ўтган камтарона мотам митингини ҳам Самарқанд дўпписини бостириб кийган раис очди ва газетанинг тор рамкасига сиғмаган журналист умри ва қадри ҳақида гапириб, ҳозир бўлганлар қалбига чўғ ташлади:

— Биз бугун нафақат яхши инсон ва ажойиб муҳаррирдан, балки эллик йиллик хазинамиздан айрилиб турибмиз. Биз, тириклар яна бир жангчи журналистни асрай олмадик, тиригида ардоқлай билмадик. Ветеранларимиз бунга жуда муҳтож ва шунга жуда муносиб!

Мухторовни байрам минбарларида кўрганман, нутқи қулоғим остида жаранглаб турибди. Назаримда, унинг бугунги «алвидо!» сўзи ҳам этни жимирлатувчи, журналист тақдири ҳақида чуқур ўйга толдирувчи даъват эди. Минг йиллик тарихга эга бўлмиш «Минор»нинг сокин қучоғида у журналист қадри ҳақида ёниб гапирганда, кўплар қатори мен ҳам, нисбатан янги сайланган раисни қайтадан кашф этгандек бўлдим. Кўз ўнгимда у шу мотам лаҳзаларида қалбни ёқаётган эди.

III

СССР Журналистлар союзининг шу йил 20 январда бўлиб ўтган пленуми СССР халқ депутатлигига кўрсатилган 97 кишидан сайлов тарихида биринчи марта очиқ демократик тарзда танлаб олинган 15 номзодни маълум қилди. Иттифоқнинг забардаст журналистлари орасида Аҳмаджон Ғуломович Мухторовнинг ҳам

хаёлпараст турарди. Анчайин гурунг устида ҳам қўлида қалам «қитир-қитири» тинмайдиган муҳаррир бурқсиб, қорайиб кетган кўринди. «Бевақт келибман», кўнгилдан ўтказдим. «Сиз эслайсиз-ку, Лутфулла акани, бугун қўққисдан қазо қилибдилар...»

Ўзбек журналистикасига 50 йил умрини бағишлаган, 30 йиллик муҳаррир Лутфулла Ҳамроевни республикада билмаган журналист кам бўлса керак. У сўнгги йилларда Тошкент шаҳаркомида партия комиссиясининг аъзоси эди. «Тартибни кўринг, 50 йиллик коммунист, журналист шаънига газетада икки энлик таъзияномa эълон қилиш учун аллақанча пул тўлаш керак эмиш!» Журналистлар союзи правлениеси раисининг хаёлида оғир ўйлар чарх ураради: узоқ журналистик ҳаётда минглаб кишиларга таъзияномa битган ва имзолаган муҳаррирнинг умр поёнини кўринг, икки энлик ҳамдардлик айтадиган идора йўқ! Тошкентда кекса журналистнинг ҳаёт йўли бевосита кесишган уч идора билан боғланиб, унинг «шахсий дело»сини топиб бўлмасди: пенсияга чиқиб кетган, дейишади. Пенсия — одамларни ҳаётдан ўчириш ҳукми эмас-ку! Наҳотки журналистнинг қисмати шундай бўлса? Йўқ, бундай ташлаб қўйиб бўлмайди! Бунга ортиқ чидаб бўлмайди!..»

Аҳмаджон Ғуломович ўз-ўзига сўзлагандек гап қотар ва ҳаётдан хулоса қиларди. Ниманидир эслагандек, шитоб билан телефонга яқин келиб, номер тера бошлади:

— Фаридахон, салом!, — деди у Журналистлар союзининг Тошкент бўлимига сим қоқаркан, — бир пайтлар ветеранлар билан фаол шуғулланa бошлаган эдингиз... Ҳа, хабарим бор, Тўлқин ака Рустамовни раис қилиб сайлашган, ветеранларнинг муносиб лидери бор. Агар сизга малол келмаса...

Аҳмаджон Ғуломовичнинг икки тилда ёзган номи бор. Унинг сайловолди программасида қандай режалар борлиги мени ҳам бефарқ қолдирмайди, албатта. Лекин олдиндан айтиб қўяй, кўплар қатори Мухторовнинг ҳам «заиф» томонлари бор: у сўзга хасис, айниқса: ундан ваъда олиш қийин! Кафолат беришим мумкин, жуда ҳам қийин! Ҳаёт тўлқини кенг экан, қанча «ваъда» керак бўлса, бугун бизнинг Тошкентдан, қолаверса, республикадан — территориал округлардан кўрсатилган номзодларимиздан «қоп-қопи» билан олса бўлади. Марҳамат, олам-олам ваъдалар... Бўлажак депутатларимиз нималарни «ваъда» қилишмайди дейсиз: хоразмлик бир шоввоз, депутат бўлса бас, экология фожиасини даф этар эмиш! Фақат қаерга даф этишини айтмабди! Яна бири Мўйноққа бориб, Оролни сувга тўлдириб беришга «ваъда» қилди! Яна аллақайси бири «пахтани 4 миллион тоннага тушираман!» деб лоф ураётир! Бундоқ тушинг, ердаги реал воқеалардан, бозордаги бор гаплардан гаплашайлик! Депутатнинг вазифаси баландпарвоз шиор ташлашдан иборат, қолганини кимга керак бўлса бажариб олади-да, деб тушунган номзодлар қаттиқ янглишади, чунки энди сайлашни ўрганган халқ ўтлаб кетган депутатни чақириб олишга ҳам қодир: биргина ўтган чақирикда СССР Олий Советидан 20 депутатнинг ваколати муддатидан олдин тўхтатилди. Сабоқ етарли эмасми?

Аҳмаджон Ғуломович балки шунинг учун сўзга хасисдир? Йўқ, назаримда, у сўзга талабчан, холос. «Қолаверса, — дейди у баҳсга чорлаб, — депутат ким ўзи? Сайловчилар нега депутатга «уни қуриб беринг, буни қуриб беринг», деб ёпишадилар? Масалага адолат кўзи билан қарайлик, партия, совет ташкилоти ёки қурилиш министри қуролмаган мактабни, йўлни, боғчани «соғувчи фалончихон депутатимиз қуради», деб халқни яна қанча лақиллатиш мумкин? Ахир сайлов ўтиб, депутатлар сайлангач, бизда хўжалик идоралари тугатилмайдику! Ҳар ким иши билан шуғуллансин-да. Газлининг биқинидаги қишлоқни газлаштириш лойиҳасининг наҳотки Москвадан келишини кутиб турсак! Юртнинг ободлиги, элнинг маъмурлиги, ташвиши билан куйиб-ёниш яхши фазилат, албатта, лекин қачон биз ҳам оёғимиз остидан бир газ юқорини кўра оладиган бўламиз? Тилимиз, тарихимиз, маърифатимиз аҳволи, урфимиз, эркимиз, миллий ўзлигимиз наҳотки ўйлантирмайди? Наҳотки булар депутатга тегишли туйғулар эмас? Ўзбекистон тарихи нималигини англаш учун бир мисол келтираман: инглиз қироллигининг дунёнинг энг мукаммал кўҳна харитаси деб тан олинган «13-аср харитаси»да бугунги бепоён Совет Иттифоқидан ёлғиз биргина шаҳар бор. У ҳам бўлса Самарқанддир...»

Маърифат юкига елка тутган одамнинг минбардан туриб «мени сайланг, мени сайланг!» дейиши қийин, «ваъдалар» бериб қичқириши амримаҳол. Шундан кейин ўйлаб қоласан киши: академик Сахаров ёки министр Ельциннинг йўлига ғов солиш кимга ва нимага керак? Рус маданиятининг алломаси деб тан олинган академик Лихачев номзодини ўнлаб институтлар кўрсатгани ҳолда СССР Фанлар академияси нега уни инкор этди? Совет космик фанининг тирик даҳоларидан бири академик Сагдеев йўлидаги ғовлар-чи? Иттифоқ фанининг бош штабида қайта қуриш ва ижтимоий адолатнинг аҳволини кўрсатувчи мезон эмасми бу?!

Маълумки, сайлов тартибимиз яқинда ислоҳ этилди, лекин у мукаммал бўлди, деган гап эмас. Буни тан олаяптилар ҳам. Гарчанд шундай бўлса-да, ярим асрлик сайлов тарихида олға қадам қўйганимиз рост. 257 минг сайловчидан бир депутат сайланадиган ўнлаб сайлов округларида тарихда биринчи бор бугун икки ва ундан ортиқ номзодга эга бўлиб турибмиз. Эски ҳаммом, эски тос қабилидаги кўринишлар ҳам бор — кўникиб қолган одатларимиз осонлик билан чекинаётгани йўқ. Чунончи, ўндан ортиқ сайлов округида ҳамон ёлғиз номзоднинг «якка ҳокимлиги» сақлаб қолинган ва унинг ягоналигига путур етказмаслик учун бутун чоралар ишга солинган. Айрим раҳбарлар наҳотки сайловда кимгадир ютқазиб қўйишдан чўчийдилар?! Бошқача изоҳлаш мумкинмикан? Сайлов — сайлов бўлганига нима етсин! Академик Эркин Юсупов ва халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ва рассом Баҳодир Жалолов, журналист Аҳмаджон Мухторов ва санъаткор Бернора Қориева, шоир Абдулла Ориповлар номзодига қайта қуриш шарофати туфайли эришганимиз рост. Эл юрт уларнинг сўзини кутиб турганлиги ҳам рост. Улар минбарни эмас, қалбларни забт этмоғи керак! Қачон, қачон?!

— Сизнинг программангиз?, — деган саволимга Мухторов, одатига содиқ, қисқа жавоб қилди:

— Депутат бўлсам ҳам, бўлмасам ҳам, журналист сўзининг қадри учун курашвераман. Сўз — бизнинг имонимиз!

Дарвоқе, Аҳмаджон Мухторов бу курашни бошлаганига 30 йилдан ошди...

Журналистнинг сўзи — унинг юзи, кўзи ва ўзи! Балиқ сув билан, журналист сўз билан тирик. Сўзи ўлган куни — унинг ҳам номи ўчган бўлади. Сўзинг қадрлими, ҳамкасб? Ҳаётда ўрнинг борми, журналист? Элнинг кўзига тик боқа оласанми, дўстим? Бу йўлда каму кўстинг бўлса (у кимда йўқ!), ўксинма, ҳамкасб, сени ишонтириб айтаманки, мамлакатда бизнинг муқаддас имонимиз — сўзнинг қадри учун шерлар нара тортиб, мардлар майдонга тушмоқдалар. Уларга мен ишонаман: бу сафда ҳақиқат учун курашмоқни — гашт, ҳалол сўзни — имон билган ўша Мухторов ҳам бор! Шунча эгилганимиз етар, ҳамкасбим, энди бошни мағрур тут, журналистнинг бағрига ҳам қайта қуриш шабадаси тегмоғидан умидвор бўл! Ахир, сўзга имон қўнмоқда, ишон, имон қўнмоқда!..

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ

Бемор дунё



Юсуф ЖУМАЕВ

Драматик достон

ҲАСАД

Мўлиёндаги амир саройи. Амир Мансур бетоб, шол укаси Исмоил ёнида. Эшикбон Синони олиб киради.

Сино

(Салом ва таъзимдан сўнг)

Етиб келдим фармон боис, улуғ амирим.

Амир Мансур

Еши улуғ деб ўйловдим, бола экансан,
Рост, юз ёшли қарғадан бир болари афзал.
Эшитдимки, тиб илмида бало экансан.
Саройимнинг табиблари қолдилар ночор,
Мана, боққин, кенжа укам — Исмоил бетоб.
Ажаб, уни қизиқтирар на ёр, на шикор,
На қушларнинг навоси, на чақнаган офтоб.

Сино

(таъзим билан)

Бизни ёлғиз қолдирсалар.

Амир Мансур

Ҳа, ҳа, биламан:
Бемор ётган барча ерда амирдир — табиб!
Амир чиқиб кетади. Сино Исмоилнинг кўзига боқади. Қўлининг томирларини ушлаб кўради, юрагига қулоқ тутади.

Сино

(ўзига ўзи)

Кечирмаслар амирзодам айтсам ростини,
Ўзлари ёш, юраклари қолибди қариб.
Қарға товуқ тухумини тешиб ичгандек,
Қалбларининг шодлигини ичган бир алам!

Исмоил

Нималар деб пичирлайсан, мен ҳам эшитай,
Уламанми, қоламанми, кутарми адам?

Сино

Танангиз соғ, лекин фақат оғир ўй боис
Шол бўлгансиз, туролмайсиз, юрагингиз қон.

Исмоил

Қанақа ўй, бу туҳмат-ку!

Сино

Йўқ, амирзодам.
Ошкор бўлсин, тўла-тўкис айлангиз баён.

Исмоил

Қанақа ўй, бу туҳмат-ку!

Сино

Йўқ, амирзодам.
Қалбингизни очмоқ сизга мушкулдир,
наҳот?!
Уша ўйдан юрагингиз мажруҳ, садпора.
Руҳингиз ҳам бамисоли қушдир беқанот!

Исмоил

Бу туҳмат-ку, туҳмат ахир.

Сино

Йўқ, амирзодам.
Нега тилни қалбга эмас, берган оғизга,
Чок кўксингиз ҳақиқатни айларди изҳор.
Ҳеч бўлмаса тилни фалак берсайди кўзга,
Оҳ, дийдангиз ниманидир айтмоқчи бўлар.
Ўлтирибсиз дард томонда, ўтинг мен томон!

Исмоил

Бас, туҳмат бу, эшитдингми?!

Сино

(ухлатувчи дори узатиб)

Манг, дори ичинг.
(Исмоил дорини ичиб, уйқуга кетади.)

Сино

Туш-пушидан билолмасанг, айтмас
ҳеч қачон.

Бир оздан кейин Исмоил алаҳсирай бошлайди.

Исмоил

Абдул...ма...лик бўлмаганда Мансурдан
кейин,
Бу бетимсол Бухорога амир бўлардим.
Оғам эмас, оғум экан
Тахтнинг вориси —
Оҳ, мен эмас — Абдулмалик...

Сино

Аён!

(бир оз ўй суради.)

Ким бор, ким?

Эшикбон киради.

Лозим эди қоғоз, хома.
Эшикбон келтиргач, Сино ёза бошлайди.

«Улуғ амирим!
Сарой аҳли кўза ёш тўкиб, этсинлар афғон.
Оғангизнинг соғайиши учун бу даркор.
Амирзодам Абдулмалик бир ёнга пинҳон
Йўл олсинлар.
Олампаноҳ, бир оздан кейин
Танишасиз бу ишларнинг боиси бирлан!!»
Ҳой эшикбон!
Мана нома, етсин амирга!

Эшикбон

Хўп бўлади!
Эшикбон чиқиб кетади. Ташқарида кучли фарёд. Исмоил чўчиб уйғонади.

Исмоил

Ҳаким, не гап?

Сино

Топдилар маскан,
Жаннатнинг ҳур боғларидан акангиз, ёраб,
Амирзодам, Абдулмалик ўлган шикорда!

Исмоил

Нега? Нечун?!
Кўзида ёш, ташқарига отилиб чиқиб кетади.

Сино

Кўзида ашк, севинч ашки, бул зотга қараб
Кўнглинг қолар ҳаётдан ҳам, афсус,
алҳазар.
Бунча қизиқ тирикликнинг кўҳна дунёси.
Тавба, тавба, қўнганидек пашша тезакка
Қўнар экан қора қалбга ҳасад балоси!!!

БЕДАВО ДАРД

Ибн Сино туш кўрмоқда. Тушда беморларни қабул қилаётган эмиш. Навбатдаги бемор кириб келади.

Сино

Хуш келибсиз, бош устига, муддао надир,
Дардингизни баён айланг, излайин шифо.

Бемор Дунё

Кимлигимни сўрасанг-чи, аввало, ҳаким,
Еки мени танидингми, мен Бемор Дунё!

Сино

Бемор Дунё?! Кас шаклида?! Қудратинг
беҳад!

Бемор Дунё

Ҳа, ҳа, менман, Шубҳа нечун, бу менга осон,
Лек дардимга даво топмак келмас қўлимдан.
Юрагимга назар ташла, дардларим шоён.
Бемор Дунё кўксини ёради. Юраги кўринади. Ундан қон оқаётган эмиш.
Мана, кўргин яраларни, хун тўкилар, хун,
Ҳўкиз бошин кесганингда қон оқар шундоқ!
Кўксини бекитади.

Сино

Авваллар ҳам билар эдим бетоблигингни,
Сенга шифо тилар эдим тунлари уйғоқ.

Бемор Дунё

Одам зоти пайдо бўлгач, бўлганман хаста,
Қалбимдаги яраларга боис ўшалар.
Оҳ, ўшандан олдин қандоқ бахтиёр эдим,
Обод эди бағримдаги барча гўшалар.
Юрагимни кўрсатмаган табиб қолмади,
Кўп ҳакимлар даво излаб топдилар фано.
Минг йилларки, нур сочади юлдузлар менга,
Тузалсин деб манглайи шўр, бечора Дунё!
Даво излаб ёнаётир осмонда қуёш,
Лекин ночор, шундан тунлар тушади руҳи.
Фақат сендан умидворман, беназир ҳаким,
Шафқат айла, барҳам топсин қалбим
андуҳи.

Сино

Майли, аммо ғамларингни, сўйла бир
бошдан,
Ахир шулар сени дардга айлаган дучор.

Бемор Дунё

Уммон сувин мушук ичиб адо этарми,
Ғам тугарми айтган билан, оҳ, алам бисёр.
Битта номард падар мулки менга қолсин деб
Кўр отанинг ҳамёнига ташлаган илон.
Чойчақага қўл узатиб жон берган ота,
Маккор ўғил йиғлар эди дод дея гирён.
Айтардики, яшаб бўлар наҳот отасиз,
Аслида у шодон эди комрон мисоли.
Унга кимдир ачинарди етим қолди деб,
Билмам қачон бўлажакман нокасдан холи.
Тангри бир кун тўйсин дея икки очкўзга,
Қанот бериб юборибди улкан осмонга.
Ҳайҳот, талаш этибдилар самони улар,
Шундан қанот бермас эмиш бани инсонга.
Искандарга хотинини айлаган инъом
Босқинчидан таъма истаб осий таъмагир.
Бир ўшами номусини сотиб яшаган,
Саноғи йўқ, оҳ мен нега эмасман басир.
Биров шоҳдир — имон билан йўқ унинг иши,
Биров гадо — унда идрок, унда ор-номус.
Айтган билан адо бўлмас, нажот бўл менга.

Сино

Дардинг оғир, дардинг оғир, во дариғ, афсус.
Қанча-қанча беморларга тополдим шифо.
Дардлар хасдир, мен уларга олов бешафқат.
Одамлардан келган дардга йўқдир
малҳамим,
Одамлардан келган дардга даво ҳақиқат!
Излаганим ўша, лекин тополмам, эсиз,
Излаб-излаб тевараккa боқаман нолон.

Бемор Дунё

Наҳот, сенинг қўлингдан ҳам келмайди,
ҳаким?

Яна кўксини очади, юрагининг яраларидан қон тўкила бошлайди.

Сино

Малҳам қани, малҳам қани, қон тўкилар,
қон!!!

* * *

Ибн Сино беморларни қабул қилаётир. Бир аёл кириб келади. Юзида парда.

Иби Сино

Хуш келибсиз, бош устига, бор бизга не иш?
Қўлдан келса ижро этай, бу мен учун фарз.

Аёл

Менинг отим Меҳринисо, хастаман, табиб,
Сизга айтсам кўпдан буён юрагимда дарз.

Сино

Бухорода жуда кўпдир Меҳринисолар,
Билар эдим мен ҳам битта Меҳринисони.

Меҳринисо

Ўшал менман, унутмабсиз, минг қатла
шукур.

(юзидан пардани олади)

Сино

О... сиз ўша?! Не дард қийнар шундоқ
зебони?

Меҳринисо

Яратганга шукурларким, тағин биз бирга.

Сино

Каминанинг ғамларини эслатманг такрор.
Дарддан сўйланг!

Меҳринисо

Дардим оғир, соғинч дарди бу!

Сино

Демак, унинг давосидир кўришмак дийдор!

Меҳринисо

Ҳақ рост, мана, саломатман ҳузурингизда!

Сино

Янгилайсиз яраларни нечун, ойрухсор?!

Меҳринисо

(кўзига ёш олиб)

Мен адашиб этган эдим севгингизни рад,
Умрим ўтиб бораётир васлингизга зор.

Сино

Эски дардни қўзғаяпсиз билибми-билмай,
Шамол тинчин бузган баргдек титроқда
қалбим.

Меҳринисо

Зорим бордир, зўрим йўқдир, бир хас мисоли
Уйламовдим оёқ ости бўлар деб қадрим.

Сино

Йўқ, йўқ, асло! Лекин эсланг ўша дамларни,
Хотирлайман ҳали-ҳануз хаёл дастида.
Мен фалакка илтижолар қилиб дер эдим:
Бўлсам Меҳри оёқ қўйган ернинг остида.
Шундоқ дея айтардингиз сиз ҳам чамамда,
Сиз юлдуз, мен нурингиз деб айтар эдингиз.
Гоҳо ширин учрашувлар чоғи шодланиб:
Сиз қуёш, мен қўрингиз деб айтар эдингиз.

Меҳринисо

Хўб десангиз такрор этай ўша каломни,
Сиз қуёш, мен қўрингизман!

Сино

Бас, бу не даркор.
Отам ўлди, оиламиз шуҳрати битди.
Кўплар биздан юз ўгирди сиз каби, дилдор.
Дедингизки, китобларни йиғиштир алҳол,
Улардан не наф кўрасан, бош ур савдога.
Отам вазир, сен гадосан, олтин топ, олтин,
Агар ноил бўлай десанг Меҳринисога!

Меҳринисо

Бас, бу ўтмиш.

Сино

Ҳа, ўтмишдир, лекин ҳақиқат!

Меҳринисо

Тавба қилиб турибман-ку, шу толе сизга,
Кечиргайлар севгимизнинг ҳурмати боис.

Сино

Йўқ, юлдузим тўғри келмас юлдузингизга!
Бандасини яратганнинг ўзи ҳам билмас,
Қалбингизда бор не асрор, менга қоронғу.
Лекин аён муродингиз беш бармоқ бикин,
Мен саробдан сув ичмакни этмасман орзу.
Яна бирга бўлмоқчисиз, боис, водариғ,
Бошимдадир шуҳрат тожи, тилларда Сино.
Шоҳлар мени қабул айлар, балки эртага
Даҳрий дея сиртмоқ солар бўйнимга фано.
Севгингизни ҳайф кўрасиз мен учун шунда,
Лозим бўлса, сиз бўйнимга соласиз сиртмоқ!

Меҳринисо

Йўқ, йўқ, асло! Бу қандай гап, менда бут
имон.

Сино

Сиз имондан осмондан то ер қадар йироқ,
Одамзотни яратмаган мукаммал қилиб.
Дарахтларнинг тури каби улар хилма-хил,
Бадниятлар бўлмасайди, ҳар инсон бешак —
Бу дунёйи қадим аро яшарди минг йил!
Овчи қушлар галасини қиргани мисол
Улар сенинг асабингга келтирар зиён.
Асаб юрак посбонидир! Ўлгач асаблар
Сувсиз қолган балиқ каби қон юрак бежон.
Лек мукаммал бўлмоғи шарт иккита одам:
Бири онанг, бири эса ёри бетимсол.
Ёринг бадми, номусингни солар бозорга,
Онанг бадми, тополмайсан дунёда камол.
Демак, у пайт яшамакнинг маъноси бўлмас,
Шундоқ эрса тирикликдан жон бермак
афзал.
Нокасларга тўлиб-тошган ушбу оламда
Ҳеч бўлмаса шу иккиси бўлсин мукаммал.
Ниятим йўқ: номусимни солмам савдога,
Оҳ, шундоқ ҳам номус билан тўлган
бозорлар.
Хайр энди, Меҳринисо, кутмоқда мени
Шифо талаб, бани мўмин, бисёр беморлар.

НОТИЛИЙ

Ибн Сино ёлғиз. Устози Нотилий билан бўлган сўнгги суҳбатни эслаётир.

Нотилий

Илм нима, ҳақиқатнинг суюк фарзанди!
Гар ҳақиқат камон бўлса, илм унга ўқ.
Сен фидойи бўлмоқчисан уларга наҳот,
Наҳот, шунга аҳд айладинг?
Демак, бахтинг йўқ!
Оллоҳ сенга идрок берган мутлақ беназир,
Сен маърифат осмонида ахтар бўларсан.
Лекин юлдуз кўрмагани каби қуёшни
Бахт кўрмассан, бахтдан жуда йироқ
бўларсан.

Сино

Нечун, устод?

Нотилий

Илм дедим ақлимни таниб,
Илм дерман, илм дерман шу кунга қадар.
Нима кўрдим? Эгним асло бут бўлган эмас,
Терим каби вужудимни ўраган кадар.
Олам кезиб бир эл кўрдим: билмаслар нонни,
Ер эканлар илдиз, мева, хом гўшт... мен
ҳайрон.
Нон ёпдим-да, тотиб кўринг, десам боқдилар
Ғазаб билан, гўё менман жонталаб илон.
Аҳмоқ, бизнинг тангримизга келтирдинг
деб шак,
Ўлдиришга аҳд этдилар, қочиб қутилдим!
Биласан-ку, илм ўсар кашфиёт билан
Оқмас дарё — кашфиётсиз қолган пайт илм!
Кашфиёт эт, тангримизга шак келтирдинг
деб
Тўрт томондан аҳли нодон солажак фарёд.
Гўё сенсан оталарин ўлдирган қотил,
Шаҳид бўлган ўшаларнинг қўлида Суқрот!
Қўй, яхшиси олтин изла, олтинпараст бўл,
Оҳ, олтиннинг дастидадир барча имконлар.
Олтининг бор — ҳурматинг бор, олтин билан
бахт!
Олтини бор одамлардан қочар армонлар.
Бошда алиф бўлмаса ҳам олтининг бўлса,
Оқиб ўтар оёғингнинг остидан дарё.
Гар истасанг, ҳамма қўяр пойингга бошин,
Гар истасанг, сени оллоҳ атайди дунё.

Сино

Наҳот, бу кун тушкунликка бўлгансиз банда,
Бахт олтинга муте бўлмас ҳеч қачон, устод.
Ёз тунидек ўткинчидир умр дегани,
Мен илмдан аярмидим ўшани, ҳайҳот;

Нотилий

Демак, сенда эътиқод бор, кутгандим асли,
Кутарлар-ку қуёшни ҳам ерданмас, кўкдан.
Эътиқодсиз одамлардан хору хас афзал,
Рости, улар тенг туради қаро ер билан!
Вақти келиб тан беражак сенга одамзод,
Бўлажаксан тенгсиз даҳо, донишманд, табиб.
Сен баҳона йўқланарман мен ҳам бир замон,
Ҳарқалай ҳарф танитганман, бўлганман
ҳабиб!

(Оғир хўрсинади.)

Сино

Қайда экан, устод бу кун қайларда экан,
Ҳақ деганлар тополмагай, ҳайҳот, қадрини.
Элнинг аччиқ кўз ёшида, эл армонида
Кўрдим унинг давоси йўқ сўнгсиз дардини.
Малҳам истар, малҳам истар, яъни адолат,
Дунё нега бенажотсан, ночор дунёсан.
Ойсиз шомнинг либосидек қисматинг қаро,
Сен энг оғир беморимсан, бемор дунёсан!

ХОТИМА

Ибн Сино ёлғиз. Оқшом. Бухорога қараб ўй сураётир.

Бемор дунё тушларимга киради ҳар кеч,
Қон юрагин кўрсатади такрор ва такрор.
Оҳ, қалбида минглаб йиллик оғир яралар,
Она юртим Бухоронинг дардлари ҳам бор.
Эл ғафлатда, юртфурушдир аркони давлат,
Туз едирган ўз юртига бу кун бешафқат.
Дарёлардан уйқу йироқ, тоғдан бедорлик,
Бу дунёдан йироқ экан мудом ҳақиқат.
Ер ютаркан ёмонларни қадим-қадимда,
Асл инсон яшар экан кулфатдан холи.
Қора ер ҳам тўйган чоғи, ютмайди шўрлик
Кўп илон еб зада бўлган кирпи мисоли!
Балки эртан юрт ўтади ёғий қўлига,
Балки юртда сўнгги кеча яшаётирман.
Бухоронинг кўчалари, юлдузларига
Балки сўнгги назаримни ташлаётирман.
Амир Мансур салтанати буткул омонат,
Бу кун юртим олам ғарби кун ботаётир.
Бемор дунё, Шарқинг борми, борсам у
ёнга;—
Қуёш чиқиб покиза бир тонг отаётир?!
Елғони йўқ, бу дунёнинг тўрт томони ғарб!
Мен ҳар ёнга назар солиб Шарқни излайман.
Ночор Дунё, Бемор Дунё, дардингга даво
Дардларимнинг малҳамини — ҳақни
излайман!

Кўз олдига яна Бемор Дунё келади.

На тушимда, на ўнгимда бордир ҳаловат,
Бемор Дунё, кўз олдимдан кетмайсан бир
зум.
Сенинг дардинг меникидир, юракларимиз
Бамисоли оёқ ости икки бош узум.
Балки миллион Сино керак бизнинг дард
учун
Мен-чи, ҳайҳот, танҳодирман, музтар,
нотавон.

Бемор Дунё

Наҳот сенинг қўлингдан ҳам келмайди,
табиб?!

Бемор Дунё яна кўксини очади, юрагининг яраларидан қон тўкилаётир.

Сино

Малҳам қани, малҳам қани, қон тўкилар,
қон?!

Бухоро



Муҳайё МИРСАИДОВА

КЎЗ — ТАРЖИМОН

Ўша кўзлар ифода этар
Юрагингда қандайин ҳолат.
Диллар бўлса ошуфта агар,
Сўзалашишга қолмайди ҳожат.

Тушмаса гар нигоҳларинг мос,
Ортиқчадир минг битта сўзинг.
Ҳақиқат бор кўзда беқиёс,
Қўй, қийнама ўзингни ўзинг!

Сўз эмас, кўз — дилга таржимон.



ҚИШКИ ЎЙЛАР...

Оппоқ қор тўшалган замин устига
Ложувард осмондан нусха олганми?
Бир қизча қорларни олар кафтига
Ҳовучи юлдузга тўлиб қолганми...

Дарахтлар либоси ярашган хўп-эй,
Боқади виқор-ла қор маликаси.
Ўйнашар болалар, ўйинлар кўп-эй,
Уларга жўр бўлар қарғалар саси.

Совуқдан жунжикиб мурғак мусича,
Иссиқроқ жой излар, бошпанаси тор.
Қандайдир бир рассом чизиб ўзича,
Деразам бўябди айлаб навбаҳор.

Олисдан келади ҳазин бир қўшиқ,
Оламда сукунат шунданмикан ё...
Кумушдек қор билан қопланиб борлиқ,
Мудраниб баҳорни кутади гўё.

ҲАМЗА

«Шоирнинг ўлими» номли оркестр куйини тинглаб

Юрагимга сингар илиқ оҳанглар,
Вужуд барги узра шабнам мисоли.
Дунё жилваланар, турфа хил ранглар,
Кўз олдимда турар шоир жамоли...

Бироз чимрилган қош, синчков боқиши,
Самимийлик баён нурли чеҳрада.
Езгани ёқмаса ўтда ёқиши,
Юришлар асабий, қалб аламзада.

Гавдаланар шундай кўзим ўнгида
Даврим алломаси фидойи Ҳамза.
Куй ҳам авжга чиқар, унинг сўнгида,
Гўёки торлар ҳам тутмоқда аза.

Мусиқа оҳанги етаклар ҳар ён,
Оловли йил залпи янграр зал бўйлаб.
Ҳамзани йўқ қилган ваҳшийлар аён,
Суюнгандир балки «ўлди» деб ўйлаб.

Йиғламоқ истайман даҳшатга тушиб,
Нимадир йўл бермас, йўл бермас асло.
Чунки шу он куйга қалбим қўшилиб,
Шоир овозидек, дер «Яша Шўро!».

АЗИЗ ОНАЖОН!

Новдаларда яна юз очар ғунча,
Найнинг хонишида алам, дард мунча?
Соғинч тўла дилимда улуғ тушунча —
Азиз онажон.

Йиллар ўтиб мен ҳам мунис онаман,
Болам бағримда деб хўп қувонаман,
Шу он кўзларимдан тирқирайди ёш —
Азиз онажон.

Олам ҳам ҳувиллаб қолгандек гўё,
Сиз учун яшашдан толганим рўё.
Фарзандлар қалбида яратган дунё —
Азиз онажон.

Яратиш завқидан сиз ёна-ёна,
Шам янглиғ ўчдим деб ўйламанг, она,
Барҳаёт номингиз пайваста жона —
Азиз онажон.

Сўзларингиз ҳумор этиб юрсак-да,
Тасалли беради қуёш юксакда.
Қуёш юксакда-ю, сиз-чи юракда —
Азиз онажон.

* * *

Инсоний фазилат тарк этса сени,
Қалбинг бўлиб қолса ҳиссиз бир саҳро,
Чўғ солмаса дилингга кураш ёлқини,
Яшамоқ даркорми бу дунё аро?!

ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

Тошкент шаҳри Энгельс кўчасидаги Кийимлар уйи. Биз ўриндиққа ўтириб аллақандай схемаларни чизаётган навбатчи қиздан бичиқчи уста Анатолий Васильевични сўрадик.

— Бироз кутиб туринг, у киши юқори қаватдан ҳозир тушиб қоладилар, — деб жавоб қилди у.

Ярим соатча кутдик. Шу вақт орасида Анатолий Васильевични сўраб ўндан ортиқ одам келди. Уларнинг ҳаммалари кийим тиктириш ниятида эдилар.

— Нега костюм тиктириш учун айнан шу устага мурожаат этаяпсиз? — деб мурожаат қилдим устани кутаётганларнинг биридан.

— Синглим, тўғрисини айтсам, кўп йиллардан бери оила аъзоларимиз билан шу кишига буюртма берамиз. Бу киши жуда моҳир бичиқчи. У киши бичган либос ҳар биримизга қуйиб қўйгандек тўғри келади. Магазинлардан бунақасини топиш амримаҳол.

Шу пайт юқоридан ўрта бўй, серҳаракат киши тушиб келди.

Анатолий Дунаевнинг ўзбек тилида эркин гапириши кўнглимизга жуда хуш келди.

— Ўзбеклар ичида катта бўлганман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Иш даврим мобайнида ўнлаб ўзбек қизларига тикувчилик касбини ўргатдим. Касбимизга доир китобларнинг деярли ҳаммаси рус тилида. Уларга буни тушунтиришда ўзбек тилини билишим қўл келмоқда.

Ўз касбининг устаси. Ҳамкасблари унга шундай деб эҳтиром билдиришади.

Анатолий Васильевич бир корхонада қирқ икки йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Лекин у ўзининг билганларини ҳалигача етарли деб билмайди, ҳамон ишда синчков. Дастлаб ишга келган кунларини эслаб мийиғида кулиб қўяди. Ўша кезлари Анатолий Васильевич автобазада слесарь бўлиб ишлар, кечга яқин уйга кийим-бошларига қорамой теккизиб қайтарди. Онаси Зинаида Авакумовна эса ундан нолиб:

— Сен ҳам бирон кун озода келармикансан? Ана, Витяни қара, врач, оппоқ халатда юради, — деб койирди. Бир куни улар онаси билан бирга ишлайдиган Малика Маҳмудовна деган аёлнинг уйига меҳмонга боришади. Асли касби чеварлик бўлган уй бекаси улар борган пайтда кўйлак бичаётган эди. Унинг бажараётган иши Анатолийда қизиқиш уйғотди. Эртасига Маликахоннинг ишхонасига бориб, кийимларни тикишига эътибор бера бошлади. Бу касб қанчалик сабр-тоқатни талаб этишини ҳис этди. Онаси уни мана шу ҳозир ишлаётган ишхонасига олиб келиб, уста Борис Яковлевич Фурман қўлига топширди. Анатолий устози билан бирга саккиз йил ёнма-ён туриб ишлади. Бу йиллар мобайнида у устозидан жуда кўп нарсаларни ўрганди. Вақти келиб ҳамма нарсани якка ўзи эплайдиган бўлди. Энди унинг ўзи Кийимлар уйи қошида ўқиётган қизларни ўқита бошлади. Унинг қўлида таълим олган юзлаб шогирдлари шаҳримиздаги корхоналарда тикувчилик қилмоқдалар.

Заҳро Саидова, Маҳмуда Ҳидоятова, Инобат Ўрмонова каби ёш шогирдлари ундан бир умр миннатдордирлар.

Бундан ўн тўрт йил муқаддам, 1975 йилда Анатолий Васильевичга Ригада олий категорияли мастер унвонини беришган эди. Ҳа, у бир неча бор Рига, Москва, Киев каби марказий шаҳарларда бўлиб, малакасини ошириб қайтди. У бу йилдан бошлаб эса бирортмачиларни ўлчамасдан туриб нимча кийгизиб бичишни йўлга қўйди.

Анатолий Васильевич ишлаётган кийимлар уйи бу йилдан хўжалик ҳисобига ўтган. Шунинг учун ҳам чеварларнинг ҳаммаси ойлик, кунлик топшириқларини уддалашга, бир сўз билан айтганда, мижозларнинг буюртмаларини кўнгилдагидек бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз Анатолий Дунаевнинг хизматларини муносиб тақдирлади. Унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени ҳамда I ва II даражали Меҳнат шуҳрати орденлари безаб турибди.

Бичиқчи уста А. Дунаев ҳар тонг одамларга оз бўлса-да, қувонч бахш этиш ниятини кўнглига тугиб иш бошлайди...

Маъпура НАБИЕВА

Туркона чойлар

Сумоқ қишлоғидаги минг йиллик чинор Китоб ўрмон хўжалиги назоратчиси Муртазохон Олимовнинг томорқасига соя ташлаб туради. Чинорнинг соясига кўп асрлик ёнғоқ дарахтининг сояси қўшилиб кетган. Соялар қуюқлашган жойда саҳни кенг супа бор. Шу ерда Муртазохон билан суҳбат қуриб ўтирибмиз.

— Онам — Ҳикматой момо, инсоннинг ризқ-рўзи табиат бағрига сочилган, дер эдилар, — ҳикоя қилади Муртазохон Олимов. — Урушдан кейинги қаҳатчилик йиллари ҳамқишлоқлар у кишининг олдига маслаҳатга келиб туришган. Нон тақчил пайтлари ожуд ўсимлигининг илдизини лаваги сингари дамлаб, кейин қатиққа белаб ейишни ҳам онамиздан ўрганганмиз. Сумоқ — узоқ тоғ қишлоғи бўлганлиги учун ҳинд чойлари ичиш расм бўлмаган. Биз фақат эрчойи, сунбулчой, зубтурумчой, жамбулчой, олволичой ичардик.

Муртазохоннинг укаси — муаллим Жамолхон Олимов икки чойнак чой кўтариб, даврада пайдо бўлади.

— Мана бу эрчойи ўсимлигидан дамланган, — Муртазохон чойни уч бор шопириб қайтарди-да, бироз тин бергач, пиёлага сокин қуйиб, тавозе билан узатди. Сариқ рангли, булоқ сувидан чойдишда қайнатилган хушбўй чойни қимматбаҳо шарбатдек ҳузурланиб ичдим. Биринчи пиёладаёқ таним яйраб, пешонамдан тер чиқди.

— Мана бу эса зубтурумчой, — Муртазохон иккинчи чойнакдан пиёлага қуйиб узатди-да, қўшимча қилди. — Далачой ҳам деб аташади.

Зубтурумчой ўзининг хуштаъми ва асалдек товланиши билан кишида хуш кайфият уйғотар экан. Зиғир ёғида дамланган паловдан сўнг сунбулчой, сувмурччой ичилди. Бу чойлар ҳам ёқимли мазаси билан кишига ҳузур бахш этарди. Кечга яқин Муртазохон ёввойи наъматакнинг бачки томиридан алоҳида чой дамлади. Бу чой ўзининг тез чанқоқни босиши, кишига тетиклик бағишлаши билан ажралиб турарди. Мезбон ўрмон чойлари ҳақида оҳиста ҳикоя қилади:

— Қадим Туркистонда кўп йиллик ўсимлик ва буталар, дарахт ҳамда илдизлардан қайнатма тарзида узоқ йиллардан буён фойдаланиб келинади. Уларни ўзига хос ном билан «ўрмон чойлари» деб ҳам аташ мумкин. Менинг ўзим йигирмадан ортиқ доривор ўсимликлардан, ўндан ортиқ бута ва дарахтлардан чой дамлаб ичиш мумкинлигини биламан. Масалан, олволи, нашвати, дўлана, беҳи, жийда, наъматак каби дарахтларнинг ҳам мевасидан, ҳам баргидан, ҳам нозик шохчаларидан, ҳам томирларидан хушбўй чой дамлаб ичиш мумкин. Булар минг йиллар давомида синовдан ўтган. Ўрмон чойлари биологик моддаларга бой бўлиб, овқатни ҳазм қилдириш, қувват бағишлаш, тетиклантириш хусусиятларига эга. Уларнинг қуйилтирилган қайнатмаси эса, турли хил хасталикларга даво.

Оқшом қўнгач, яна уч хил — газанда ўт, жамбул ва кийик ўтидан дамланган чойлардан бир пиёладан тотиб кўрдик. Бу ўрмон чойларининг ҳар бири ўз мазаси, хуш бўйи ва рангига эга эди. Шунда мен чой борасида одамлар нақадар оз билимга эгалиги ҳақида ўйладим.

Кейинроқ чой тарихига оид адабиётлар билан танишиб чиқишга тўғри келди. Чой ва унинг истеъмол қилинишига боғлиқ мухтасар маълумотлар билан қизиқиб қолдим.

Чой тропик кўп йиллик ўсимлик бўлиб, унинг ватани — Хитой ҳисобланади. Унинг икки тури бор — бутасимон ва дарахтсимон чой. Ҳар икки тури ҳам юз йилдан ошиқ яшайди. Бутасимонининг баландлиги 3 метргача етади ва у хитой ҳамда япон чойи деб хилланади. Дарахтсимон чойнинг баландлиги 10—15 метр келади. У асосан жанубий-шарқий Осиёда ўсиб, Ҳиндистонда ассам чой деб юритилади. Унинг ассам, лушаи, хилл, манипури, бирма, кашмири каби хиллари мавжуд. Чойнинг икки турига учинчи бир тур — олмагули чойни ҳам қўшишади. Чой ичимлиги — қора, кўк, сариқ ва қизил чой деб рангига кўра ажратилади.

Чой ичимлиги ҳақида эрамизгача бўлган 2700 йиллардан қолган ёзма манбаларда эслатмалар бор. Чой маданий экин сифатида эрамизнинг тўртинчи асридан Хитойда, тўққизинчи асридан эътиборан эса, Япония ва Кореяда экилмоқда. 1824 йилдан бошлаб бу ўсимлик Индонезияда, 1834 йилдан Ҳиндистон ва Цейлонда, 1847 йилдан эса Гуржистонда уруғи ва кўчати экиб ўстирилаётир. 1885 йилда Ожорда, 1901 йилда Краснодарда, 1912 йилда Озарбойжонда биринчи чой пайкаллари ташкил этилди. Ҳозир мамлакатимизда 80 минг гектарга яқин майдонда чой етиштирилади.

Ўзбекистонда «ҳинд чой» ёки «95» чойнинг таърифини тез-тез эшитасиз. Бу нав чойлар «энг зўр» деб тан олинади. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Табиий чойга тенг келадиган бошқа ўсимликлар йўқми? Бу саволга: «Бор ва уларнинг хили кўп», деб жавоб қайтариш мумкин. Биргина наъматакнинг мевасини олиб қарайлик. Пишган наъматак мевасидан дамланган чой ҳинд чойидан ҳам хушбўйроқ ва турли хил дармондориларга бойроқдир. Унда фаол физиологик моддалар оддий чойга нисбатан анча кўп бўлиб, ўзининг шифобахш хусусиятлари ва чарчоқни бир зумда тарқатиши, ташналикни қондириши билан ажралиб туради.

Қадим Моваруннаҳр ва Хуросон халқлари йилнинг турли фаслларида турлича ўсимликлардан дамланган ичимликларни ичишга одатланишган. Масалан: эрталаб таркибида куч-қувват бағишловчи, тетик ва ҳушёр қилувчи моддаларга бой дўлана, наъматак, олма чойи ичишса, тушда чанқоқни яхши қондирувчи чой ўти ёки жамбулдан тайёрланган қайноқ ичимлик ичишган. Оқшом ва кечқурунлари эса палов ва димламадан кейин кишига хуш кайфият бағишловчи ва овқатни ҳазм қилувчи ялпиз ёки зубтурумдан дамланган чойни севиб истеъмол қилишган.

Ўзбекистонда чой ўрнида дамлаб ичиладиган йигирмага яқин шифобахш ўсимлик ва мевалардан қадим-қадим даврлардан буён фойдаланиб келинади. Уларда чой ва кофе ўсимликларида бўлган кофеин алкалоидлари йўқ. Маълумки, кофеин моддаси асабларни зўриқтириб юборади. Асаблар эса сершовқин асримизда шундоқ ҳам таранглашиб кетганлигини эътиборга олсак, ўрмон ва тоғларда ўсадиган «чой ўсимликлари»дан тайёрланган шифобахш ичимликнинг қадри яна ҳам ошади.

Ўрта Осиёга, шунингдек Туркистонга ҳинд чойининг кириб келганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Эътибор қилган бўлсангиз, Алишер Навоий асарларида, ҳатто «Бобурнома»да ҳам чой ҳақида, чой ичиш тўғрисида бирорта ҳам сўз учратилмайди. У пайтларда чанқоқбосди ичимлик ўрнида турли хил мева шарбатлари, шифобахш ўсимликларнинг қайнатмалари ва гулоблардан фойдаланилган. Палов, кабоб, димлама ва бошқа гўштли овқатлардан сўнг зира ва кийикўтидан дамланган қайнатмалар чой ўрнида ичилган.

Ўн тўққизинчи асрнинг ўрталаридан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон территориясида ҳинд чойи ичиш кишилар турмушига кириб борди. Бунга Ҳиндистон билан савдо-сотиқнинг ривожланган асосий сабаблардан бири бўлган. Ҳинд савдогарлари Туркистонга кўплаб чой тойлари олиб киришган. Шундай қилиб ўзбекларда чойхўрлик одат тусига кирган. Аста-секин оммавий чой ичиш ва гуруғ бериш масканлари — чойхоналар пайдо бўлган. Энди эса чойхонаси йўқ қишлоқ «обод қишлоқ» деб аталмайди.

Урушдан кейинги даврларда магазинларда ҳинд ва грузин чойлари кўплаб пайдо бўлгани учун одамлар ўрмон чойларидан истеъмол қилишни бир қадар унутишди. Иккинчи жаҳон урушига қадар ва уруш йилларида фақатгина туркона — ўрмон чойлари ичиларди, бу чой кишиларни бардам ва соғ-саломат умр кўришларига беминнат хизмат қиларди. Ўрмон чойлари узоқ-узоқ асрлар давомида халқ томонидан синовдан ўтказилган бебаҳо хазина эканлиги негадир, бугунги кунда унутиб қўйилди. Энди ёшларга ялпиз чой, қулупнай чой, райҳончой, ширғанак чой, дўлана чой, наъматак чой, олтин илдиз чойи, муғулчой, қалмиқ чой, қозоқи чой... деб айтсангиз, жаҳлиниб кулиб қўйишади. Бу чойлар дармондориларга бой бўлиб ўзидаги модда алмашинувини яхшиловчи, тинчлантирувчи ва ором бағишловчи хусусиятлари билан аждодларимиз меҳрига сазовор бўлган. Улардан тайёрланган ичимликлар мунтазам равишда истеъмол қилинса, организмнинг турли хасталикларидан ҳимоя фаоллиги ошади, қон айланиши ва озиқ моддалари алмашинуви яхшиланади, бадан териси соғлом ва узоқ яшовчанликка эришади.

Афсуски, республикамизда ана шундай ажойиб чой ўсимликларини кўплаб ўстириб, саноат усулида ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган. Истардикки, ялпизчой, жамбулчой, эрчойи, наъматакчой, ширғанакчой ва ҳоказо номлардаги ўзбекча чойлар ҳам қадоқланиб, чиройли қутичаларда савдога чиқарилса. Одамлар таъбига қараб, хуштаъм ва саломатликка ғоят фойдали ўрмон чойларидан баҳраманд бўлишса. Шунга кўра, мутасадди ташкилотлар ва кенг жамоатчилик туркона — «Ўрмон чойлари» ишлаб чиқариш ва эл дастурхонига тортиқ қилиш ҳақида ўйлаб кўришлари керак. Ишонч билан айтамизки, бу чойлар ҳам ҳинд чойлари каби машҳур ва яна қайтадан севимли бўлади.

Ўзбекистоннинг қайси бурчига борманг, пештоқига «Хуш келибсиз» деган ёзувли чойхоналарга рўбарў келасиз. Бу чойхоналарда ҳинд ва грузин чойлари қатори ўнлаб хилдаги туркона чойлар ҳам таъбга қараб дамланганига нима етсин! Ушанда бу оромгоҳларни ҳақиқий «Ўзбек чойхоналари» деб минг бор фахрлансангиз арзирди...

Тошкент **Акрам АМИНОВ**

ХАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

ҚАДИМИЙ ЖОНДОРЛАР

Бостондаги Фанлар музейининг «Аждарлар мамлакатида» деб номланган кўргазмасида Хитой Халқ республикасидан ҳамда АҚШдан келтирилган юзлаб ажойиботлар сақланади. Бу ерга келганлар оламдаги турли хил жондорлар намунаси билан танишишлари мумкин. Сиз суратда кўриб турган мана бу динозавр ҳам бундан 170 миллион йил муқаддам яшаган.

* * *

Американинг Жанубий Дакота вилоятидаги Хот Спрингс шаҳарчаси яқин пайтларга довур ўзининг иссиқ чашмалари билангина машҳур эди. Бироқ мана энди унинг атрофидан мамонтларнинг оммавий «қабристони» топилдиким, палеонтшунослар фикрича, унинг тарихи 26000 йилга яқин. Бугунги кундаги филларнинг қадимий аждодларини, наздимизда, муз давридаги ҳатто қаҳратон совуқ кунлари ҳам музламаган иссиқ чашмалар суви ўзига чорлаган бўлиши керак. Лекин кунлардан бир кун иссиқ чашманинг жаҳаннам оғзига тушишган бу баҳайбатлар қирғоқларнинг сирғанчиқлиги туфайли қайтиб чиқолмаганлар...

Палеонтшунослар ҳозиргача 43 та ҳайвон скелетини тикладилар ва улар энг камида яна эллик мамонтнинг скелетини топишни мўлжалламоқдалар. Булар асосан ёш ҳайвонлар бўлиб, катталарнинг паноҳидан чиқиб кетиб, қопқонга тушган кўринади.





СУСТАКАШЛИК

Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган жияним кундузи ишлаб, кечқурун ўқиш ниятини билдиргач, «маъқул» деб, икковлон заводга йўл олдик. Қадимги дегрезлик, ҳозир эса «Ц—14» аталувчи массивдан (аслида мавзе бўлиши керак) троллейбусга ўтириб, илгариги Ўрда, айни кунларда «Набережная Анхора» номи билан «янгиланган» бекатда тушиб, «Ул. У. Юсупова» кўчасига бурилдик. Анчадан бери шаҳарни кўрмаган жияним иягини кўтариб, бинолар пештоқидаги ёзувларни ўқиб бораяпти, камина — тоғалари бўлса, мирзо муншийлардек уларни дафтарчага ёзиб олаяптилар.

— «Универсам Урда». «Овощи-фрукты». «Живая рыба». «Дом быта». «Прокат». «Парикмахерская». «Химчистка». «Стирка белья»...

— Дуруст, дуруст, — дейди жияним менга қараб, — тоға, мана, заводга ҳам етиб келибмиз. «Наш завод — наша гордость». Яхши. «Ташкентское авиационное производственное объединение им. В. П. Чкалова».

Афғонистонда бўлиб қайтган жияним ҳайрон бўлиб сўради:

— Ҳозир биз Тошкентдамизми ё Хабаровск, Омск, Свердловскдамизми? Нима учун барча кўча номлари, атама лавҳалар фақат битта тилда ёзилган? Бу зиқналикми, менсимасликми? Эълонлару тарғибот ёзувлари ўзбек ва рус тилларида ёзилса, соясидан кўрқадиган ғилоф бандалари амал курсисидан айрилиб қоладими? Бизлар ўз байналминал бурчимизни бажариб қайтдик. Хўш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун сизлар нима қилаяпсизлар?

— Жиян, — дейман ўзимни оқлаган бўлиб, — ўтган йили ўзбек ва рус тилларини ривожлантириш тўғрисида Тошкент шаҳар Совети Ижроия қўмитаси махсус қарор қабул қилди. Шаҳар ижроия қўмитасига КЎЧАЛАР, КЕНГ КЎЧАЛАР, МАҲАЛЛАЮ МАВЗЕЛАР ВА БОШҚА ЖОЙЛАРНИНГ, АТАМА ЛАВҲАЛАР ВА ЭЪЛОНЛАРНИНГ ЎЗБЕК ВА РУС тиллардаги номлари ёзма равишда безатилишини таъминлаш топширилди.

— Қарор ўтган йили қабул қилинибди, хўп, шу вақт ичида қайси кўча, муассасанинг номи ўзбек тилида ёзилди?

— Себзор, Чорсу, Лабзак, Самарқанд дарвоза каби жойларнинг тарихий номлари тикланди-ю, аммо яхшилаб ёзиб қўйилгани йўқ.

— Бу денгиздан томчи, тоғажон. Шаҳар ва чорраҳалардаги кўп қаватли бино саҳнини эгаллаган расм-безаклар, қулоч етмас тарғибот ёзувлари, ранг-баранг атама лавҳалар, эълонлар, алоқа, савдо, табобат шохобчаларининг номи негадир бир тилда — рус тилида ёзилган. Бу борада қардош Тожикистон, Озарбойжон, Арманистон, Латвия республикаларидан ўрнак олсак бўлмайдими? Маълумки, йил бошида рўй берган табиий офат — зилзиладан кейин барча совет халқи қардош арман болаларини ўз бағрига олди. Арманистон фарзандлари қайси республикада яшашидан қатъий назар, ўз она тилларида ўқимоқдалар.

Собиқ жангчининг таъна-дашномлари таъсир қилиб, ён дафтарчамни варақладим.

— Мана бу саводсизларча ёзилган кўча номларига нима дейсан, жиян? «Ул. Тавала», «Ул. Вургуна Самада», «Ул. Овоза Отар-огли», «Ул. Калинин-Мавзук», «Ул. Марганча», «Ул. Ся-Салим», «Ул. Чакимган», «Ул. Дурмень», «Ул. Кокюн-гунча»... Улуғ бобомиз номига қўйилган кўча «Ул. Навои» деб аталади. Аввал «Алишер Навоий кўчаси», сўнгра «Улица Алишера Навои» деб тўлиқ ёзилса қўли синадими? Ўзбекистоннинг биринчи оқсоқолига шаҳар марказида ўрнатилган ҳайкалга Ю. Ахунбабаев лавҳи битилган. Хўш, Йўлдош Охунбобоев деб ёзилса кимнинг асакаси кетади?

— Бу буюк кишиларга ҳурматсизлик эмасми, тоға?

— Ҳа, ўта масъулиятсизлик, жиян! Баъзи лаганбардор-амалдорлар машҳур Хадра бекатини «Комсомольская площадь», тарихий Чорсуни «Площадь Ахунбабаева», Эски Жўвани эса, Калинин майдони деб ўзгартиришга жон-жаҳдлари билан уринса ҳам, фойдаси бўлмади, майдонларни кишилар узоқ йиллар давомида асл номида айтдилар.

Жияним эътироз билдирди:

— Унда бутун Ўрта Осиёга машҳур бўлган Шайхонтоҳур бекатини «Пахтакор» деб ўзгартириш зарурати бормиди? Қўҳна Қатортол кўчасини «Правда» газетаси кўчаси» деб ўзгартириш шартмиди? Кўча, майдон номларини ўзгартирадиган шахслар нега халқ билан бамаслаҳат иш тутмайди? Ахир, бирор кўчага ном қўйилганда, унинг жуғрофий шароити, ўша жойнинг тарихий келиб чиқиш жиҳатлари ҳисобга олиниши керак эмасми? Хуллас, Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг кўрсатмаси қачон амалга оширилади?

— Жиян, бу саволни шаҳар Ободонлаштириш, Умумий овқатланиш, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Савдо Бош бошқармалари, Маиший хизмат кўрсатиш, Уй-жой хизмати кўрсатиш корхоналари ишлаб чиқариш бошқармаси мутасаддиларига бериш керак, — дейман ўзимни оқлаш учун.

А. ИСОМИДДИНОВ

Ҳақир-пиканак

Ҳикир-ҳикирлар

«Майда пора олсанг ҳам, йирик пора олсанг ҳам, асфаласофлинга кетасан, ўғлим. Шунинг учун ҳам йирик пора олавер».

(Пора олиб, қамалиб чиққандан кейин ҳам кўзи очилмаган кишининг ўғлига маслаҳати).

«У ёки бу инсон аъзосидан кўр ичак олиб ташланса, бемор касалликдан фориғ бўлгани каби, манфур «пора» сўзи истеъмолдан даф қилинса, порахўрлик касали ҳам барҳам топиб кетиши эҳтимолдан холи эмас».

(Чаламуллла олимнинг таклифи).

«Виждон йўқолди. Топиб олган кишилар 2-«Гипноз» магазини сотувчиси Олғирбековга мурожаат қилишлари сўралади».

(Эълон).

«Саксонбой ота, чойни қизларингиз ё набираларингиз олиб чиқса бўлмайдими десам: «Бизлар ўз-ўзига хизмат қилишга ўтганмиз», дейди. Отахон ёшларни аяса керак-да».

(Қариялар суҳбатидан).

«Анови доно бола телевизорда жуда кўп чиқади, рангли телевизоримизни тузатиб бермасмикин-а?»

(Телевизор кўриб ўтирган Холпош момонинг неварасига дегани).

«Овқатланишга кетдим!»

(Ошхонага ёпиштирилган эълон).

«Қудам «Тисяча мелочей» магазинида ишлагани учун майда гап бўлиб қолган, ўргилай».


(«Йирик гап» аёлнинг қўшнисига дегани).

«Қўшним Кайфиддин ёшлигида арақ учун магазинга югурар эди, қариганда эса, дорихонага югураяпти».

(Спорт билан шуғулланадиган қариянинг деганлари).

«Ҳаваскор қаламкашнинг семиз қўлёзмасини ўқиб чиқиб, биродар, имло хатолар жуда кўп, нуқта, вергулга аҳамият бермабсиз, десам, унда, корректор нимага ойлик олади! — деб ўшқирди».

(Газета ходимининг бошлиғига шикояти).



Юмалоқ хатнинг бозори касод бўлганда.

А. ҲАКИМОВ чизган расм.

* * *

Бир киши бозорга бир пақир тухум олиб тушган эди, харидорнинг кўзи ўйнаб:

— Товуқларингиз кўпга ўхшайди, шунча тухумни йиғиш ҳам осон бўлмаса керак? — деб сўради.

— Товуғимиз битта,— деб жавоб берди сотувчи,— лекин фермaнинг товуқлари жуда кўп. Хотиним ўша фермада ишлайди.

Турғунбой ҒОИПОВ

Портфель

ҲАЖВИЯ

Илмий текшириш институти бўлимига янги мудир тайинланди. Собиқ мудир озғин, новча, маккажўхори попугидек майин сочлари тўзиб юрадиган кўримсизгина киши эди. Янгиси эса, худди ўчакишгандек, унинг бутунлай акси — семиз, пакана, тақир боши сип-силлиқ, салобатли эди. Аввалги мудир хонама-хона юриб:

— Илм кишиси бир жойда моғир босиб ётавермасдан, кўпроқ юриши, изланиши керак, — дерди. Буниси эса, ходимларни бир жойга йиғди ва:

— Лақиллаб юрмасдан, мияни қотиринглар! — деди-да, кабинетига кириб кетди.

Аввалги мудир қўлтиғига шахмат тахтасидек юпқа папкача қистириб юрарди. Буниси бўлса, каттакон портфель кўтариб келди.

— Ана энди бошлиққа ёлчийдиган бўлдик! — деди кичик илмий ходим Рўзиев танишудан сўнг.

Катта илмий ходим Қўзиевга бу гап ёқмади.

— Лаганбардорлик ҳам эви билан-да, ука, — деди. — Янги мудирда ноёб фазилат кўра қолдингизми, дарров тилингиздан бол томиб қолди?

— Мен товуқнинг... — деди Рўзиев ўжарлик билан, — қандай тухум қилишини қо-қолашидан биламан. Одамни эса, оёқ олишидан. Шундоққина кўриниб турибди: янги мудиримиз каллали одам. Савлатини-ку, қўяверинг. Сиз портфелига қаранг, портфелига! Ҳойнахой, ичи тўла китоб бўлса керак. Соч ҳам бекорга тушмайди-да, муллака!

Собиқ мудир Қўзиев билан анча яхши эди, катта илмий ходимликка ўзи тавсия қилган эди. Шу боис шогирд унинг ортидан лой чаплашга йўл қўймади.

— Гап салладами, калладами, деган экан Афанди. Шунга ўхшаб, гап портфелдами?.. Ким билади, балки унда китоб эмас, колбаса-молбаса бордир...

Рўзиев ўтирган жойидан туриб кетди:

— Гаров ўйнайман, портфелда китоб бор!

Икки қайсар тортишса, ё бирбирининг бошини уриб ёради ё гаров ўйнаб, бир муросага келади. Бу гал тортишув гаров билан тугади. Тушлик пайтида лаборантлардан бирини эшикка пойлоқчиликка қўйишиб, мудирнинг хонасига киришди. Тўрда турган портфелни очган Рўзиев ўйинга тушиб кетди: портфель тўла китоб эди.

— Айтмадимми! — деди Рўзиев. — Бошлиғимиз каллали, деб айтмадимми! Ҳа, сиз билан бизга ўхшаб қотиб қолмаган бу одам! Қани, акахон, энди ош қачон?

Гаровда ютқазгани Қўзиевга алам қилди. У мудирнинг хонасига яна хуфёна кириб, портфелдаги китобларни олиб, ўрнига қоғозга ўралган учта ғишт солиб қўйди. Эртасига кутди, қани, мудир ўғрини суриштирармикан, йўқ? Аммо бир кун, икки кун, уч кун... беш кун ўтдики, ҳеч гап йўқ. Мудир гўё ҳеч гап бўлмагандек, портфелни виқор билан кўтариб келиб, яна шундай салобат билан олиб кетарди. Қўзиевнинг сабри чидамади. Рўзиевга сирни очди.

— Каллали одамлар бағри кенг бўлади, — дея тан олмади Рўзиев яна. — Майда-чуйда китобларни деб, гапни кўпайтиргиси келмаган. Ғиштларингизни эса аллақачон ташлаб юборгани аниқ!

Бир ҳафта деганда Қўзиев Рўзиевни яна мудирнинг хонасига бошлаб кирди. Портфель жойида турарди. Бу гал Қўзиев очди. Очдию, ўйинга тушиб кетди: ғиштлар қандай «тахлаб» қўйилган бўлса, шундайлигича турарди.

Муҳаммад ОЧИЛОВ



Ғ. Мелиев чизган расм.

ҲАММАСИ МИШ-МИШ

Концерт кўрсатиш мақсадида Москвага келган италиялик таниқли эстрада қўшиқчиси Сабрина Салерно билан учрашиш учун «Космос» меҳмонхонасига киришимиз анча мушкул бўлди. Меҳмонхонанинг 16-қаватидаги холлга икки марта шахсимизни тасдиқловчи гувоҳномаларимизни кўрсатгандан кейингина киришга муяссар бўлдик. Уни хавфсизлик хизмати бошлиғи ва иккитта шахсий соқчи бегона кўзлардан асраш учун қаттиқ қўриқлашар экан.

Журналистларни анча толиқтирган интизорликдан сўнг, Сабрина офицерлар фуражкасида бир неча кузатувчилар, италиялик телеоператор ва таржимон ҳамкорлигида кириб келди. Учрашувда жуда кўп саволлар берилди. Жумладан сўрашди:



— Сиз совет эстрадаси билан танишмисиз?

— Оз-моз. Лекин бирор нима дейиш учун аниқ фикрга эга эмасман.

— Қайси «юлдуз»ларга тақлид қилишни ёқтирасиз?

— Ҳеч қайсига. Ўзимга хосликка интиламан.

— Матбуотнинг сиз ҳақингизда ёзганларини қандай баҳолайсиз?

— Мен ҳақимда ёзилганларнинг ҳаммаси ёлғон.

— Сабрина номининг машҳур бўлишига олиб келган нарса нима?

— Машҳур бўлиш барибир оғир. Мен артистман. Шу сабабли нимандир қурбон беришга, жафо чекишга тўғри келади. Мени «шаҳвонийлик рамзи» «секс символи» дегувчилар кам эмас. Лекин мен ўзимни ундай ҳисобламайман.

— Сиз ўз тингловчиларингиздан кўнглингиз тўладими?

— Ҳа, албатта. Ўн миллион пластинкам чиқарилди.

— Ўзингизнинг шахсий ҳаётингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Мен шеър ва ҳикоялар ёзаман, мусаввирлик билан шуғулланаман. Лекин ҳозирча ўзимни рассом деб ҳисобламайман. Балким 2—3 йилдан кейин китобим чиқар.

— Динга қандай муносабатдасиз?

— Худога ва будга ишонаман. Черковга эса ишонмайман.

Сабрина ўзининг унчалик узун бўлмаган таржимаи ҳолини содда қилиб гапириб берди.


У олдин холаси билан Генуяда, сўнг бувиси ва бувасининг қўлида Сан-ремо шаҳрида яшади. Шу йил 15 мартда Сабрина 21 баҳорни қаршилади. У беш ёшида Сан-ремодаги черков хорида қўшиқ айтди. Кейинчалик бир қанча маҳаллий гўзаллик кўрикларида иштирок этиб, 16 ёшида «Мисс Лидо» деган фахрий номга сазовор бўлди. Ўз вақтида бундай ном Софи Лорен ва Жамперо Мениционаларга ҳам насиб этганди.

17 ёшида Сабрина ўзининг кўп миллионли томошабинларига эга бўлди. «Премиатиссима» телевизион кўрсатувларининг шанба томошаларида қўшиқ куйлаб, рақсга туша бошлади. Кейинчалик бу программани олиб бориш унга топширилди. Шунингдек, бошқа телекўрсатувларда ҳам иштирок эта бошлади.

Шундан сўнг ўзининг биринчи одобдан ташқари «Шаҳвоний қизча» беҳаё қўшиғини лентага ёздирди. Бу қўшиқ уни дунёга танитиб, катта шуҳрат келтирди.

Лекин Сабрина биз билан бўлган учрашувда ўзини ўта вазмин ва жиддий кўрсата билди.

Г. ГОГОБЕРИДЗЕ



КРОССВОРД

ЭНИГА: 1. Чоржўй областидаги шаҳар. 6. Ҳабибий шеъри билан ижро этиладиган қўшиқлардан бири. 9. Заҳарли ҳашарот ва жониворларнинг умумий номи. 10. Улуғбек расадхонасида тадқиқотлар олиб борган, математик ва астроном олим. 14. Озарбойжон маърифатпарвар шоири. 15. Тоғли Бадахшон автоном областининг маркази. 16. Узбек классик шоири ва олими. 21. Тирик табиатни ўрганувчи фан. 22. Бута ҳолида ўсувчи жануб ўсимлиги. 23. Мамлакатнинг маълум бир маъмурий қисми. 26. Ўн икки буржнинг бири. 27. Саксовуллар оиласига мансуб қумлик ўсимлиги. 28. Илмий ходимлар тайёрловчи муассасада таҳсил кўрувчи. 31. Махсус шиша ва эмаллар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган кимёвий модда, кислота. 32. Жанубий-Шарқий Осиёдаги давлат пойтахти. 33. Сўзлашув воситаси мутахассиси. 36. Камчатка области таркибидаги миллий округ. 37. Табобатда ишлатилиб келинган юмшоқ, кулранг тоғ жинси. 39. Бухородаги қадимий меъморлик ёдгорлиги. 40. Вақт бирлиги.

БЎЙИГА: 2. Учиш қурилмалари учун мўлжалланган иншоот. 3. Табиий фанлардан бири. 4. Кимёвий элемент, қаттиқ металл. 5. Кўчма маънода ишлатиладиган сўз, ибора. 7. Бастакор, Ўзбекистон ССР халқ артисти. 8. Йирик, камёб ҳайвонлардан бири. 11. Абдулла Қаҳҳорнинг ўтмиш мавзуида ёзган ҳикояси. 12. Ўсимлик уруғидан ёғ олишда фойдаланилган қадимий қурилма. 13. Цирк артисти. 17. Рўзғор буюми. 18. Ғарбий Африкадаги давлат маркази. 19. Дурадгорлик маҳсулоти, жиҳоз. 20. Эстония ССРдаги шаҳар. 24. Сўз туркуми. 25. Узум нави. 29. Қамишсимон, тропик ўсимлик. 30. Кишининг бирор ишга лаёқати, истеъдод. 34. СССР космонавт учувчиси. 35. Ов қилинадиган, чекка жой. 38. Пилла қуртининг ривожланиш жараёнидаги палла.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

4-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 5. Қорақанд. 6. Экология. 10. Бурган. 12. Итузум. 14. Бурчмулла. 17. Чучмома. 20. Пўфанак. 21. Савағич. 22. Оқдарё. 23. Мироқи. 28. Доломит. 30. Пўстлоқ. 31. Ондатра. 34. Сариқамиш. 35. Шабада. 37. Долчин. 39. Дашнобод. 40. Мирзачўл.

БЎЙИГА: 1. Арча. 2. Зайтун. 3. Гомель. 4. Эгат. 7. Бургут. 8. Сумалак. 9. Курмак. 11. Гилмоя. 13. Урганч. 15. Омонқўтон. 16. Қўриқхона. 18. Сайрғоқ. 19. Чиғириқ. 24. Натижа. 25. Қорақум. 26. Олакўл. 27. Кўрфаз. 29. Грузия. 32. «Ғалаба». 33. Ҳисори. 36. Дашт. 38. Олча.



АЖОЙИБОТЛАР КИТОБИ



Турли-туман шов-шувлар бўлади. Геннесснинг рекордлар китобида фақат табассум уйғотадиган бундай шов-шувлар талай. Мана, масалан, Ғарбий Германиянинг Бремен шаҳрида истиқомат қилувчи аёл сочини 302,5 сантиметр узунликда ўстирган.

Бироқ шундай шов-шувлар ҳам борки, эшитган кишини бефарқ қолдирмайди. Яқинда Мисрнинг Луксор шаҳри яқинида жуда ҳам қимматли археологик топилма топилди. Фавқулодда дуч келинган мазкур махфий хазинада археологлар кўз ўнгида ғоят яхши сақланган машҳур фиръавн Арменхотеп IIIнинг сиймоси ва бошқа ҳайкаллар топилди.



Сўлим соҳил, тароватга бой,
Жилдир-жилдир куйлаб окар сой.

С. Дроздов фотоси

Ўлкам бўйлаб сеп ёйди баҳор,
Қучоғига чорлар лолазор.

Б. Юсупов фотоси

Баҳоси 35 тийин.
Индекс 75233.

